

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
АКАДЕМИЯСИ**



**Коррупцияга қарши курашиш илмий-таълим маркази  
“Коррупцияга қарши курашиш” йўналиши тингловчиси  
МАДУМАРОВА ҲИЛОЛА ИЛҲОМЖОН ҚИЗИННИНГ**

**ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИДА КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ  
ОЛИШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР  
мавзусидаги**

**МАГИСТРИК ДИССЕРТАЦИЯ ИШИ**

**Илмий раҳбар:** Академия бошлиғи ўринбосари  
У.У.Нигмаджанов

**Илмий маслаҳатчи:** Б.И.Исмаилов (ю.ф.д)

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Аннотация.** Мазкур диссертация иши прокуратура органларида коррупцияни олдини олиш, ходимлар фаолияти давомида вужудга келиши мумкин бўлган эҳтимолий коррупцион хавф-ҳатарлар ҳамда уларни олдиндан бартараф этиш чора-тадбирлари, прокуратура органларида коррупциявий ҳолатларни юзага келтириши мумкин бўлган қонунчиликдаги бўшликлар шунингдек, мазкур тизимда коррупцияни олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар таҳлили, халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларида коррупцияни олдини олишга қаратилган тавсиялари тўғрисида маълумот беради. Шу билан биргаликда, прокуратура органларида коррупцияни олдини олишнинг айrim ташкилий-ҳукуқий муаммолари ўрганилиб, улар бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Аннотация.** В данной диссертации речь идет о предупреждении коррупции в органах прокуратуры, возможных коррупционных рисках, которые могут возникнуть при работе сотрудников и мерах по их заблаговременному устраниению, пробелах в законодательстве, которые могут стать причиной коррупции в органах прокуратуры, а также о мерах и об анализах направленных на предупреждение коррупция в этой системе, о рекомендациях, направленных на предупреждение коррупции в органах прокуратуры Республики Узбекистан, разработанных международными организациями. При этом были изучены некоторые организационно-правовые проблемы предупреждения коррупции в органах прокуратуры и выработаны соответствующие рекомендации.

**Annotation.** This dissertation gives information about prevention of corruption in the prosecutor`s office, possible corruption risks that may arise in the work of employees and measures to eliminate them in advance, gaps in the legislation that can cause corruption in the prosecutor`s office, as well as analyzes the measures aimed at the prevention of corruption in this system and recommendations aimed at preventing corruption in the prosecutor`s office of the Republic of Uzbekistan, developed by international organizations. At the same time, some organizational and legal problems of preventing corruption in the

prosecutor's office were studied and appropriate recommendations were developed.

## **МУНДАРИЖА**

<b>КИРИШ.....</b>	<b>5-12</b>
<b>I БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ.....</b>	<b>13-34</b>
1.1. Прокуратура органлари тизимида коррупцияни олдини олишнинг хуқуқий асослари.....	13-39
1.2. Прокуратура органларида коррупциянинг олдини олишда амалга оширилган ташкилий чоралар таҳлили. ....	40-47
<b>II БОБ. ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИДА КОРРУПЦИЯНИ ЮЗАГА КЕЛТИРАЁТГАН ОМИЛЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ.....</b>	<b>48-69</b>
2.1. Прокуратура органларида коррупциявий ҳолатларни юзага келтирувчи омиллар.....	48-61
2.2. Прокуратура органларида коррупцияни олдини олишда хориж тажрибаси.....	62-74
2.3. Прокуратура органларида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш масалалари .....	75-80
<b>ХУЛОСА.....</b>	<b>81-83</b>
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>84-90</b>
<b>ИЛОВА.....</b>	<b>90-110</b>

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарбилиги.** Коррупция ҳар қандай давлат ва жамият ривожига жиддий салбий таъсир кўрсатувчи хавфли омил, барча мамлакатларга таҳдид солувчи мураккаб ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳодисадир. Зеро, бу омил туфайли давлатнинг ривожланиши секинлашади, ҳукумат тизими ишдан чиқади, демократик институтларга путур етади. У сайлов жараёнларига салбий таъсир қилиб, қонун устуворлигига жиддий зиён етказади. Шу билан бирга, унинг таъсири остида фуқароларнинг ижтимоий адолатга, ҳақиқатга ва давлат органларига ишончи йўқолади. Ҳар қандай жамият учун ушбу жиноятга қарши курашиш энг долзарб масалалардан биридир. Бугун катта-ю кичик, бой ва камбағал, қудратли ва кучсиз биронта давлатни коррупциядан ҳоли ҳудуд, деб айтолмаймиз. **БМТ ва Халқаро валюта жамғармасининг маълумотларига кўра, жаҳон иқтисодиёти бу оғат туфайли йилига 1.5-2.6 трлн. долларгача зарап кўрмоқда.** Шу боис ҳам, жаҳон ҳамжамияти бу иллатга қарши кескин курашмоқда. Бу йўналишда бир қатор халқаро ҳужжатлар ҳам қабул қилинган бўлиб, БМТ ҳомийлигида қабул қилинган коррупцияга қарши курашиш резолюцияси (1995 й.), Давлат мансабдор шахсларининг халқаро ахлоқ кодекси (1996 й.), Халқаро тижорат ташкилотларида коррупция ва порахўрликка қарши курашиш декларацияси (1997 й.), Миллатлараро уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси (2000 й.), Коррупцияга қарши конвенция (2003 й.) ва бошқалар шулар жумласидандир<sup>1</sup>.

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражасига доир ҳалқаро кўрсаткичлар давлатимиз ҳудудида қонунийлик ҳолати ва давлат органлари фаолиятининг қай даражада очиқлиги ўзида намоён этади.

Масалан, 2021 йил якуни бўйича Ўзбекистон “World Justice project” ҳалқаро ташкилотининг “Хуқуқ устуворлиги” индексида 139 давлат ичида

---

<sup>1</sup> Б.Таджибаев, А.Ўринбоев. “Коррупцияга қарши курашиш – Ватан тараққиётининг кафолатидир!” 2021 й. <https://customs.uz/uz/news/view/5278>

**85-ўринни** эгаллаб, 2020 йилга нисбатан 4.1% юқорилаган<sup>2</sup>.

Бироқ, “хукуматнинг очиқлиги” (**122-ўрин**) ва “хуқуқни қўллаш амалиёти” (**104-ўрин**) мезонлари бўйича мамлакатимиз ўта қуи поғоналарни банд этган. “Коррупциянинг йўқлиги” мезони бўйича эса 70-ўринни эгаллаган.

Ёки, “Жаҳон банки” ташкилоти томонидан Ўзбекистон “инсон камолоти” индекси бўйича **106-ўринни** (2016 йилда 105) эгаллаган<sup>3</sup>, “Transparency international” ташкилотининг “коррупцияни қабул қилиш” индексида эса, **140-ўринни** эгаллаб, 2020 йилга нисбатан 6 поғонага юқорилаган<sup>4</sup>.

Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 24-апрелида бўлиб ўтган ялпи мажлисида коррупцион жиноятларни содир этиш кўрсаткичлари ошиб бораётганлиги қайд этилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан мансабдор шахслар томонидан содир этилган коррупцион жиноятлар туфайли мамлакатимиз иқтисодиётига етказилган заар ҳисоблаб чиқилиб, **2019 йилда 1,67 трлн сўмни, 2021 йилда эса 1,3 трлн сўмни** ташкил этди. Шунингдек, **2018 йилдан 2020 йилга қадар 1986 та мансабдор шахслар** коррупцион жиноятлар билан айбли деб топилган бўлса, уларнинг **318 нафарини хуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари ташкил** этди. **2020 йилнинг ўзида эса 2270 нафар** шахсга нисбатан судлар томонидан жиноят иши кўриб чиқилиб, улардан **16 таси адлия идоралари, 3 таси суд ва 13 таси эса прокуратура органлари ходимлари**dir<sup>5</sup>. Шу билан биргаликда, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Б.Б.Валиевнинг ахборот беришича, охирги тўрт йил ичida **9546 нафар шахс** турли кўринишдаги коррупция жиноятларини содир этилиб, бунинг натижасида

---

<sup>2</sup>[Электрон манба]. URL: <https://www.worldjusticeproject.org/rule-of-law-index/country/2021/Uzbekistan> (мурожаат вақти: 09.06.2022 й.)

<sup>3</sup>[Электрон манба]. URL: <https://gtmarket.ru/ratings/human-development-index> (мурожаат вақти: 09.06.2022 й.)

<sup>4</sup>[Электрон манба]. URL: <https://www.transparency.org/en/cpi/2020/index/nzl> (мурожаат вақти: 09.06.2021 й.)

<sup>5</sup>[Электрон манба]. URL: <https://anticorruption.uz/uzc/item/2021/04/20/2020-yilda-sodir-etilgan-korrupsiyaviy-jinoyatlar-statistikasiyu>. (мурожаат вақти: 14.05.2021 й.)

давлат ва фуқаролар манфаатларига 3 трлн 200 млрд сўмга яқин зиён етказилган<sup>6</sup>.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, **2021 йилнинг биринчи ярмида 2544 нафар мансабдор шахсларга коррупцион жиоятларни содир этганликлари сабабли жиноий иш қўзгатилиб, бу каби жиноятларнинг миқдори ошиб бораётганлиги ва прокуратура органларида ҳам юз берадиганлиги туфайли Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратураси кенг жамоатчиликка мурожаат билан чиқди.** Хусусан, **2021 йилнинг сентябрь ойида Жizzах вилоятида туман прокурори 2 минг доллар, Самарқанд вилоятида туман прокурори ўринбосари 10 минг доллар, 12 ноябрь куни Андижон вилоят прокуратураси ходими 15 минг доллар пора билан ушланган бўлса, 6 декабрь куни Баш прокуратура бошқарма бошлиғи ўринбосари 29 минг доллар пора билан<sup>7</sup> қўлга олинди.**

Бу каби ҳолатларнинг прокуратура органларида юз берадиганлиги, **биринчидан**, прокуратура органлари фаолиятида коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларнинг ҳали ҳам мавжудлигини, мазкур омилларни бартараф этишининг самарадорлигини оширишда айрим тўсикларга дуч келинаётганлигини, қонунийликнинг тўлиқ таъминланмаётганлигини ва баъзи бир ходимларнинг ўз фаолиятлари давомида ҳалоллик ва адолатлилик принципларига зид ҳаракат қилаётганларини кўрсатади.

**Иккинчидан**, хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қонунчиликка риоя қилинмаслик ҳолатларининг мавжудлиги жамоатчилик томонидан прокуратура органларига бўлган ишончсизликни вужудга келтириб, аҳоли ўртасидаги обрўсига жиддий путур еткизади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан аҳолининг коррупцияга бўлган муносабатини ўрганиш мақсадида сўровнома ўтказилди. Мазкур сўровномада 15 507 нафар респондент

<sup>6</sup>Ўзбекистон Республикаси Баш прокурорнинг биринчи ўринбосари Б.Б.Валиевнинг 2021 йил 9- июлдаги АОКА да ўтказилган брифингдаги нуткидан. [URL: http://www/gazeta.uz/uz/2021/07/09/corruption-crime/](http://www/gazeta.uz/uz/2021/07/09/corruption-crime/). (мурожаат вақти: 14.05.2021 й.)

<sup>7</sup>[Электрон манба]. URL: <https://anticorruption.uz/uzc/item/2021/04/20/2020-yilda-sodir-etilgan-korrupsiyaviv-jinoyatlar-statistikasiyu>. (мурожаат вақти: 14.05.2021 й.)

қатнашган бўлиб, уларнинг **10 %** охирги икки йил ичида **прокуратура органларида** коррупцияга дуч келганликларини айтишган<sup>8</sup>.

**Учинчидан**, прокуратура органлари айрим ходимлари томонидан ўз мансаб ваколатини сустеъмол қилиш прокуратура органларида меҳнат муносабатлари, меҳнат шароитларидаги камчиликлар, моддий ва ижтимоий таъминотнинг етарли даражада эмаслиги сабабли юз бераётганлигини ҳам айтиб ўтишимиз лозим. Шу мақсадда, *Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Н.Т. Йўлдошевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2022 йил 29-апрель ялпи мажлисида 2021 йилдаги фаолияти юзасидаги ҳисоботида* мамлакатимизда содир этилаётган қонун бузилиш ҳолатларининг чуқур таҳлили асосида тегишли вазирлик, идора ва ташкилотларга ушбу коррупцион жиноятлар содир этилишига сабаб бўлаётган омиллар юзасидан хulosса ва тавсиялар тақдим этиш лозимлиги таъкидланди<sup>9</sup>.

Бу каби ҳолатларни бартараф қилиш мақсадида, Ўзбекистонда нафақат прокуратура органларида, балки барча давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш энг устувор йўналишга айланиб улгурмоқда. Буни сўнгги йилларда соҳага оид қабул қилинган концептуал аҳамиятга эга норматив-хуқуқий ҳужжатлар, коррупцияни олдини олишга қаратилган маъмурий ислоҳотлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини оширишда Ўзбекистон ислоҳотларининг асосий ҳужжати ҳисобланган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг аҳамияти катта ҳисобланади. Ундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 60-сонли Фармонининг қабул қилиниши ва унинг айнан *17-мақсади* прокуратура фаолиятини тубдан такомиллаштириш, очик ва адолатли

<sup>8</sup>[Электрон манба]. Янги Ўзбекистон., <https://yuz.uz/news/ijtimoiy-sorov-yoshlarning-uchdan-bir-qismi-pora-berishni-korruptsiya-deb-hisoblamaydi>

<sup>9</sup>[Электрон манба]. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма бешинчи ялпи мажлиси тўғрисида ахборот. // [URL:<http://senat.uz/uz/lists/view/4295/>](http://senat.uz/uz/lists/view/4295/) (мурожаат вақти: 14.05.2021 й.)

прокуратура фаолиятининг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратишга қаратилгандир.

Бундан ташқари, **2021-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий стратегияси**<sup>10</sup> лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Юртимизда амалга оширилаёган бу каби чора-тадбирлар прокуратура органларининг фаолиятини янада қучайтиришга, унинг аниқ мақсад ва вазифалар доирасида фаолият юритишига, ходимларнинг қонунийлик, адолатлилик, ҳалоллик принципларига риоя қилган қилган ҳолда, вазифаларини ўз бурчларига садоқат билан амалга оширишига хизмат қилади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистонда прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштириш, ходимлар ўртасида коррупцияни олдини олиш, тизимда қонунийликни мустаҳкамлаш борасида ҳуқуқшунос олимлар О.М.Мадалиев, Э.М.Абзалов, Х.Б.Бобоев, А.Ж.Давлетов, З.С.Ибрагимов, З.М.Исломов, М.Махбубов, Ф.А.Абдумажидов, М.Х.Рустамбаев, О.Р.Оқилов, Б.Х.Пўлатов, М.А.Раджабова, О.Т.Хусанов Ф.Х.Рахимов, ва бошқалар илмий тадқиқотлар ўтказишган. ,

Бу борада чет эллик олимлар И.А.Антонов, И.Ж.Бахтыбаев, В.Бессарабов, А.Девис, В.В.Долежан, О.С.Капинус, В.М.Точиловский, А.Ю.Винокуров, П.П.Корчинский, С.Г.Кехлеров, Gordon, Jerg Gutmann, Sanford, Staelens J, Stefan Voigt, Ричард Е. Мессик, Софие А.Шутте, Х.Грамсков ва бошқалар ҳам прокуратура органларини ривожлантириш бўйича самарали изланишлар олиб боришиган<sup>11</sup>.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятида коррупцияни олдини олиш, коррупциявий ҳолатларни юзага келтираётган омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқишидан иборат.

### **Тадқиқот вазифалари:**

<sup>10</sup>[Электрон манба]. URL: <https://anticorruption.uz/uzc/item/2021/03/26/korrupsiyaga-qarshি-kurashish-boyicha-milliystrategiya-loyihasi-ilmiy-va-akademik-doira-vakillari-muhokamasida>. (мурожаат вақти: 14.05.2021 й.)

<sup>11</sup> Ушбу асарлар рўйхати диссертациянинг фойдаланган адабиётлар қисмида кўрсатилган.

- Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларида коррупцияга қарши курашиш фаолиятининг ҳуқукий асосларини ва уларнинг моҳиятини тизимли таҳлил асосида тадқиқ қилиш;
- прокуратура органлари фаолиятида коррупцияни олдини олишга қаратилган ташкилий чораларнинг аҳамиятини таҳлилий ўрганиш;
- прокуратура органларида коррупцияни олдини олишга оид хорижий тажрибани қиёсий таҳлил асосида ўрганиш;
- прокуратура органларида коррупцияни келтириб чиқараётган мавжуд омилларни ўрганиш ва уларни таҳлил қилиш;
- коррупцияни келтириб чиқараётган муаммоларнинг ҳал этиш йўллари ва прокуратура органларининг бу борадаги фаолиятини стратегик ривожлантириш бўйича амалий таклифларни ишлаб чиқиши.

**Тадқиқот усуллари.** Белгиланган вазифаларни амалга оширишда умумлаштириш, тизимли таҳлил, тарихийлик, аниқлаштириш, қиёсий-ҳуқукий, сўровнома ўтказиш, статистик маълумотларни ўрганиш, таҳлил этиш каби илмий усуллардан фойдаланилди.

#### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

- Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятини ривожлантириш мақсадида “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунга қўшимча ва ўзгартиришлар киритган ҳолда янги таҳрирда ишлаб чиқиши, прокуратура органларидаги лавозимларга тайинланадиган шахслар — прокурор, суриштирувчи, терговчи ҳамда иш юритувчиларга қўйиладиган талабларнинг қонунда аниқ белгиланиши, прокурор мустақиллигининг реал кафолатларини яратиш, прокуратура органларида коррупцияни олдини олиш, уни барвақт аниқлаш механизмларини ишлаб чиқиши, амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини яхшилаш, прокуратура органлари томонидан очиқлиги таъминланиши лозим бўлган маълумотларнинг рўйхатини ишлаб чиқиши ва бу бўйича “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунга қўшимча киритиш, меҳнат муносабатларини такомиллаштириш таклифлари илгари сурилган;

- илғор хорижий мамлакатлар прокуратура органлари фаолиятининг қиёсий-хуқуқий таҳлили асосида прокуратура органларидағи лавозимларга тайинланадиган шахсларга қўйиладиган талабларнинг аниқ рўйхатини шакллантириш, ходимларга бажараётган ишларининг ҳажми ва масъулиятидан келиб чиқиб иш ҳақи миқдорининг белгиланиши, прокуратура органлари ходимларининг хизматда ва хизматдан ташқари вақтларда хавфсизлигини таъминлаш, прокурорларнинг мустақиллиги, шаффоғлиги, холислигига оид стандартларни жорий этиш бўйича хulosалар таклиф этилган;

- прокуратура органларида коррупцияни олдини олиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига прокуратура органларига дастлабки хизматга қабул қилиш жараёнларини очик тарзда олиб бориш, номзодларни дастлабги хизматга қабул қилиш механизмини ишлаб чиқиши, лавозимларга тайинланадиган шахсларга қўйиладиган талаблар рўйхатини шакллантириш, ходимларнинг моддий таъминотини яхшилаш, уларнинг ва оила аъзоларининг хавфсизлигини давлат томонидан кафолатлаш каби ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тайёрланган.

**Тадқиқотнинг обьекти** Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятида коррупцияни олдини олиш ва уларни барвақт аниқлаш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқот предметини** прокуратура органлари фаолиятида коррупцияни олдини олиш ва уни барвақт аниқлаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи норматив-хуқуқий ҳужжатлар, халқаро стандартлар, хориж тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ташкил қиласди.

**Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган таклифлар, унда келтирилган хulosалар ҳамда тавсиялардан прокуратура органларининг келгусидаги коррупцияга қарши

курашиш фаолиятининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, норматив-хуқуқий асосларини ривожлантириш, бу соҳадаги қонун хужжатларини такомиллаштириш, прокуратура органларининг шаффоғлигини таъминлашда фойдаланиш мумкин.

Мазкур диссертацияда прокуратура органлари фаолиятида коррупцияни олдини олишга қаратилган норматив-хуқуқий хужжатларни такомиллаштиришга, коррупцион ҳолатларни юзага келтиришга асос бўлаётган омилларни олдини олиш мақсадида қонун хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритган ҳолда янги таҳирда қабул қилишга хизмат қиласди.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 2 та боб 5 та параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этади.

**I БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРА  
ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ**

**1.1. Прокуратура органлари тизимида коррупцияни олдини олишнинг  
хукуқий асослари**

Жамиятимизда коррупциянинг мавжудлиги кундалик ҳаётимизда қонунларнинг аҳамияти ва самарадорлигини сезиларли даражада пасайтиради, аҳолининг ҳокимият институтлари, хукуқни муҳофаза қилувчи органларига бўлган ишончини сусайтиради. Ҳар бир давлат ўз жамиятида коррупцияни олдини олиш мақсадида режа ва дастурлар ишлаб чиқиб, уни амалиётга тадбиқ қилишга ва самарадорлигини оширишга ҳаракат қилмоқда. Шуни таъкидлаш ўтиш жоизки, юртимизда коррупцияга қарши курашнинг сифат ва сон жиҳатдан мутлақо янги даражага кўтарилиши Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси маҳсулидир. Жумладан, давлат раҳбарининг жамиятни “ҳалоллик вакцинаси билан эмлаш” зарурияти ҳақидаги фикрлари бу борадаги ишларга қўйилган тамал тоши десак, асло муболаға бўлмайди. Зеро, Президент 2020 йилнинг 24 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қилган Мурожаатномасида таъкидлаганидек, “Жамиятимизда коррупция иллати ўзининг турли кўринишлари билан тараққиётимизга ғов бўлмоқда. Бу ёвуз балонинг олдини олмасак, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиб бўлмайди, умуман, жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмайди”.

Коррупция — лотинча “*cor*” ва “*ruptum*” сўзларидан ташкил топган бўлиб, “*cor*” виждон, юрак, “*ruptum*” эса бузилиш, вайрон бўлиш деган маъноларни англатади<sup>12</sup>. Яъни коррупция инсоннинг вижданан ва аҳлоқан бузилиши ҳисобланади. Шунингдек, кўплаб илмий адабиётларда коррупция лотинча “корруптио” сўзидан олингандиги келтирилган бўлиб, пора бериб

---

<sup>12</sup> Мишин Г.К. “О теоретической разработке проблемы коррупции”. – М.: Юрист, 2001. С. 26

сотиб олиш, бузилиш, ишдан чиқиш, ахлоқий (маънавий) бузилиш деган маъноларни англатади<sup>13</sup>.

Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Конунининг З-моддасида коррупцияга қўйидагича таъриф берилади: *коррупция* — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равища фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равища тақдим этиши. Демак, коррупциявий ҳолатлар шахслар моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида ўз мансаб ёки хизмат мавқеиларидан ноқонуний фойдаланадиб, шахсий ёки ўзгалар манфаатларини кўзлаб ҳаракат ёки ҳаракатсизлик қилганда вужудга келар экан. Республикамизда ушбу жиноятга қарши кураш соҳасида мақсадли сиёsat олиб борилмоқда. Деярли ҳар бир давлат бошқаруви органларининг, ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларининг фаолиятларида коррупцияни олдини олиш борасида кўплаб ишлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонининг 84-мақсадида коррупцияга мойил соҳа ва тармоқларни аниқлаш, коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, коррупцияга қарши курашиш амалиётида тизимли превентив чораларни кучайтириш каби амалга оширилиши мухим ва айни вақтда энг долзарб вазифалари кўрсатилган.

Коррупцияга мойил соҳаларни аниқлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан 15 507 нафар респондент ўртасида сўровнома ўtkazилган бўлиб, респондентларнинг **10 %** охирги икки йил ичida **прокуратура органларида** коррупцияга дуч келганликларини айтишган.

---

<sup>13</sup> Friedrich Carl J. The Pathology of Politics. “Violence, Betrayal Corruption, Secrecy and Propaganda”. - New York., 1972. - P. 129.

Прокуратура органларида коррупцияни олдини олиш мақсадида жуда ҳам кўплаб ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, ушбу тизимни коррупциядан ҳоли қилиш мақсадида қонунчилик асослари такомиллаштирилмоқда, прокуратура органлари фаолиятининг очиқлигини, шаффофлигини таъминлашга, фуқароларнинг ушбу тизимга бўлган ишончи ва хурматини оширишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Прокуратура органларида қонунийликни таъминлаш, қонун устуворлигини мустаҳкамлаш ва коррупцияни олдини олишни самарали ташкил этиш мақсадида ушбу тизимда учраши мумкин бўлган коррупциявий хавф-ҳатарларни ва коррупциявий хавф-ҳатар аслида нима эканлигини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқдир.

Россиялик ҳуқуқшунос олим **И. Дементьеванинг** фикрига қўра, коррупциявий хатарлар – давлат бошқаруви тизимида мансабдор шахслар ва ходимларнинг қонунда белгилаб қўйилган вазифа ва мажбуриятларини бажаришида ноқонуний моддий ёки номоддий бойликлар ва имтиёзларни қўлга киритиш мақсадида ҳаракат қилиши ёки қилмаслиги учун яратилган имкониятдир<sup>14</sup>.

Келтирилган ёндашувда коррупциявий хавф-ҳатарлар давлат бошқаруви органида маълум бир ваколатга эга бўлган ҳар қандай ходимнинг ўз ваколатидан шахсий манфаати йўлида фойланиши учун яратилган шароит эканлиги айтиб ўтилган.

Яна бир ҳуқуқшунос олим **В.В. Астанин** айнан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларлар фаолиятидаги коррупцион хавф-ҳатарларга тўхталиб, унинг фикрича, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг белгиланган мажбуриятлар, тақиқлар ва чекловларга риоя қилмасликлари, ўз фаолиятларини амалга оширишда ваколатларини суистеъмол қилишлари коррупциявий хатарларни юзага келишига асос бўлади<sup>15</sup>. Агар прокуратура органи ходими ўз мажбуриятларини бажариш давомида белгиланган касб

<sup>14</sup> Дементьева И.Н Исследование коррупционных рисков в региональных органах государственной власти //Проблемы развития территории. - 2012. № 2; -С., 58

<sup>15</sup> Астанин В.В. Антикоррупционная политика России: криминологические аспекты. Диссертация., д.ю.н. М., 2009. С. 11.

одобномасига риоя қилмаса, ўзбошимчалик билан иш тутса, тақиқ ва чекловларга риоя қилмаса коррупцион хавф-ҳатар юзага келар экан. Демак, прокуратура органларида коррупция хатарлари – коррупция ходисаларининг намоён бўлиши ёки пайдо бўлиш хавфи ҳисобланар экан.

Юқорида келтирилган олимларнинг назарий қарашлари барча давлат органларига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга қаратилганлигини инобатга олиб, биз ана шу назариялар асосида ўз хулосамизни прокуратура органи мисолида беришни мақсадга мувофиқ деб билдик.

**Прокуратура органларидағи коррупциявий хавф-ҳатарлар**  
*прокуратура органлари ходимларининг ўз вазифа ва мажбуриятларини бажарии давомида ички тартиб қоидаларга амал қилмасдан, менсимасдан ҳаракат қилиши, ўзи ёки учинчи шахс манфаатлари учун ноқонуний қарорлар қабул қилиши, ноқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги натижасида моддий ёки номоддий наф кўриш эҳтимолидир.*

АҚШ ҳалқаро тараққиёт агентлиги томонидан (UCAID) томонидан олиб борилган тадқиқот натижалариға кўра, коррупциявий хатарларни рўйхатини шакллантириш, ҳар бир хавф-ҳатарни баҳолаш мамлакатдаги коррупциявий вазиятни аниқлаш, тушуниш, коррупцияни олдини олишда устувор вазифа ва мажбуриятларни белгилаб олиш ва коррупцияга қарши курашдан кўзланган натижаларга эришишда жуда ҳам зарур ҳисобланади<sup>16</sup>.

**Фикримизча**, прокуратура органлари фаолиятида ҳам коррупциявий хавф-ҳатарлар рўйхатини шакллантириш, уларни баҳолаш механизмини шакллантириш прокуратура органларида коррупцияни олдини олиш самарадорлигини оширишга хизмат қиласди.

Шунингдек, ҳуқуқшунос олим **Л.Селинчек** давлат бошқаруви органларида энг кўп учраши мумкин бўлган ва энг кўп заар келтирадиган коррупциявий хатарлар рўйхатини шакллантирган бўлиб, улар қуидагилардан иборат:

- ✓ Мансабдор шахсларнинг ёки оддий ходимларнинг пора олиш ёки талаб қилиш;
- ✓ Шахсий манфаатларни кўзлаб мансабни сустеъмол қилиш;
- ✓ Давлат маблағларини талон тарож қилиш;
- ✓ Мансабдор шахсларга ёки оддий ходимларга нисбатан ноқонуний ташқи таъсир ва босимлар;
- ✓ Мансабдор шахсларга ёки оддий ходимларга нисбатан ноқонуний ички таъсир ва босимлар
- ✓ Манфаатлар тўқнашуви<sup>17</sup> каби хавфларнинг мавжудлиги илгари сурилган.

Шу билан биргаликда, бир қатор олимлар, хусусан **Г. Райковлар**<sup>18</sup> ва **Г.А.Сатарова** давлат бошқаруви органларида расмий шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган “таниш-билишчилик”, уруғ-аймоқчилик, қариндошлик ва мансабдор шахслар ҳамда оддий ходимлар томонидан совғаларнинг қабул қилиниши коррупциявий хавф-ҳатарларни юзага келтириши мумкинлиги айтиб ўтилган.

Бизнинг фикримизча, прокуратура органларида коррупциявий хавф-ҳатарлар рўйхатини шакллантиришда Л.Селинчек томонидан шакллантирилган коррупциявий хавф-ҳатарларга қўшимча равища Г. Райковлар ва Г.А.Сатаровалар томонидан илгари сурилган омилларни ҳам киритсак мақсадга мувофиқ бўлар эди:

- ✓ Мансабдор шахслар ҳамда оддий ходимлар фаолияти давомида юзага келиши мумкин бўлган “таниш-билишчилик”, уруғ-аймоқчилик ҳолатлари;
- ✓ Мансабдор шахс ёки ходимлар томонидан совғаларнинг қабул қилиниши.

**Ўйлашимизча**, прокуратура органларида коррупцияни олдини олиш ва мазкур жараённинг самарадорлигини оширишда прокуратура органларида

<sup>17</sup> Liljana Selinšek. “Corruption Risk Assessment in Public Institutions in South East Europe”

<sup>18</sup> Райков Г.И. “Коррупционный риск как следствие борьбы с коррупцией на современном этапе” // Актуальные проблемы экономики и права. М.-2009., -С.94

коррупциявий хавф-ҳатар тушунчаси, уларнинг турлари, коррупциявий хавф-ҳатарлар рўйхати ва уларни баҳолаш механизмларининг ишлаб чиқилиши муҳим аҳамият касб этади. Чунки коррупциявий хавф-ҳатарларни шакллантириш натижасида унинг бошланғич нуқтасини аниқланади ва уларнинг хавфлилик даражасининг аниқлаш мақсадида баҳолаш механизми ишлаб чиқилади. Ҳукуқшунос олим **В.Георгиевнинг** фикрича, ҳар бир тизимда коррупциявий ҳатарларни баҳолаш ва уларни бартараф этиш мақсадида режалар ишлаб чиқиш коррупцияга қарши курашнинг самарали усули ҳисобланади<sup>19</sup>.

Шу билан биргаликда, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларида коррупцияни олдини олиш, уни барвақт аниқлаш мақсадида ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилган бўлиб, уларга алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Прокуратура органларида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасидаги фаолиятни ҳуқуқий тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, халқаро ҳукуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари ва нормалари, конвенциялар, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар доирасида амалга оширилади. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни гуруҳларга ажратган холда ўрганиш, уларни тўғри тушунишга ва тўғри таҳлил қилишга ёрдам беришини ҳисобга оладиган бўлсак, биз уларни тўрт гуруҳга бўлган холда кўриб чиқамиз.

*Биринчи гуруҳга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари мансубдир. Конституциянинг XXIV боби прокуратура органлари тўғрисида бўлиб, у 118-121-моддаларни ўз ичига олади. Ушбу нормаларда прокуратура органларининг бошқа давлат органларидан мустақиллиги белгиланган бўлиб, уларнинг фаолиятига аралашиб таъқиқланади. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсинувчи*

---

<sup>19</sup> V.Georgiev “Methods and techniques for assessment of corruption risk”. Journal of Defense Management, -S- 2013., p 13.

прокурорларнинг асосий вазифаси қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш бўлиб, ула ўз ваколатлари даврида сиёсий партияларга ва сиёсий мақсадларни кўзловчи бошқа жамоат бирлашмаларига аъзоликни тўхтатиб турадилар<sup>20</sup>. Бу эса прокурорлар ва прокуратура ходимларига ўз ваколатларини бошқа масалаларга чалғимасдан, оғишмай амалга оширишга, шу билан бирга ушбу норма орқали прокуратура органларида вужудга келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувининг ҳамда коррупциявий ҳолатларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларида коррупцияни олдини олишнинг энг биринчи ҳуқуқий асоси Конституция бўлса, кейинги ўринда Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни туради. Қонун ҳозирги кунда ҳам прокуратура органлари олдига қўйилган вазифалар, жамиятнинг тараққиёти, бошқарув тизимининг демократлашуви, эркинлашуви билан боғлиқ тарзда такомиллашиб бормоқда. Прокуратура органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида миллий қонунчиликка прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллашириш, унинг ваколатларини кучайтиришга қаратилган бир қатор ўзгартиришлар киритилди. Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни ҳам прокуратура органларида коррупцияни олдини олиш, ушбу тизимда очиқлик ва шаффофликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу Қонун 7 бўлим, 4 боб, 56 моддадан иборат бўлиб, унда прокурорлар Ўзбекистон Республикаси худудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширишлари<sup>21</sup> белгилаб қўйилган. Шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасида келтирилишича, прокурорлар ва прокуратура органлари ходимлари ўз фаолиятларида бирлик, қонунийлик, мустақиллик ва ошкоралик принциплари асосида амалга оширадилар.

<sup>20</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 08.12.1992 й, 120-модда; <https://lex.uz/docs/35869?otherlang=3>

<sup>21</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 08.12.1992 й, 118-модда; <https://lex.uz/docs/35869?otherlang=3>

*Шу ўринда айтиб ўтишиимиз жойизки, қонунчилигимизда “бирлик” тамойилининг аниқ хукукий таърифи келтирилмаган бўлиб, бу эса ушбу тушунчани турлича талқин қилишга олиб келади.*

*Хукуқшунос олим **Б.Пўлатовнинг** фикрига кўра, прокуратура фаолиятининг бирлик тамойили, аввало, бу органлар олдига қўйилган вазифаларнинг бирлиги билан белгиланади. Қонун бузилишини аниқлаш ва бартараф этиши борасидаги юқори турувчи ва қўйи прокурорларнинг ваколатлари бир хил<sup>22</sup>.*

*Шунингдек, олим **О.Мадалиев** эса, “прокурор назоратидаги бирлик тамойили – прокуратура тизимига кирувчи барча органлар фаолиятини ягона шакл, мақсад ва умумий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда акс эттирилиши ҳамда аниқланган қонун бузилиши ҳолатларига нисбатан бир хилда прокурор таъсир чораларини, прокурор назорати ҳужжатларини қўллашида ифодаланиши билан ажралиб туради. Бирлик тамойили эса, Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган ҳудудий ва ихтисослашган прокурорларнинг ягона тизими” деган фикрини илгари сурган<sup>23</sup>.*

**Фикримизча**, назарий жиҳатдан қараганда бирлик тамойили мақсад ва вазифаларнинг бир хиллигини англатса, амалий жиҳатдан эса прокурорларнинг марказлашганлигини кўрсатади десак, адашмаган бўламиз. Бирлик тамойили мазкур тизимдаги барча ходимларнинг ягона мақсад йўлида, яъни мамлакатимизда қонунлар ижросини аниқ ва бир хилда таъминлаш, хукуқбузарликларни олдини олишда намоён бўлади. Прокуратура органларида коррупцияни олдини олишда ушбу принципдан фойдаланиш эса коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини оширади. Чунки, айни вақтда мазкур тизимда хизмат қилаётган ходимлар айнан қайси соҳаларда прокуратура органларида коррупциявий хавф-ҳатарлар вужудга келаётганлигини, коррупцияни олдини олишда қандай бўшлиқлар мавжудлигини, қайси масалалар ҳали ҳам тартибга солинмаётганлигидан

---

<sup>22</sup>Пўлатов Б.Х. “Қонунлар ижроси устидан прокурор назорати”. – Т. 2006. – Б. 42.

<sup>23</sup>Мадалиев О.М. “Prokuror nazorati”. – Т. 2012. – Б. 85.

кўпроқ хабардорлар. Шунинг учун ҳам прокуратура органлари ходимлари ўртасида коррупцияга қарши курашишда бирлик принципининг кенг кўлланилиши улар ўртасида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириб, ҳар бир ходим нафақат ўзини балки, ҳамкасларини ҳам ҳалолликка ва ўз касбига садоқатли бўлиш ва унга доғ туширмасликка ундейди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “бирлик” тамойилига прокуратура органларининг белгиланган мақсад ва вазифаларидан ҳамда коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларининг устуворлигидан келиб чиқиб норматив ҳуқуқий ҳужжатларда аниқ таъриф берилишини мақсадга мувофиқ деб биламиз.

Прокуратура органларининг мустақиллик принципи, прокуратура органларида коррупцияни олдини олиш, ташқи ва ички таъсирлар туфайли юзага келиши мумкин бўлган коррупциявий омилларни олдини олишга ёрдам беради. Мазкур принципга **Ю.Э.Винокуров** алоҳида эътибор қаратиб, “Прокуратура органлари фаолиятида мустақиллик тамойили ўта муҳим давлат ва сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, унга доимий тартибда риоя қилинган тақдирдагина прокуратура органлари жамиятда қонун устуворлигини ва яхлитлигини таъминлашни, фуқароларнинг ҳуқуқларини, шунингдек, давлат ва жамият манфаатларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлайди”<sup>24</sup>. Шунингдек, прокуратура органи ҳодимининг мустақиллиги таъминланиши унинг процессуал қарор қабул қилиш жараёнида барча ташқи ҳамда ички таъсирлардан ҳимояланганлигининг кафолати ҳам ҳисобланади. Прокурор ўз иш юритувидаги ҳужжатларни “топшириқлар” ёки “илтимослар” асосида эмас фақатгина, қонунга асосланган ҳолда кўриб чиқишига ёрдам беради.

Ҳуқуқшунос олим **О.М.Мадалиев** эса, “Мустақиллик тамойили – бу прокурорлар томонидан ўзларининг барча функционал қарор ва ҳаракатларини қонунга асосан олиб боришларидир” деб келтириб ўтган<sup>25</sup>.

<sup>24</sup> Винокурова Ю.Е. “Прокурорский надзор”., М-2004., Ст-40

<sup>25</sup> Мадалиев О.М. Прокурор назорати. Дарслик. Умумий қисм. -Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. – Б.107

Умуман олганда, прокурорлар ўз вазифа ва мажбуриятларини фақатгина қонунга асосланган ҳолда бажаришлари нафақат жамиятда балки, прокуратура органларининг фаолиятида ҳам коррупциявий ҳаракатларни олдини олиб, қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қиласди. Мустақиллик принципи прокурорлар зиммасига юкландан вазифа ва мажбуриятларни фақат қонун асосида, тўлиқ ва самарали бажаришига имкон берадиган ҳуқуқий мезон ҳисобланади.

Прокуратура органларида коррупцияни олдини олишга хизмат қиласдиган принциплардан яна бири бу ошкоралик принципидир. Ошкоралик тамойилининг таъминланиши тизим фаолиятида мавжуд бўлиши мумкин бўлган ўзбошимчалик, ички-тартиб қоидаларга менсимаслик, манфаатлар тўқнашуви, қариндош-уруғчилик каби коррупциявий омилларни бартараф этишга ёрдам беради.

Россиялик ҳуқуқшунос олим **А.В.Кузминнинг** фикрига кўра, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ошкоралиги уларнинг фаолияти тўғрисида маълумотларни ва улар томонидан қабул қилинаётган процессуал аҳамиятга эга бўлган қарорлар тўғрисидаги маълумотларни олишнинг қай даражада осон эканлиги билан ўлчанади<sup>26</sup>. А.В.Кузмин томонидан илгари сурилган бу фикр бизнингча бир томонлама ҳисобланиб, ошкоралик принципи фақатгина маълумотларни олиш билан эмас балки, уларни кенг жамоатчиликка эълон қилиб борилиши ва эълон қилиниб бориладиган маълумотларнинг руйҳати билан баҳоланиши лозим.

Бундан ташқари, яна бир олим **Э. В. Талапинанинг** фикрича, ошкоралик коррупцияга қарши профилактик юкни ҳам ўз зиммасига олади: **биринчидан**, фаолиятнинг очиқлиги ҳокимият органларида коррупция имкониятларини камайтиради; **иккинчидан**, у ҳар қандай коррупциявий оғишларни аниқлашга ёрдам беради, коррупцияга қарши курашувчи органлар фаолиятига ёрдам беради; **учинчидан**, фуқароларни коррупцияга қарши кураш жараёнига жалб қилиб, жамоатчилик назоратини кучайтиришга

---

<sup>26</sup> А.В. Кузьмин “Основы обеспечения открытости в деятельности органов государственной власти в РФ”, М-2012., Ст-188

хизмат қиласы<sup>27</sup>. Демак, прокуратура органлари фаолиятида ҳам ошкоралик принципини таъминлашдан асosий маңсад коррупциявий омилларни камайтиришга, уларни олдиндан бартараф этишга ҳамда мазкур ҳукуқбузарликларни олдини олишда жамоатчилик иштирокини кучайтиришдан иборатдир.

Шу билан биргаликда, халқаро стандартларда прокуратура органларининг ошкоралигига нисбатан қатор талаблар белгиланган. Масалан, Европа Кенгаши Вазирлар қўмитаси томонидан 2012 йил 19 сентябрда прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштириш маңсадида Тавсиялар ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур Тавсияларнинг 6-бандида прокуратура органлари ўз фаолиятларини имкон қадар шаффоф ва очиқ ташкил этишлари лозимлиги белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 154-сонли “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида кенг жамоатчиликка эълон қилиб борилиши лозим бўлган маълумотлар рўйхати келтириб ўтилган. Унга кўра, давлат органлари ўз фаолиятларига оид ҳисоботлар, мансабдор шахсларнинг ҳаражатлар, автомотранспорт воситалари тўғрисида, хизмат уйлари, ҳаражатлар сметаси, давлат харидлари ва бошқа маълумотлар эълон қилиб борилиши мустаҳкамланган.

**Ўйлашимизча,** прокуратура органлари фаолиятида ҳам мазкур маълумотларнинг очиқлиги таъминланиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Конунда ошкоралиги таъминланиши лозим бўлган маълумотлар рўйхатининг шакллантирилиши коррупцияни олдини олишга, коррупциявий омилларни вужудга келишидан олдин бартараф этишга ёрдам беради.

Ҳар бир ходим ўз фаолияти давомида ушбу принципларга оғишмай амал қиласа, прокуратура органларида коррупциявий ҳолатларнинг вужудга

<sup>27</sup> Талапина Э. В. Комментарий к законодательству Российской Федерации о противодействии коррупции (постатейный). М.: Волтерс Клувер, 2010. -192 с.

келиши кескин камаяди. Прокуратура органлари фаолиятида ошкоралик принципининг мавжудлиги жамоатчилик назоратига имкон яратади. Жамоатчилик назорати эса мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг самараси ва муваффақиятини таъминлашда асосий воситалардан бири ҳисобланиб, прокурорлар ва прокуратура органлари ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ва бошқа норматив ҳуқуқий хужжатларига риоя этилиши устидан фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқари органлари, оммавий ахборот воситалари томонидан назорат қилиниши тушунилади. Шунингдек, прокуратура органлари фаолиятида ошкоралик принципининг мавжудлиги, прокуратура органлари ходимларини хушёрликка чақиради, уларнинг ўз ваколатлари доирасида қонундан четга чиқмаган холда фаолият юритишларини таъминлашга ёрдам беради.

Бундан ташқари, ушбу Қонунда прокуратура органларидағи лавозимларга тайинланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар, прокурорлар фаолиятини баҳолаш, ходимларга даража ва унвонлар бериш, уларнинг дахлсизлиги, моддий ва ижтимоий таъминоти масалалари тартибга бўлиб, ушбу ҳолатларнинг қонунчилик билан тартибга солинганлиги олдиндан юзага келиши мумкин бўлган коррупцияни бартараф этишга ёрдам беради. Масалан, коррупциянинг вужудга келиши кўп вазиятларда мансабдор шахсларнинг ёки ходимларнинг иқтисодий ҳолатига бориб тақалади, ушбу ҳолатнинг ҳуқуқий тартибга солиниши ва аниқ механизмлар орқали амалга оширилиши эса қонун бузилишини олдини олишга хизмат қиласи. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 50-моддасида мазкур масалага алоҳидатўхталиб ўтилган бўлиб, унга кўра прокуратура органлари ходимларининг иш ҳақи мансаб маошидан, даражали унвонлар (ҳарбий унвонлар), кўп йиллик хизмат учун тўланадиган устама ҳақлардан ҳамда қонунчиликда назарда тутилган бошқа тўловлардан иборатлиги белгиланган.

Биламизки, прокурорлар ўз фаолияти давомида турли хил ташки таъқибларга дуч келиши мумкин. Прокурорлар қонуний ва адолатли қарор

қилишлари учун улар ички ва ташқи таъсирлардан етарли даражада ҳимояланган бўлишлари лозим. Уларнинг ҳаётларига ёки соғликларига зиён етказиши хавфининг мавжудлиги қонуний қарор қабул қилишда катта таъсир ўтказиши мумкин. Шунинг учун, “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 51-моддасида прокуратура органлари ходимларининг ҳаёти ва соғлиги давлат ҳимоясида эканлиги белгилаб қўйилган. Ушбу норманинг асосий қонун орқали мустаҳкамланиши ходимларга нисбатан бўлиши мумкин бўлган таъқибларнинг олдини олишга ёрдам беради. Лекин, мазкур моддада прокуратура органлари ходимларининг оила аъзоларининг хавфсизлиги масаласи очик қолган.

*Халқаро прокурорлар асоциацияси томонидан “Давлат прокурорлари ва уларнинг оиласлари хавфсизлиги ва ҳимоясининг минимал стандартлари декларацияси”<sup>28</sup>* қабул қилинган бўлиб, унда прокуратура органлари ходимлари билан бир қаторда уларнинг оила аъзоларининг хавфсизлиги таъминланиши лозимлиги келтириб ўтилган.

Агар прокуратура органи ходими ўзи оила аъзоларининг хавфсизлиги таъминланганлигига ишончи комил бўлса, ҳар қандай “илтимосларни”, “топшириқларни” бажармагани учун ўз ишинидан айрилиб қолиш хавфидан ҳимояланганлигини билса, у ўзидан юқори турувчи мансабдор шахсларнинг ҳар қандай ноқонуний топшириқларини рад қилиши, “илтимосларни” бажармаслиги, ўзига таклиф қилинган порани иккиланмасдан рад қилиши мумкин бўлади. Шу мақсадда “Прокуратура тўғрисида”ги қонун орқали уларнинг оила аъзоларининг ҳаёти давлат ҳимоясида эканлиги тўғрисидаги норма билан тўлдирилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг навбатдаги коррупцияни олдини олишга хизмат қилувчи нормаси бу прокурорлар фаолиятини баҳолаш тизимининг ишлаб чиқилганлигидир. Мазкур Қонуннинг 45-моддасида Қорақалпоғистон Республикаси

---

<sup>28</sup> Declaration of International association of prosecutors “On minimum standards concerning the security and protection of public prosecutors and their families” // [Электронманба]. URL: <https://www.icj.org/wp-content/uploads/2014/10/IAP-Protection-of-Prosecutors.pdf> (мурожаат вақти: 19.06.2022)

прокурорининг, шунингдек вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар прокурорларининг ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорларнинг фаолияти тегишли юқори турувчи прокурорлар томонидан уларнинг ваколат муддати давомида камида икки марта комплекс ўрганиб чиқилиши белгиланган<sup>29</sup>. Мазкур ўрганиш давомида прокурорлар томонидан фуқароларнинг ҳукуқ эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларига сўзсиз риоя этилиши қай даражада таъминланаётганлиги, қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратнинг тўлиқлиги ҳамда самарадорлиги, ходимнинг ўқишига бўлган муносабати, коррупцияга қарши курашиш ишларининг қай даражада самарали олиб бораётганлиги бўйича баҳоланади. Шу билан биргаликда, прокурорнинг коррупцияга мойиллиги, коррупциявий ҳолатлар йўл қўймаётганлиги ҳам юқори турувчи прокурор томонидан текшириб борилади.

Ўз фаолияти даврида тегишли ҳудудда қонунлар ижроси устидан лозим даражада назорат ўрнатилишини таъминлаб бера олмаган шахслар прокурор лавозимига такроран кўрсатилишига йўл қўйилмайди<sup>30</sup>. Мазкур норманинг мавжудлиги прокуратура органлари ходимларининг огоҳлигини оширишга, ўз вазифаларини бажаришда фақатгина қонунга амал қилган ҳолда фаолият юритишлари шарт эканлигини ҳамда доимий равища ўз билим ва малакаларини оширишга ҳаракат қилишлари кераклигини тасдиқлади. Ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онги юқори бўлган ҳар қандай прокуратура органи ходими коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этиш орқали ўз номига доғ туширишдан тийилади.

Кейинги норматив-ҳуқуқий хужжат бу Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни бўлиб, коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари, ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, давлат органларининг ваколатлари, коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни

<sup>29</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни (45-модда) // Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.

<sup>30</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни (45-модда) // Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон

юксалтириш, коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга чек қўйиш, жавобгарликнинг муқаррарлиги қаби масалалар тартибга солинган.

Ушбу қонунда белгиланган принциплар, тартиб-тамоиллар ва чора тадбирлар прокуратура органларида коррупцияга қарши курашиш фаолияти учун ҳам тадбиқ этилиб, ушбу фаолият

- қонунийлик;
- очиқлик ва шаффоффлик;
- коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги;
- жавобгарликнинг муқаррарлиги<sup>31</sup> қаби принциплар асосида амалга оширилади.

Шунингдек, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган тавсияларда прокуратура органлари фаолиятига ҳам коррупцияни олдини олиш чора-тадбирларининг устуворлиги принципи киритилиши лозимлиги айтиб ўтилган. Прокуратура органларида коррупциянинг олдини олиш чора-тадбирларининг устуворлигини эса прокуратура органларида манфаатлар тўқаншувига йўл қўймаслик чораларини кўриш, прокуратура органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя этилишини назорат қилиш, прокуратура органлари ходимлари ва улар оила аъзоларининг даромадлари, мол-мулклари ҳамда катта миқдордаги харажатларини декларациялаш тизимини йўлга қўйиш орқали таъминлаш мумкин.

Коррупциявий жиноятларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги таъминланганлиги давлат хизматчиларининг огоҳлигини оширишга, коррупцион жиноятларни содир этишдан тийилишга, бундай ҳуқуқбузарликни содир этган шахсларни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг белгиланган моддалари асосида жавобгарликка тортиш орқали бошқа ходимлар учун ўrnak бўлишга хизмат қиласди.

---

<sup>31</sup>Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ти 419-сон Қонуни, 03.01.2017йил, 4-модда; <https://lex.uz/docs/3088008>

Шу билан биргалиқда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6257-сонли “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида коррупцияга оид жиноятлар учун белгиланган жазо чораларини узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазо чорасигача кескин қучайтириш, коррупцияга оид жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан жиноий жазони ўташда енгиллаштирувчи нормалар қўлланилишига чекловлар белгилаш каби вазифалар белгиланган бўлиб, бундай чора-тадбирлар прокуратура органларида содир бўлиши мумкин бўлган коррупциявий ҳолатларни олдини олишга, коррупцияни олдини олишга қаратилган хатти-харакатларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қиласди.

Шу билан биргалиқда, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуннинг 17-моддасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ўз мансабдор шахсларининг ҳамда бошқа ходимларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги хуқуқий саводхонлигини, шу жумладан хуқуқий билимлари даражасини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўраши белгиланган<sup>32</sup>. Прокуратура органлари ходимларининг хуқуқий саводхонлигини ошириш прокуратурада хуқуқбузарликларнинг камайишига, ходимларнинг ўз вазифа ҳамда мажбуриятларини тўлиқ англаштиришга, коррупциявий омилларни минималлаштиришга ёрдам беради. Масалан, прокуратура органи ходимлари барчасининг коррупциявий жиноятлар содир этганлиги туфайли ҳозирги кунда санкцияларнинг қучайтириш таклифи илгари сурилаётганлигини, бундай турдаги жиноятларни содир этган шахсларнинг очиқ электрон реестри юритилиши тўғрисида хабардор бўлиши коррупциявий жиноятларни олдини олишга хизмат қиласди.

Навбатдаги коррупцияни олдини олиш, коррупциявий омилларни юзага келишини бартараф қилишга хизмат қилувчи манфаатлар

---

<sup>32</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги 419-сон Қонуни, 03.01.2017йил, 17-модда; <https://lex.uz/docs/3088008>

тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этишга доир чора-тадбирлар тўғрисидаги норма бўлиб, унда давлат органларининг ходимлари мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслиги кераклиги белгиланган. Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда, давлат органларининг ходимлари ўзининг бевосита раҳбарини дарҳол хабардор қилиши керак. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олган раҳбар бу тўқнашувнинг олдини олиш ёки уни бартараф этиш юзасидан ўз вактида чоралар кўриши шарт<sup>33</sup>.

*Иккинчи гурухга ҳалқаро шартномалар ва конвенциялар* киради. Коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 2003 йил 31 октябрда қабул қилинган Коррупцияга қарши Конвенциянинг аҳамияти жуда ҳам катта.

Конвенциянинг 11-моддасида суд ҳокимияти ва прокуратура органларига доир чоралар алоҳида белгиланган бўлиб, у қуидагича келтириб ўтилган:

1. Суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва у коррупцияга қарши курашишда ҳал қилувчи роль ўйнашини ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир иштирокчи Давлат, ўз хуқуқий тизимининг асосий тамойилларига мувофиқ ва суд органлари мустақиллигига путур етказмаган равишда, судьялар ва суд органлари ходимлари ҳалоллиги ва поклигини кучайтириш ҳамда улар орасида коррупция илдиз отишига ҳеч қандай имкон бермаслик чораларини кўради.

2. Мазкур модданинг биринчи қисмида баён этилганга ўхшаш чоралар прокуратура органлари суд ҳокимияти таркибига кирмайдиган, лекин суд органларида бўлгани каби мустақилликка эга бўлган иштирокчи Давлатларнинг прокуратура органларида қўлланилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан

---

<sup>33</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги 419-сон Қонуни, 03.01.2017йил, 21-модда; <https://lex.uz/docs/3088008>

мустақил ҳолда, фақат қонунга бўйсуниб амалга оширадилар<sup>34</sup>. Бундан тушунишимиз мумкинки, Конвенциянинг 11-моддаси 1-қисмида баён этилган чоралар Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари учун ҳам кўлланилади. Ҳолатдан келиб чиқиб, биз ушбу модданинг 2-қисмини кўйидагича тушунишимиз лозим:

Ўзбекистон Республикаси ўз хуқукий тизимининг асосий тамойилларига мувофиқ ва прокуратура органлари мустақиллигига путур етказмаган равишда, прокурорлар ва прокуратура органлари ходимларининг ҳалоллиги ва поклигини кучайтириш ҳамда улар орасида коррупция илдиз отишига ҳеч қандай имкон бермаслик чораларини кўради.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш изчиллик билан олиб борилмоқда ва шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси 2008 йилда Коррупцияга қарши Конвенциясига, 2010 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти доирасида қабул қилинган Коррупцияга қарши курашнинг Истанбул режасига қўшилди. Худди шунингдек, 2011 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гурухи тўғрисидаги битим ратификация қилинди.

Прокуратура органларида коррупцияга қарши курашда Истанбул ҳаракатлар режасининг аҳамияти катта ҳисобланиб, унинг мониторинги 4-раунд доирасида Ўзбекистон бўйича ҳисботи 2019 йил қабул қилинди. 4- раунд доирасида прокуратура органларида коррупцияни олдини олишда тавсиялар ишлаб чиқилган бўлиб, прокуратура органларининг мустақиллигини таъминлаш, прокурорлик лавозимига танлов ўтказиш, прокурор фаолиятини баҳолаш, прокуратура органлари фаолиятининг очиқлиги, прокурорларнинг одоб-аҳлоқ қоидалари, ходимларни коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитиш каби масалалар бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган. Мазкур тавсияларни амалиятга тадбиқ этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимларининг Касб одобномаси

---

<sup>34</sup>Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 08.12.1992 й, 120-модда; <https://lex.uz/docs/35869?otherlang=3>

ишлиб чиқилди. Унда ходимларнинг хизмат давомида ва хизматдан ташқари вақтларда риоя қилиши лозим бўлган одоб-аҳлоқ нормалари ишлиб чиқилган.

Бундан ташқари прокуратура органларига хизматга қабул қилиш, прокурорларни тайинлаш, уларнинг фаолиятини баҳолаш механизмлари норматив-хуқуқий хужжат асосида тартибга солинди.

*Учинчи гуруҳга* тўхталадиган бўйсак, ушбу гурухда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарорлари ва Давлат дастурлари таҳлил қилинади. Ҳозирги кунда барча давлат ва жамоат ташкилотларини, мамлакат миқёсида амалга ошириладиган чора-тадбирларни ўз ичига қамраб оловчи давлат дастурлари қабул қилинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги Қарори билан 2017–2018 йилларда коррупцияга қарши курашиш бўйича биринчи Давлат дастури қабул қилиниб, унинг ижроси доирасида аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу ислоҳотларни давом эттирган ҳолда, 2019 йилнинг 27 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти Фармони билан 2019–2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш бўйича навбатдаги Давлат дастури тасдиқланди. Бу борадаги сўнгги қадамлардан бири сифатида 2021 йили 6 июль куни “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти Президент Фармони билан тасдиқланган Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021–2022 йилларга мўлжалланган Давлат дастурини келтириш мумкин<sup>35</sup>. Унда, масалан коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг очик электрон реестри юритилишини йўлга қўйиш белгиланган бўлиб, реестрга киритилган шахсларга давлат хизматига кириш ва давлат мукофотлари билан тақдирланиши, сайланадиган ва алоҳида тартибда тайинланадиган

<sup>35</sup>Н.Нодирхонова “Тараққиёт стратегияси” маркази бўлими бошлиги, “Коррупцияга қарши кураш - давлат ва жамият янгиланишида муҳим омил” 28.11.2021 йил

лавозимларга номзодларининг кўрсатилиши, давлат органлари хузуридаги жамоатчилик кенгашлари ҳамда идораларо коллегиал органларнинг аъзоси бўлиш таъкиқланади<sup>36</sup>. Масалан, прокуратура органи ходими томонидан коррупция ҳолати содир этилиб, тасдифини топадиган бўлса, ушбу шахснинг исми ва фамилияси очиқ электрон реестрга киритилиши ва унинг нафақат прокуратура органларидағи фаолиятига балки бутунлай давлат хизматидаги фаолиятига чек қўйилишиги олиб келади. Ушбу очиқ электрон реестр барча оммага очиқ бўлганлиги сабабли коррупцион ҳарақатларни амалга оширган мансабдор шахслар ҳамда давлат хизматчилари нафақат ўз касбий фаолиятларига қолаверса жамиятдаги ўз обрў ва хурматларига ҳам доғ тушурган бўладилар. Фикримизча, ушбу очиқ электрон реестрининг йўлга қўйилиши барча давлат органларида, ташкилотларида коррупциянинг кескин камайишига хизмат кўрсатади.

Шу билан биргаликда, ушбу Фармоннинг 4-бандида давлат хизматчилари, давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотлар, давлат корхоналари ва муассасалари раҳбарлари ва ўринбосарлари, уларнинг турмуш ўртоғи ва вояга етмаган фарзандларининг даромадлари ва мол-мулкини мажбурий декларация қилиш тизими жорий этилиши белгиланган бўлиб, бунинг натижасида нафақат прокуратура органларида балки бошқа давлат органлари ва ташкилотларида ҳам мансабдор шахслар ва давлат хизматчиларининг ноқонуний бойиш ҳолатларининг олдини олинишига замин яратилади.

Коррупцияга қарши халқаро стандартлар, жумладан, ЕМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси ва бошқа қатор ҳуқуқий ҳужжатларда давлат хизматчилари томонидан активларнинг эълон қилиниши коррупцияга қарши самарали восита экани эътироф этилган<sup>37</sup>. **Жаҳон банки**

---

<sup>36</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирларис тўғрисида”ги 6257-сонли Фармони, 06.07.2021 йил; <https://lex.uz/docs/5495529>

<sup>37</sup>Б.Исмоилов ва У.Абдурахимов “Давлат хизматчиларининг мол-мулкини декларациялаш коррупциянинг олдини оладими?” Янги Ўзбекистон, Правда востока; 23.07.2020; <https://yuz.uz/news/deklaratsiyalashtizimi-korruptsiyaning-oldini-oladimi>

*маълумотларига кўра*, 160 дан ортиқ мамлакат активлар декларацияси талабларини жорий этган. ЕХХТга аъзо мамлакатларнинг аксариятида активларни декларациялашнинг кенг жамоатчилик учун ошкора тизими йўлга қўйилган. Декларацияларнинг оммавийлиги, яъни жамоатчилик учун очиқлиги уларнинг коррупцияга қарши курашишдаги аҳамиятини янада оширади. Зоро, фуқаролик жамияти ва журналистлар кўпинча коррупцияга қарши курашувчи органлар томонидан декларацияларнинг ҳаққонийлигини расмий текширишнинг бошланишига олиб келадиган номувофиқликларни аниқлашда асосий роль ўйнамоқда.

Прокуратура органлари фаолиятини ислоҳ қилиш, қонунийлик ҳамда қонун устуворлигини янада кучайтиришга қаратилган муҳим норматив-хуқуқий хужжат бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 60-сон Фармони ҳисобланади. Тараққиёт стратегияси устувор мақсадларни қамраб олиб, шундан 17- мақсадда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги қиёфасини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини халқ манфаатлари, инсон қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш белгиланган. Қонунийликни қатъий таъминловчи, очиқ ва адолатли прокуратура фаолиятининг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратиш ҳамда “Қонун — устувор, жазо — муқаррар” тамойилини бош мезонга айлантириш кўзда тутилган. Назаримизда, прокуратурага қўйилаётган ушбу 3 та тавсиф негизида бевосита ҳалоллик ва коррупцияга қарши кучли стандартлар мужассам этган тизим назарда тутилган. Зоро, прокуратура органлари фаолиятининг етарли даражада кенг ҳалқ оммасига очиқ бўлиши коррупцияни олдини олишга олиб келади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, коррупциявий омилларни аниқлаш ва уни баҳолаш механизмлари прокуратура органларида коррупцияни самарали олдини олишга ёрдам беради. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу

соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори асосида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш натижалари бўйича ушбу хавф-хатарларни бартараф этиш чораларини тизимли равишда кўриш мақсадида “Коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри”ни шакллантириш ва юритиш белгиланган. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш давлат ташкилотлари таркибий бўлинмалари раҳбарларини жалб қилган ҳолда коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари томонидан ташкил этилади<sup>38</sup>. Демак, прокуратура органларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Шахсий хавфсизлик бошқармаси томонидан амалга оширилади. Ташқи баҳолаш ҳолатларида эса прокуратура билан келишган ҳолда бошқа мустақил ташкилот томонидан ҳам баҳоланиши мумкин.

Бироқ, мазкур норматив-хуқуқий хужжатда хавф омилларининг турлари, уларни қандай тартибда баҳолаш механизми кўрсатиб ўтилмаганлигини ҳисобга олиб, биз мазкур масала бўйича ўз қарашларимизни прокуратура мисолида келтириб ўтмоқчимиз.

**Назаримизда**, прокуратура органларида коррупцияга мойил бўлган муносабатларнинг рўйхатини шакллантиришда уларнинг гурухларга ажратиш лозим. Масалан, биз коррупциявий хавф омилларини тўрт гурухга ажратишимиш мумкин<sup>39</sup>:

- **Ташқи ва тизимли хавф омиллари** – (мазкур омилларнинг юзага келиш сабаблари прокуратуранинг назоратидан ташқарида бўлади) қонунчилик орқали тартибга солиниши лозим бўлган муносабатларнинг тартибга солинмаганлиги (манфаатлар тўқнашуви, коррупцияга қарши тартиб-интизомни, қоидаларни бузганлик учун жавобгарликнинг мавжуд эмаслиги;

<sup>38</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 240-сон Қарори, 11.05.2022 йил; <https://lex.uz/uz/docs/6000285>

<sup>39</sup> I.Nurhidayat “Causes of corruption in public sector institutions and its impact on development: turning what we know into what we do”, p 10

- **Ички тузилмавий ва ташкилий омиллар** – прокурорларнинг билим ва тажрибаларининг етарли даражада эмасли, молиявий тақчиллик, кадрларнинг етишмаслиги;
- **Индивидуал омиллар** – билимнинг ва амалий қўникмаларнинг етишмаслиги, ҳалоллик, ватанпарварлик туйгуларининг етарли даражада эмаслиги, иш жараёнидан қониқмаслик;
- **Иш жараёнидаги хавф-ҳатарлар** - прокурорлар фаолиятида назоратнинг сустлиги, қарорлар қабул қилишдаги ёпиқлик кабилар мисол бўла олади.

Мазкур коррупциявий омиллар прокуратура органларидағи умумий ҳолатдан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади. Прокуратура органларидағи мазкур омилларни аниқлаб олишнинг ўзи ҳам баҳолаш тизимининг бир босқичини ташкил этади. Зеро, хавф-ҳатарни муваффақиятли бошқариш коррупцияни олдини олишнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Кейинги *тўртинчи гурӯҳ* бу Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқларидир.

**Ф.Ғайбуллаевнинг фикрига кўра,** “Прокуратура органлари фаолиятининг хуқуқий асослари қаторида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорнинг буйруқлари алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари билан прокуратура фаолиятининг у ёки бу соҳасини тартибга солувчи низомлар ва йўриқномалар тасдиқланади”<sup>40</sup>.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Конунининг 13-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори прокуратура органларига раҳбарлик қиласи ва улар фаолияти устидан назоратни амалга ошириб, уларга фаолиятиги боғлиқ бўлган буйруқлар чиқаради ҳамда прокуратура органларининг таркибий та бўлинмалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди. Бош прокурор томонидан чиқарилган

---

<sup>40</sup>Ғайбуллаев Ф. Прокуратура органлари томонидан инсон ва фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг хуқуқий асослари // “Суд ва хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятидаги долзарб муаммолар ва изланишлар” мавзусидаги илмий-назарий конференция материаллари тўплами. - Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. – Б. 235.

буйруқлар барча прокурорлар ва прокуратура органлари ходимлари учун мажбурий ҳисобланади.

Прокуратура органлари фаолиятида коррупцияни олдини олишга қаратилган буйруқларга тўхталадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2018 йил 19 декабрда қабул қилинган, 208-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимларининг касб одобномаси муҳим аҳамият касб этади. Мазкур норматив-хуқуқий хужжатда ходимлар фаолиятининг асосий принциплари, ҳулқ-атворнинг умумий қоидалари, ходимларнинг мажбуриятлари, прокуратура органлари раҳбар ходимларининг мажбуриятлари, манфаатлар тўқнашуви, ходимлар манфаатини ҳимоя қилиш, ходимларнинг жавобгарлиги каби масалаларга тўхталиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ти Қонуннинг 5-моддасига қўшимча равишда Касб одобномасида ҳам прокуратура органлари ходимлари ўз фаолиятлари давомида амал қилишлари лозим бўлган принциплар санаб ўтилган бўлиб, улар қуидагилардан иборат:

- қонунийлик;
- шахсий масъулият;
- адолатлилик, ҳалоллик ва холислик;
- касбга, хизмат бурчига ва давлат сиёсатига содиқлик;
- фуқаролар хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;
- ватанпарварлик ва фидойилик<sup>41</sup>.

Ходимлар фаолиятлари давомида ушбу принципларга амал қилган ҳолда улар ўзининг обрўсига путур етказиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан тийилишлари, ҳулқ-атвори ва хиссиётларини доимий назорат қилиб бориши, масъулият, касбига садоқат, ҳалолликни қундалик шиорига айлантиришлари, хушмуомалалик, эътиборлилик ва хушёрлик билан фуқароларда ўзига прокуратура органларига нисбатан ишонч ва ҳурмат

<sup>41</sup>Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 19.12.2018 йил 208-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимларининг касб одобномаси 2.1. банди

хиссини уйғотишлари, фуқароларнинг ижтимоий келиб чиқиши, ҳолати ва бошқа белгиларидан қатъий назар, улар билан бир хил муносабатда бўлиш, ўзини камтарона тутиш, хамкасбларига мураккаб вазифаларни бажаришда кўмаклашишлари, оиласида соғлом муҳитни юзага келтириб, оила аъзоларига ғамхўр бўлишлари, фарзандларида ватанпарварлик ва бошқа юксак аҳлоқий фазилатларни шакллантиришлари лозим<sup>42</sup>.

Ушбу ҳулқ-атвор қоидалари асосида барча учун наъмуна бўла оладиган, ўз қасбига садоқати билан бошқаларга ўrnak бўлиши мумкин бўлган ходимни тарбиялаш мумкин.

Прокуратура органлари ходимларининг касб одобномасида улар хизматдан ташқари вазиятларда ҳам амал қилишлари керак бўлган қонун-қоидалар белгиланган. Агар бирон бир ходим томонидан белгиланган қоидаларга риоя қилмаслик ҳолатлари юзага келса, ходимни қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлади<sup>43</sup>.

Шунингдек, хуқукни муҳофаза қилувчи органлар ўз фаолиятлари давомида амал қилишлари лозим бўлган одоб-аҳлоқ қоидаларининг ҳалқаро стандартлари ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур ҳалқаро стандартларда юқоридаги принциплардан ташқари очиқлик тамойили назарда тутилган<sup>44</sup>. Яъни, прокуратура органи ходими мурожаат билан келган фуқаро билан суҳбатлашишда ва уни тегишли хужжатлар билан таништиришда аниқ ва у учун тушунарли бўлган мулоқот усулини танлаши, фуқарони чалғитмаслиги, мазкур ишнинг натижасига алоқадор бўладиган ҳеч қайси бир натижаларни яширмаслиги лозим.

Кейинги яна бир ҳалқаро принциплардан бири бу – сабрлилик. Мазкур тамойилга асосан прокуратура органи ходими ўз фаолияти давомидаги

<sup>42</sup>Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 19.12.2018 йил 208-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимларининг Касб одобномаси 2.2. банди

<sup>43</sup>Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 19.12.2018 йил 208-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимларининг Касб одобномаси 7.4. банди

<sup>44</sup> International ethics standards., [www.ies.coalition.org](http://www.ies.coalition.org)

қийинчиликларга ва фуқаролар томонидан билдирилиши мумкин бўлган салбий муносабатларга сабрли ва стрессга бардошли бўлиши белгиланган.

Мазкур принципларнинг Касб одобномасига қўшилиши прокуратура органлари ходимларининг ҳукукий маданиятини оширишга хизмат қилиб, фуқаролар билан муроқот қилиш давомида ҳар қандай вазиятларда ҳам оғир ва босиқ бўлишга ва фуқаролар томонидан прокуратура органлари ходимлари билдириладиган салбий фикрларнинг ҳам камайишига хизмат қиласди. Шунингдек, фуқаролар билан очиқ муроқот эса коррупцион омилларни (пора таклиф қилиш, воситачилик қилиш, ганиш-билишчилик) бартараф қилишга хизмат қиласди.

**Фикримизча,** Касб одобномаси прокуратура органларида коррупцияни олдини олишга ва унга қарши самарали курашишга ҳам ёрдам беради. Прокуратура органлари ходимларига ҳар қандай қонун бузилишига, айниқса, коррупция ҳолатларига муросасизлик билан курашиш, хизмат вазифалари билан боғлиқ ҳаракат ёки ҳаракатсизлик эвазига моддий қимматликлар олмаслик ёхуд мулкий (номулкий) наф кўрмаслик, хамкаслари томонидан содир этилган ёки содир этишга тайёргарлик қўрилаётган қонун бузилишлари ҳақида раҳбари ёки ички хавфсизликни таминлаш тармоғига зудлик билан хабар бериш каби мажбуриятлар юклатилган<sup>45</sup>.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 6 ноябрдаги 158-сон буйруғи билан тасдиқланган “Ходимларга нисбатан хизмат текшируви ўтказиш ва уларни хизмат вазифаларини бажаришдан вактинча озод қилиш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома ҳамда “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш масалаларини кўриб чиқиш ҳақида”ги буйруғи прокуратура органлари ходимлари ўртасида коррупцион ҳаракатларни содир этишни олдини олишга, касб одобномасига риоя қилмай ҳуқуқбузарлик содир этганлиги тўғрисида ахборот келиб тушган ходимларга нисбатан хизмат текшируви ўтказиб,

<sup>45</sup>Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 19.12.2018 йил 208-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимларининг Касб одобномаси 3.4. банди

тасдиқланган ҳолатлар мавжуд бўлса жавобгарликка тортиб, ходимларнинг ўз қасамёдларига содик бўлишга чақиради.

**Хуроса ўрнида шуни айтиши керакки, биринчидан,** прокуратура органларида коррупциявий хавф-ҳатар тушунчасини ишлаб чиқиш, унинг омилларини шакллантириш ва баҳолаш тизимларини жорий қилиш коррупцияга қарши курашишнинг самарали механизмларидан биридир. **Иккинчидан,** коррупциявий омилларни шакллантириб олиш ҳуқуқбузарлик содир этилишидан олдин уни барвақт олдини олишга ёрдам беради. **Учинчидан,** юқорида санаб ўтилган норматив-ҳуқукий хужжатлар прокуратура органларида коррупцияни олдини олишга, қонунийлик, қонун устуворлигини таъминлашга, ходимларнинг ўз хизмат вазифаларини бажариш давомида ҳалол бўлишларини, ҳар қандай вазиятда ҳам адолатли ва қонуний қарор қабул қилишларини таъминлайди.

## **1.2. Прокуратура органларида коррупциянинг олдини олишда амалга тоширилган ташкилий чоралар таҳлили**

Прокуратура органлари фаолиятида **очиқлик, ошкоралик** ва **шаффофликни таъминлаш** ҳамда прокурорлар ва прокуратура органлари ходимлари ўртасида аҳоли олдидаги ҳисобдорлигини йўлга қўйиш орқали прокуратура органларида коррупцияни олдини олиш, қонунийлик, қонун устуворлигини таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар кўриб борилмоқда.

Шунингдек, **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуроратурасининг 2021 йил 6 декабрда аҳолига қилган мурожаати алоҳида эътиборга лойик**. Ушбу мурожаат Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Матбуот котиби Ҳаёт Шамсутдиновнинг ижтимоий тармоқдаги саҳифасида эълон қилинди.

*“Бош прокуратура кенг жамоатчилик эътиборини яна бир бор прокуратура органларида коррупцияга қарши муросасиз ва кескин кураш олиб борилаётганига қаратади.*

*Бинобарин, Бош прокуратура мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросини жамиятда, хусусан прокуратура органларида коррупцияни таг-томири билан бартараф этишида фаол ҳамкорликка чақиради.*

*Агар прокуратура органларининг бирон-бир ходими фаолиятида коррупция билан боғлиқ ҳатти-ҳаракат (ёки ҳаракатсизлик)ни кузатсангиз, сезсангиз, бу ҳақда зудлик билан Бош прокуратура Шахсий хавфсизлик бошқармасининг (71) 202-08-28 рақамли “Ишонч телефони”га маълум қилишингизни сўраймиз.*

*Мурожсаатчилар ҳақидаги маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади*”, дейилади мурожаатда<sup>46</sup>.

Ушбу мурожаатдан прокуратура органларида ҳозирги кунда коррупцияга қарши курашда жамоатчилик назорати ҳам муҳим эканлиги,

---

<sup>46</sup>[Электрон манба]. URL <https://xs.uz/uzkr/post/bosh-prokuratura-aholiga-murozhaat-bilan-chiqdi-2> (халқ сўзи)

прокуратура органлари халқ учун очиқликка яна бир қадам ташлаганидан далолат беради.

Прокуратура органлари тизимида ҳар қандай ҳуқуқбузарликни олдини олиш, ходимлар ўз фаолиятлари давомида манфаатлар тўқнашувига, коррупцияга йўл қўймаслик, шу каби қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида **биринчи навбатда уларнинг ҳуқуқий асослари яратилиб** ва шу асосида ташкилий ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

**Биринчидан,** прокуратура органларида ички хавфсизликни таъминлаш, шу жумладан прокуратура органлари тизимида коррупция кўринишларига йўл қўймаслик борасидаги фаолиятни тизимли тахлил қилиш, камчилик ва ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш, уларнинг содир этилишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини қўриш<sup>47</sup> мақсадида “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 46-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси прокуратураси тузилмасида прокуратура органларининг ички хавфсизлигини таъминлаш бўлинмаси тузилади. Ушбу бошқарманинг тузилиши прокуратура органларида қонунийликни мустаҳкамлаш, ходимлар томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарлик ҳолатларини олдини олишга ва уларни бартараф этишга қаратилган муҳим қадамлардан бири ҳисобланади.

Прокуратура органларининг ички хавфсизлигини таъминлаш бўлинмаси прокуратура органлари ходимлари томонидан содир этилган хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш, коррупция ва эгаллаб турган лавозимига нолойик бошқа ножӯя хатти-ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотлар бўйича хизмат текширувлари ўтказади, прокуратура органларида ички хавфсизликни таъминлаш соҳасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Бош прокуратура ҳайъатининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари, фармойишлари ва қўрсатмалари сўзсиз ижро этилишини таъминлайди<sup>48</sup>. Қолаверса, идоравий

<sup>47</sup>Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори 16.07.2021 249-сонли буйриғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Шахсий хавфсизлик бошқармаси тўғрисида”ги Низом

<sup>48</sup>Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни (46-модда) // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.

норматив ҳуқуқий хужжатларда **Ўзбекистон Республикаси** Бош прокуратураси **Шахсий хавфсизлик бошқармасининг** вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятларига батафсил тўхталиб ўтилган. Шахсий хавфсизлик бошқармаси Бош прокурорнинг буйруқлари, кўрсатмалари ижросини таъминлаш, прокуратура органлари тизимида коррупцияни олдини олиш, ҳукуқбузарликларни бартараф этиш, уларни барвақт аниқлашдан ташқари ходимларнинг ҳукуқларини ҳимоя қиласди, уларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлайди, қадр-қиммати, ишчанлик обрўси, шаънини ҳам муҳофаза қиласди.

Маълумот ўрнида айтишимиз мумкинки, **Ўзбекистон Республикаси** Бош прокуратурасининг Ички хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси **Ўзбекистон Республикаси** Президентининг 2021 йил июнь ойидаги Қарори асосида ўзгартириш киритилиб, **Ўзбекистон Республикаси** Бош прокуратураси **Шахсий хавфсизлик бошқармаси** деб ўзгартирилди.

**Иккинчидан,** **Ўзбекистон Республикаси** биринчи Президентининг 2007 йилнинг 7 ноябридаги ПҚ-727-сон Қарорига кўра<sup>49</sup>, **Ўзбекистон Республикаси** Бош прокуратурасининг **Олий ўқув курслари** ташкил этилиб, прокуратура органи раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, уларнинг ишчанлик қобилиятларини ривожлантириш каби мақсад ва вазифалар белгиланди. 2007 йилдан буён фаолият юритаётган Олий ўқув курслари **Ўзбекистон Республикаси** Бош прокуратураси тузилмасида раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва прокуратура органлари ходимларининг малакасини ошириш билан шуғулланиб, **2007 — 2017 йиллар давомида 4 318 нафар ходимнинг малакасини ошириш ва 186 нафар раҳбар кадрларни қайта тайёрлашни таъминлади**<sup>50</sup>.

---

<sup>49</sup>Мазкур қарор **Ўзбекистон Республикаси** Президентининг 2018 йил 8 майдаги ПФ-5438-сонли «Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан ўз кучини йўқотган

<sup>50</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги “Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5438-сонли Фармони // Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.09.2020 й., 06/20/6075/1330-сон; 25.11.2020 й., 06/20/6118/1562-сон.

**Учинчидан**, прокуратура органлари фаолиятининг мутлақо янги йўналишлари белгиланганлигини инобатга олиб, уларга юклатилган вазифаларни самарали бажара оладиган муносиб кадрлар таркибини шакллантириш, прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг замонавий тизимини яратиш асосий мақсадлардан бирига айланиб қолди. Шу мақсадда, 2018 йил 8 май куни **Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 5438-сонли Фармони қабул қилинди.**

Ушбу Фармон асосида, Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ўзбекистон Республикаси **Баш прокуратураси Академияси** этиб қайта ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратураси Академияси Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг таълим ва илмий тадқиқот муассасаси ҳисобланиб, **Академиянинг асосий мақсади** прокуратура органлари ходимлари ва бошқа кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини ташкил этиш ҳамда фундаментал ва илмий-амалий тадқиқотлар олиб боришдан иборатдир<sup>51</sup>. Академиянинг ташкил этилишидан мақсад фақат прокуратура органлари ходимларининг билим ва кўникмалирини оширишга қаратилган деб ҳисоблаш нотўғри ҳисобланиб, балки ўқув жараёнларида уларнинг шахсий ва ишчанчилик сифатларини ривожлантириш ва такомиллаштиришга, ҳар бир масалага адолат билан ва қонуний ёндашишга, ходимларда адолат, ҳаллолик, масъулият каби юксак туйғуларни шакллантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратура Академиясида қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ташқари 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб магистратура мутахассисликлари бўйича ҳам кадрлар тайёрланиб

---

<sup>51</sup>[Электрон манба]. URL: <https://proacademy.uz/uz-cyr/menu/obschie>

келмоқда. Ушбу магистратура босқичида “Коррупцияга қарши курашиш” йўналиши ҳам ташкил этилган бўлган, ушбу йўналишда ҳозирги кундан магистратура тингловчила ўз билим ва кўнилмаларини ошириб бормоқдалар.

**Тўртинчидан**, прокуратура органларида очиқлик ва шаффофлик сари ташланган қадамлардан яна бири бу **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси сайтининг ташкил этилганидир.** <https://prokuratura.uz> сайтидан ҳар бир фуқаро прокуратура тузулмаси ҳақида, унинг фаолияти, халқаро ҳамкорлик тўғрисидаги маълумотларни олиш мумкин.

Ундан ташқари ҳалқ билан мулоқотни таъминлаш мақсадида ушбу сайтда боғланиш бўлими мавжуд бўлиб, унда фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси раҳбариятининг фуқароларни қабул қилиш жадвали, худудий прокурорларнинг хизмат телефон рақамлари билан танишишлари мумкин.

**Бироқ**, ушбу сайтда жойлаштирилган маълумотларни биз тўлиқ ва етарли деб айта олмаймиз. Чунки сайтга жойлаштирилган маълумотларнинг катта қисми янгиланиши лозим. Масалан, фаолиятнинг очиқлиги қисмини оладиган бўлсак, ушбу қисмда биз 2015 йилдан 2017 йилгача бўлган маълумотлар билан танишишимиз мумкин, 5 йиллик, яъни 2018-2022 йилги ҳисоботлар эса ҳали жойлаштирилмаган. Коррупцияга қарши кураш қисмини оладиган бўлсак, ушбу қисм Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Шахсий хавфсизлик бошқармасига тегишли бўлиб, унда фақатгина мансабдор шахсларнинг жиноятчилиги таҳлили ҳамда жавобгарликка тортилган мансаб шахслар содир этган жиноят турлари таҳлили келтирилиб, умумий маълумот бериш билангина чекланилган.

**Бизнинг фикримизча**, <https://prokuratura.uz> сайтининг Коррупцияга қарши курашиш қисмида ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларда ҳозирги кунга қадар қонунбузилиш ҳолатларининг миқдор кўрсаткичи, прокуратура органлари ходимлари томонидан амалга оширилган ножӯя хатти-ҳаракатларнинг фоиз кўрсаткичлари, коррупцион ҳолатларни олдини олиш

учун амалга оширилган ишлар таҳлили, уларни бартараф этиш чоралари батафсил ёритилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**Бешинчидан,** Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг фармойиши асосида 2022 йил март ойида **ишчи гуруҳ ташкил этилган бўлиб ва ушбу ишчи гурухнинг вазифалари этиб қуидагилар белгиланди:**

- прокуратура органи ходимлари томонидан амалга оширилган ножӯя хатти-ҳаракатлар, коррупцион ҳаракатларни бартараф этиш ва уларни олдини олиш чоралари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, уларнинг натижалари бўйича хисбот юритиш ва маълумотларни жамлаш;
- фуқаролардан келган мурожаатлар, олиб борилган хизмат текширувлари ҳамда уларнинг натижалари асосида хуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш ва олдини олиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- вазирликлар, маҳаллий давлат хокимият органлари, давлат ташкилотлари билан мунтазам ахборот алмашинувини ташкил этиш, улар билан хамкорлик олиб бориш;
- манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларни аниқлаш, уларни таҳлил қилиш ва бартараф чораларини ишлаб чиқиш;
- ички идоравий хужжатларда коррупцияни келтириб чиқариши мумкин бўлган бўшлиқларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва шу бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- прокуратура органлари ходимлари фаолиятига ноқонуний араласиши ҳолатларини таҳлил қилиш, уларни олдини олиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш каби вазифалардан иборат.

Мазкур вазифаларни амалга оширишда Шахсий хавфсизлик бошқармасига прокуратура органларининг барча таркибий тармоқлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Мажбурий ижро бюроси доймий равишида кўмаклашиб бориши белгилаб қўйилган. Шу билан

биргаликда, амалга оширалаётган ишлар ва уларнинг натижалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига мунтазам равиша ахборот бериб борилади.

**Олтинчидан**, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларида коррупцияни олдини олишда ривожланган давлатларнинг тажрибалари ўрганилиб, ривожланган давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликлар олиб борилмоқда. **Масалан**, жорий йилнинг 20 апрелида Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Бош прокуратура Академияси, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва коррупцияга қарши курашувчи идоралар вакилларидан иборат делегациясининг Америка Кўшма Штатларига ташриф буюриб, учрашувда мезбонлар томонидан коррупцияга оид ишларни кўриб чиқишининг хусусиятлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва коррупцияга оид тергов ишларини назорат қилиш, коррупцияга оид ҳукуқбузарликлар сонини камайтиришга қаратилган профилактик чора-тадбирлар сифатида эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатлар, коррупцияга қарши курашда давлат томонидан амалга оширилаётган самарали чоралар, шунингдек, коррупциянинг олдини олишда замонавий ахборот технологияларининг ўрни юзасидан ўзаро тажрибалар алмашинилди<sup>52</sup>.

Халқаро ташкилотларга тўхталадиган бўлсак, 1990 йил 7 сентябрда Кубанинг Гавана шаҳрида бўлиб ўтган БМТнинг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳукуқбузарларга нисбатан муомала қилиш бўйича 8-Конгресси томонидан “Прокурорларнинг роли тўғрисидаги тавсиялар”<sup>53</sup> ҳамда БМТ Бош Ассамблеясининг 58/4-сонли резолюцияси билан қабул қилинган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенцияси кабилар мисол бўла олади.

Бундан ташқари, прокуратура органи ходимларида ватанпарварлик, ҳалоллик, адолатлилик туйғуларини шакллантириш, ривожлантириш,

---

<sup>52</sup>[Электрон манба]. URL: <https://prokuratura.uz>

<sup>53</sup>Guidelines on the Role of Prosecutors // [Электронманба]. URL: <https://www.chchr.org/>

уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини доимий равища ошириб бориш, ходимлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳолатларини олдини олиш мақсадида мунтазам равища профилактика ва ҳуқуқ тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Масалан, жорий йилда прокуратура органларида жами **1711 та** профилактик ишлар олиб борилган. Ундан **544 таси** прокуратура органларида, **306 таси** Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментида, **861 таси** Мажбурий ижро бюrolарида ўтказилган.

Шунингдек, жорий йилда **445 та** ҳуқуқ тарғибот ишлари амалга оширилган бўлиб, ундан **123 таси** прокуратура органларида, **160 таси** Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментида, **162 таси** Мажбурий ижро бюrolарида олиб борилган.

**Хулоса қилиб шуни айтадиган бўлсак,** ушбу амалга оширилган ҳамда амалга оширилаётган барча ҳуқуқий, ташкилий, тарбиявий чоралар прокуратура органларида коррупцияни олдини олиш самарадорлигини оширишга, ходимларнинг ўз касбига, қасамёдига бўлган садоқатини оширишга хизмат қиласди. Шунинг учун ҳам доимий равища берилаётган кўрсатмаларни ҳар бир ходим кўр-кўrona эмас, балки сидқидилдан бажарса, қўйилган барча мақсад ва вазифаларга ўз вақтида эришилади.

# **П БОБ. ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИДА КОРРУПЦИЯНИ ЮЗАГА КЕЛТИРАЁТГАН ОМИЛЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ**

## **2.1. Прокуратура органларида коррупциявий ҳолатларни юзага келтирувчи омиллар**

**Прокуратура органлари фаолияти** ҳозирги кунда мамлакатимизда қабул қилинаётган норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни таъминлашда ифодаланиб, алоҳида ваколатларга эга бўлган маҳсус давлат органи ҳисобланади. Қуйи турувчи прокурорлар юқори турувчи прокурорларга ва Бош прокурорга бўйсунади, юқори турувчи прокурор қуйи турувчи прокурорга кўрсатмалар беришга, у томонидан қабул қилинган процессуал қарорни ўзгартириш ва бекор қилишга ҳақли, шу жумладан, бўйсинувидаги барча прокурорларнинг ишлари учун тўлиқ жавобгар ҳисобланади.

Прокуратура фаолиятидаги муаммолар ҳақида сўз юритадиган бўлсак, прокуратура органларида коррупциявий ҳолатларни юзага келтирувчи омилларни, прокуратурани такомиллаштириш, иш унумдорлигини оширишга тўсиқ бўлаётган, манфаатлар тўқнашувини юзага келтираётган вазиятларни таҳлил қилишимиз лозим.

Прокуратура органларида коррупциявий ҳолатларни юзага келтирувчи омилларнинг келиб чиқиш асослари ҳамда ҳал қилиш усулларига қараб икки турга ажратишимиз мумкин:

- ✓ **хуқуқий;**
- ✓ **ташкилий.**

*Хуқуқий омиллар* — норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг мазмунидан келиб чиқадиган, қонуний тартибга солинмаган, бўшлиқ бўлиб турган, қонунчиликни такомиллаштириш орқали олдини олиш мумкин бўлган масалалар ҳисобланади. *Ташкилий омилларга* тўхталадиган бўлсак,

прокуратура органлари тизимининг тузилиши, прокуратура фаолиятини самарали олиб бориш каби масалаларда намоён бўлади.

Маълумки, прокуратура органларининг вазифалари, мажбуриятлари, фаолиятларини ташкил этиш, шаффофлик, очиқликни таъминлаш, прокурорларнинг мустақиллиги, иш самарадорлигини белгилаш, кадрлар танлаш каби кўплаб масалалар Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни билан тартибга солиниб, ушбу Қонунга давлат ва жамият манфаатларига мос равишда босқичма-босқич ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб борилган. Бироқ, ҳозирги кунда ўзгартириш ва қўшимчаларни муентазам равишда киритилаётган бўлса-да, уларни халқаро стандартларга, давлат ва жамият эҳтиёжларига тўлиқ мос деб айта олмаймиз.

Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб, қонунчиликни такомиллаштириш орқали ечим топса бўладиган, *ҳуқуқий ва ташкилий омилларни бирма-бир қўриб чиқишини мақсадга мувофиқ деб биламиз.*

Ўз навбатида биз ушбу ҳуқуқий муаммоларни *йўналишиларга* ажратган ҳолда кўриб чиқамиз.

*Биринчидан*, прокуратура органлари тизимида *номзодларни дастлабки хизматга қабул қилиши, уларга қўйилган талаблар каби ҳолатларга тўхталиб ўтсак мақсадга мувофиқ бўлар* эди. “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда прокуратура органларида барча муносабатлар тартибга солинмаган. Жумладан, прокуратура органларида кадрларни танлаш, тайинлаш, хизматни ўташ тартиби каби ҳолатлар белгиланмаган бўлиб, бу масалалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 сентябрдаги ПҚ-2036-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисида”ги низом<sup>54</sup> билан тартибга солинади.

Шунингдек, Мажбурий ижро бюроси ходимларининг хизмати хам мазкур Низом ҳамда 2017 йил 30 майдаги ПҚ-3016-сон қарори билан

<sup>54</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 сентябрдаги ПФ-2036-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисида”ги Низом.

тасдиқланган низомлар<sup>55</sup> билан, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ходимларининг хизмати эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги ПФ-5446-сонли фармон<sup>56</sup> билан тартибга солинади.

**Бироқ,** Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2036-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисида”ти Низом барча учун очик бўлган норматив хуқуқий ҳужжат ҳисобланмайди. Бунинг натижасида, фуқаролар наздида прокуратура органларига хизматга қабул қилиш, номзодларни танлаш ва тайинлаш жараёнлари очик ва шаффоф эмас, прокуратура органларига фақатгина “таниш-билишчилик”, “қариндош-уругчилик ва бошқа коррупциявий қўринишлар асосидагина ишга кириш мумкин деган нотўғри ва прокуратура обрўсини тушуришга хизмат қилувчи фикр шаклланиб қолмоқда.

**Бизнинг фикримизча,** прокуратурага нисбатан вужудга келаётган бу каби салбий қарашларни олдини олиш, эҳтимолий коррупциявий ҳолатларни бартараф этиш мақсадида прокуратура органларига биринчи маротаба хизматга қабул қилиш босқичида ўтказиладиган тест ва сухбат жараёнлари видеотрансляция орқали<sup>57</sup> Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг ижтимоий тармоқлардаги сайтларда ёритилиб борилиши лозим. Чунки, бу жараённи оммага очиқлаш орқалигина прокуратура органларига ва унинг ходимларига нисбатан бўлаётган салбий қарашларни ўзгартириш ҳамда ушбу йўналишда мавжуд бўлиши мумкин бўлган коррупциявий омилларни бартараф қилиш ва прокуратура органларида

---

<sup>55</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиши тўғрисида”ти ПҚ-3016-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюроси тўғрисида”ти Низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 22-сон, 425-модда, 25-сон, 531-модда.

<sup>56</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги ПФ-5446-сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти тўғрисида”ти Низом 23.05.2018 // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.11.2020 й., 06/20/6118/1562-сон.

<sup>57</sup>Қаранг: Диссертациянинг 2-иловаси.

очиқлик ва соғлом рақобат янада ривожлантириш мүкін. Мазкур вазият Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тұғрисида”ги Қонунида үз аксини топиши ва сүнгги натижалар Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратура ижтимоий саҳифаларида әйлон қилиниши мақсадға мувофиқдир.

Шунингдек, дастлабки хизматта қабул қилиш жараёни танлов асосида ташкил этилиб, у иккі

- **дастлабки;**
- **якуний** босқичларга ажратган ҳолда ташкиллаштириш мақсадға мувофиқдир

Дастлабки босқич номзодларнинг керакли бўлган ҳужжатлари тақдим қилиш, мазкур номзодларни ўрганиб чиқишга қаратилган маҳсус текширув, тест синови (билим ва кўникмаларни ҳамда шахс психологиясини текшириш), полиграфия текшируви ва суҳбатдан ўтиш каби жараёнларни үз ичига олади.

Дарҳақиқат, кўплаб ривожланган давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ходимларни қабул қилинча полиграфия текширувидан кенг фойдаланмоқда. Мазкур текширувда номзодларнинг ватанпарварлик, ҳалоллик, адолатлилик каби туйғулари синовдан ўтказилиб, коррупцияга мойиллик даражалари аниқланиши мумкин.

Испаниянинг бир гурӯҳ олимлари томонидан кадрларни қабул қилиш мезонларининг ишончлилик даражаси ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра **полиграфия текширувлари 40%, умумий қобилиятларни аниқлаш тести 50-60 %, тавсиянома 20 %, суҳбат 30 %** миқдорида ишончли бўлиши аниқланган<sup>58</sup>. Ушбу жараёнларнинг ишончлилиги аниқлашда олимлар томонидан уларга ўтказилиши мумкин бўлган субъектив таъсирларни ўрганиш орқали баҳо берилган.

Дастлабки босқичдан муваффақиятли ўтган номзодлар якуний босқичга қабул қилинган ҳисобланадилар. Ушбу босқич номзодларни Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратураси Академиясида З ой давомида

<sup>58</sup> I.Nurhidayat “Causes of corruption in public sector institutions and its impact on development: turning what we know into what we do”, p 10

ўқитишдан иборатдир. Номзодлар ўқув машғулотларида билимларини ошириш билан бир қаторда, прокуратура органларида мавжуд бўлган қадриятларни ҳурмат қилишга, одоб-аҳлоқ қоидаларига доимий равишда амал қилиб боришга, касбга садоқат, ҳалол ва адолатли бўлишга ўргатилади.

Прокуратура органлари тизимида хизматни ўташ тартиби бир нечта фармон ёки низомлар билан эмас, **ягона қонун билан** тартибга солиниши ва унинг қоидалари барча учун очиқ бўлиши зарур.

Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон фармони билан тасдиқланган “2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Давлат дастури”нинг 17-бандига мувофиқ, “Прокуратура органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисида”ги қонун лойиҳасини<sup>59</sup> ишлаб чиқиш белгиланган.

Ушбу қонунда прокуратура органлари ва муассасаларида хизмат қилиш учун институционал механизmlарни мустаҳкамлаш, кадрларни шаффоф танловлар асосида саралаб олишнинг мутлақо янги механизмини жорий этиш, манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва бартараф қилиш каби масалалар ёритилиши белгиланган.

Прокуратура органларида номзодларни дастлабки хизматга қабул қилища коррупциявий хавф-ҳатарлар вужудга келиши мумкин бўлса, прокуратура органларидаги лавозимларга тайинланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар тўлиқ кўрсатилмаганлиги ҳам мазкур омилларни вужудга келишига асос бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 119-моддасига биноан вилоятларнинг прокурорлари, туман ва шаҳар прокурорлари Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори томонидан тайинланиши<sup>60</sup> белгиланган. Прокурор, терговчи, суриштирувчи, иш ўрганувчиларни лавозимига тайинлаш эса Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни

<sup>59</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПФ-5729-сонли Фармони билан тасдиқланган “2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Дастури”нинг 17-банди // Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.03.2021 й., 06/21/6188/0216-сон.

<sup>60</sup>Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 08.12.1992 й, 120-модда; <https://lex.uz/docs/35869?otherlang=3>

ҳамда бошқа идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатлар орқали тартибга солинади.

Қонунда прокуратура органлариға тайинланадиган ходимларга нисбатан қўйилган талаблар тўғрисида қисқача тўхталиб ўтилган бўлиб, прокуратура органлариға олий юридик маълумотга, зарур касбий фазилатларга эга бўлган, зиммалариға юкландиган хизмат вазифаларини бажаришга соғлиғи имкон берадиган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари<sup>61</sup> қабул қилиниши белгиланган. Алоҳида ҳолларда, прокуратура органларидаги хизматга иқтисодиёт, молия, социология, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ва бошқа соҳаларда олий маълумотга, зарур билим ва тажрибага эга бўлган мутахассислар қабул қилиниши мумкин<sup>62</sup>.

Мазкур Қонунда бошқа ҳолатлар (судланганлик, қандай касбий фазилатларга эга бўлиши, давлат тилини билиши) ўз аксини топмаган бўлиб, уларга қўйилган талаблар тўғрисидаги қоидалар фуқаролар учун ноаниқлигича қолмоқда.

Бироқ, прокуратура органларидаги лавозимларга судланган ёки ножўя хатти-ҳаракатлари содир этганлиги учун хуқуқни муҳофаза қилувчи, суд ёки бошқа давлат органларидан ҳамда бошқа ташкилотлардан бўшатилган шахслар қабул қилинмаслиги, номзодлар зарур касб малакаси ва ишчанлик қобилиятини аниқлашга қаратилган мажбурий суҳбатдан ҳамда мажбурий тартибда тиббий кўрикдан ўтказилиши норматив-хуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган.

**Бизнинг фикримизча,** ушбу идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатларда прокурор ва прокуратура органи ходимиға зарур бўлган сифатлар рўйхати тўлиқ келтирилмаган бўлиб ва ушбу сифатлар бирма-бир санаб ўтилмаган. Шу билан биргаликда, мазкур идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисидаги” Қонунидан фарқли

<sup>61</sup>Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни (43-модда) // Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси, 03/21/683/0375-сон.

<sup>62</sup>Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни (43-модда) // Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси, 03/21/683/0375-сон.

ўларок, фақатгина хизмат фаолиятида фойдаланишга мўлжалланганлигини инобатга оладиган бўлсак, у фақатгина хизмат давомида фойдаланишга мўлжалланган ва ундан барча фуқаролар фойдалана олиш имкониятига эга эмаслар. Прокуратура органларидағи бу каби ёпиқликлар, прокуратура органлари ходимлари фаолиятида коррупцион ҳуқуқбузарликларнинг содир бўлиш рискини оширади. Чунки, ёпиқлик бор жойда мансабдор шахсларнинг қай даражада қонунларга риоя қилишларини текшириш қийинлашиб боради, жамоатчилик назорати сустлашади, натижада мансабдор шахслар ўртасида манфаатлар тўқнашуви, ўзбошимчалик, порахўрлик каби жиноятлар ривожланиши учун имконият яратади.

Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги қонунида прокурорлар ва прокуратура органлари ходимларига зарур бўлган талаблар ва шахсий сифатлар бирма-бир санаб ўтилиши ва айнан кимлар прокуратура органларига ишга қабул қилина олмасликлари тўғрисидаги модда билан тўлдирилиши лозим<sup>63</sup>. Шунингдек, прокуратура органларига биринчи маротаба қабул қилинаётган иш ўрганувчиларга ҳамда прокурорлик лавозимига қабул қилинадиган ходимларга нисбатан қўйиладиган талаблар рўйхати алоҳида шакллантирилса мақсадга мувофиқ бўлар эди<sup>64</sup>.

Масалан, *Қирғизистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 8-боби* прокуратура органларига хизматга қабул қилиш ва кадрлар масаласига оиб бўлиб, 5 та алоҳида моддаларни ўз ичига олади<sup>65</sup>. Ушбу моддалар, хизматга қабул қилиш қай тартибга амалга оширилиши, биринчи маротаба хизматга қабул қилинаётган шахсларга қўйилган талаблар, терговчи ва прокурорлик лавозимларини эгаллаш учун қандай сифат ва тажрибага эга бўлишилик, прокуратура органларида хизмат ўтаётган вақтда амалга оширилиши таъқиқланган хатти-харакатлар рўйхати ҳамда айнан кимлар прокуратура органларига қабул қилиниши мумкин эмаслиги тўғрисидаги маълумотларни қамраб олади.

<sup>63</sup> Қаранг: Диссертациянинг 2-иловаси.

<sup>64</sup> Қаранг: Диссертациянинг 2-иловаси.

<sup>65</sup> Қирғизистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни; 24.08.2020 й/ <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/112108>

Бу каби масалаларнинг асосий Қонунда очиқ бўлиши ходимларни ишга қабул қилиш жараёнидаги субъективликни, “таниш-билишчиликни”, коррупцион ҳолатларни олдини олиб, ходимларни хизматга қабул қилиш жараёнидаги соғлом рақобатни шакллантиради.

**Иккинчидан**, ҳозирги даврда ҳар бир инсон ўз ҳаёти давомида яхши шароитда яшашга, ўзи ва оиласини ҳар томонлама яхши бўлган шароит билан таъминлашга ҳаракат қилмоқда. Албатта, буларнинг барчаси фуқароларнинг моддий таъминотига бориб тақалади.

Кейинги коррупциявий ҳолатларни юзага келтириши мумкин бўлган ҳолатлардан бири бу — прокуратура органлари ходимларининг **моддий таъминоти масаласи** ҳисобланади.

Прокуратура органлари ходимлари ўз хизмат бурчларини амалга оширишлари давомида, фақатгина илмий педагогик ва ижодий фаолият билан шуғулланишлари мумкин<sup>66</sup>. Шунингдек, прокуратура органлари ходимлари ўз ваколатлари даврида сиёсий партияларга аъзоликни тўхтатиб турадилар<sup>67</sup> ва ҳак тўланадиган фаолият билан шуғулланишлари таъкиқланади<sup>68</sup>. Демак, прокуратура органлари ходимлари ўз фаолиятлари давомида илмий, педагогик каби машғулотлардан ташқари бошқа даромад келтириши мумкин бўлган (тадбиркорлик, бирор-бир корхонада юристлик ва бошқалар) фаолият турлари билан шуғулланишлари мумкин эмас экан. Уларнинг моддий таъминоти прокуратура органларида хизмат фаолияти давомида оладиган иш ҳақиларидан иборат.

Бизнинг фикримизга, прокуратура органлари ходимларининг иш хақи, ижтимоий ҳимояси, ижтимоий кафолатлари, ижтимоий таъминоти каби масалалар ҳар бири қонун билан тартибга солиниши ва бу тартиб бошқа

<sup>66</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни (43-модда) // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 03/21/683/0375-сон.

<sup>67</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни (5-модда) // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 03/21/683/0375-сон.

<sup>68</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни (43-модда) // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 03/21/683/0375-сон.

мансадбор шахсларга, давлат бошқаруви органлариға шубҳали ва ассоциз боғлиқлигини ва тобелигини юзага келтирмаслиги лозим.

Прокуратура органлари ходимларининг моддий таъминоти уларнинг бошқа ҳокимият субъектларидан мустақил бўлишларининг ҳамда ушбу тизимда коррупцион ҳолатларни олдини олишнинг зарур кафолати ҳисобланади. Яъни, агар ходимларнинг иш ҳақилари уларнинг оиласвий эҳтиёжларини қопламаса, улар оиласвий шароитларини яхшилаш мақсадида ўзларига таклиф қилинган порани рад қилиш ўрнига уни қабул қилишлари мумкин.

Америкалик олим **Ангела Девис** бу борада қуидагича фикр билдиради: “Прокурорнинг иқтисодий жиҳатдан қарамлиги ҳамда тўлиқ таъминланмаганлиги унинг мустақиллигига жиддий путур етказади. Агар прокурорлар иқтисодий мустақил бўлмасалар, улар жиноят ишини юритиш давомида ушбу ишни адолатли ва қонуний ҳал қилишни эмас, ушбу ишдан қандай “фойда кўриш”ни уйлашлари мумкин”<sup>69</sup>.

Қонунчилигимизга биноан, прокуратура органлари ходимларининг пул таъминоти мансаб маоши, даражали унвон (ҳарбий унвон) учун ҳар ойлик қўшимча тўловлар, кўп йиллик хизмат учун тўланадиган устамалардан ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлардан иборат<sup>70</sup>.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.04.2017 йилдаги 5019-сон фармони асосида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига прокуратура органларининг юқори малакали ва ташаббускор, шунингдек, техник ва ёрдамчи ходимларига прокуратура органларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан прокуратура органларида амалда бўлган барча тўловларни сақлаган ҳолда қонун ҳужжатларида ўрнатилган рағбатлантирувчи қўшимча тўловлар ва устамаларни ҳисоблашда ҳам

---

<sup>69</sup> Angela J. Davis. “The American PR The American Prosecutor: Independence, Power, and the Threat and the Threat of Tyranny. American University Washington College of Law”. -W., -P. 443

<sup>70</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 сентябрдаги ПФ-2036-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисида”ти Низом.

хисобга олинадиган меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг икки бараваридан кўп бўлмаган миқдорда ойлик шахсий устамалар белгилаш ваколати берилган.

Хозирги кунда прокуратура органлари ходимларининг ўртача ойлик иш ҳақилари 5 млн сўмдан 15 млн сўмгача ташкил қилмоқда<sup>71</sup>.

Ушбу илмий ишимизни ўрганиш давомида прокуратура органлари ходимлари ўртасида ўтказилган сўровнома натижаларига асосан 35 % респондент коррупцияни олдини олишга тўсиқ бўлаётган омил сифатида иш ҳақининг кам эканлигини белгилаган. Баъзи ҳолатларда айрим ходимларга бериладиган иш ҳақи миқдори улурнинг бир ойлик эҳтиёжларини қопламаслиги ҳам мумкин. Иш ҳажмининг кўп эканлигига қарамасдан, ойлик маошлиар улар бажараётган ишга мутаносиб эмас. Прокуратура органлари ходимлари орасида коррупцияни олдини олишда, уларнинг моддий таъминоти масаласи, яъни иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан мустақил бўлишлари жуда ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки, прокуратура органларида хизмат қилаётган деярли ҳар бир ходимнинг қарамоғида аёли ва фарзандлари бор. Уларнинг яхши шароитларда яшами, сифатли таълим олиши каби масалалар унинг зиммасида бўлади.

**Бизнинг фикримизча,** прокуратура органларида коррупцияни олдини олиш, уларнинг мустақиллигини таъминлаш мақсадидда тизим ходимларининг моддий таъминоти қонуности хужжатлари, президент фармонлари билан эмас, асосий қонун билан тартибга солиниши, улар бажараётган вазифа ва мажбуриятларга мутаносиб бўлиши, моддий жиҳатдан разбатлантириши меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам ва энг кўп миқдори орқали белгилаб қўйиш лозим.

**Учинчидан,** прокуратура органларининг етарли даражада очиқ эмаслиги коррупцион омилларни вужудга келишига сабаб бўлиб қолмоқда.

Халқаро ташкилотлар томонидан ошкоралик принципининг ўз мезонлари ишлаб чиқилган ва у қўйидаги маълумотларнинг очиқлиги таъминланганлигига намоён бўлади<sup>72</sup>:

<sup>71</sup> Антикоррупционные реформы в Узбекистане 4-й раунд мониторинга в рамках Стамбульского плана действий по борьбе с коррупцией; OECD/ACN (2019) // р. 152.

- Институционал мустақиллик ва фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш – прокуратура органларининг мустақиллиги ва фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя илишда қонунга таянган ҳолда иш кўриш, жамоатчиликнинг шикоятини қабул қилиш ва улар бўйича қарорлар қабул қилиш;
- Конун ижодкорлиги жараёнининг очиқлиги – ҳар бир давлат органи ўзининг маъмурий ва ташкилий доирада қабул қилган қарорларини фаол равишда эълон қилиб бориши керак, қонун ҳужжатларини қабул қилишда жамоатчилик назоратини таъминлаш зарур ;
- Ҳисобдорлик – давлат органларининг ўз фаолиятлари тўғрисидаги ҳисоботларни фаол эълон қилиб бориши;
- Моддий ва ижтимоий таъминотининг ошкоралиги – давлат ташкилотларига ажратилган бюджет маблағларининг ишлатилиши устидан ошкора мониторингнинг мавжудлиги, харидлар тўғрисидаги маълумотларнинг расмий веб сайтларга жойлаштириб борилиш;
- Рағбатлантириш – давлат органлари ташкилотларида рағбатлантириш механизмининг очиқлиги, унинг стандартлари ишлаб чиқилганлиги;
- Одоб-аҳлоқ қоидалирининг мавжудлиги ва унинг очиқлиги;
- “Whistle-blowers”ларни ҳимоя қилиш.

Шу каби стандартларнинг таъминланганлиги ҳамда очиқ эканлигига қараб, ҳалқаро ташкилотлар томонидан давлат органларининг ошкоралиги баҳоланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида ҳам коррупцияни олдини олишда очиқлик тамойилидан фойдаланиш самарадорликни оширишга хизмат қилиши белгиланган. Шу сабабли ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларни қонунчиликда белгиланган

---

<sup>72</sup> J.M. Marín, S. R. Castilla “Open governance standards. Standards to promote citizen improvement and participation”, Transparency International-2013

ахборот ресурсларида эълон қилиш ва жамоатчилик олдида хисобдорлик тизимининг йўлга қўйилиш вазифаси ишлаб чиқилди.

Халқаро стандартлар ва ушбу фармон асосида прокуратура органлари фаолиятида мунтазам эълон қилиб борилиши зарур бўлган ахборотланинг рўйхатини “Прокуратура тўғрисида”ги қонунга қўшимча ва ўзгартириш киритиш орқали шакллантириш ва уларнинг фаол эълон қилиб борилаётганлигини назорат қилиш зарур.

Қўшимча қилиб айтишимиз мумкинки, прокуратура органлари даги ёпиқликни кўплаб идоравий норматив хуқуқий хужжатларнинг маҳфийлигига ҳам кўришимиз мумкин.

Хусусан, идоравий норматив хуқуқий хужжатлар хизмат давомида фойдаланишга мўлжалланган бўлиб, фақатгина прокуратура органлари ходимлари ўз фаолиятларини амалга ошириш давомида улардан фойдаланадилар.

Бироқ, ўрганиш кўрсатдики, маҳфийлиги таъминланиши лозим бўлмаган норматив-хуқуқий хужжатлар ҳам кенг ҳалқ оммаси учун очик эмас. Биз бу илгари сураётган таклифимиз орқали прокуратурага тааллуқли барча идоравий хужжатлар очик бўлиши керак демоқчи эмасмиз, балки маҳфийликни талаб қилмайдиган, барча учун очик бўлиши лозим бўлган хужжатлар тўғрисида фикр юритмоқдамиз. Сўровномада қатнашган респондентларнинг 77,5 % ушбу фикрни тасдиқлаб, айрим норматив-хуқуқий хужжатларнинг очиқлиги таъминлаши лозимлигини айтиб ўтганлар.

Жумладан, улардан бири Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 19.12.2018 йилги 208-сон буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимларининг Касб одобномасидир. Мазкур Касб одобномасида прокуратура органлари ходимларининг хизмат давомида ва хизматдан ташқари вақтда риоя қилишлари лозим бўлган қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, уни бузган ходимлар жавобгарликка тортилиши белгиланган.

**Биринчидан,** Касб одобномасининг барча учун очик бўлиши прокуратура органлари ходимларининг огоҳлигини, уларнинг масъулиятини

ошириб, жамоатчилик назоратини кучайтиради. Яъни, Касб одобномаси билан танишиб чиқкан ҳар бир фуқаро, прокуратура органи ходими учун аслида қандай хатти-ҳаракатлар мумкин ва нималар таъқиқланганлиги тўғрисида маълумотга эга бўладилар ва улардан ана шу қоидаларга амал қилган ҳолда фаолият юритишларини талаб қиласидилар. Шу каби норматив ҳуқуқий ҳужжат билан танишиб чиқкан ҳар бир фуқаро бу каби далат органларининг асосий вазифаси ҳалққа хизмат қилиш ва уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашда ёрдам бериш эканлигини билиб оладилар.

**Иккинчидан**, прокуратура органларида очиқликнинг таъминланиши ходимларнинг ўзбошиимчалик билан ҳаракат қилишиларини чеклаб, ходимлар томонидан ҳар қандай жараёндаги хатти-ҳаракатларни амалга оширишда тартиб, адолат ва қонунийликнинг устун бўлишини кафолатлайди.

Айни вақтда, жиноят ишини юритаётган прокуратура ходимининг ҳар томонлама адолатли ва қонуний қарор чиқаришида унинг хавфсизлиги масаласи жуда ҳам катта аҳамиятга эга. Ўз вазифасини бажараётган ходим ташқи таъсир кучлардан ўзи ва оиласининг тўлиқ ҳимояланганлигига ишончи комил бўлиши лозим. Давлат томонидан тўлиқ ҳимояланган прокуратура органи ходими ташқи таъқиблардан қўрқмаслиги ва таҳdit орқали таклиф қилинган моддий қийматдаги “совғаларни” осонликча рад қилиши мумкин. Шу каби таъқибларни олдини олиш, нафақат прокурорлар ва прокуратура органлари ходимларининг, балки уларнинг оила аъзоларининг ҳам хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, **2018 йил 1 марта Халқаро прокурорлар асоциацияси томонидан “Давлат прокурорлари ва уларнинг оилалари хавфсизлиги ва ҳимоясининг минимал стандартлари декларацияси”<sup>73</sup> қабул қилинган.**

Ушбу декларациянинг 1-моддасида ҳар бир давлат прокурорлар ва уларнинг оила аъзоларининг хавфсизлигини таъминлаш учун барча

---

<sup>73</sup> Declaration of International association of prosecutors “On minimum standards concerning the security and protection of public prosecutors and their families” // [Электронманба]. URL: <https://www.icj.org/wp-content/uploads/2014/10/IAP-Protection-of-Prosecutors.pdf> (мурожаат вақти: 19.06.2022)

чораларни кўриши лозимлиги мустаҳкамланган. Зарурат туғилганда уларни иш жойларида ҳам, яшаш манзилларида ҳам ҳимоя қилиш зарур.

Шунингдек, 1990 йил 7 сентябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва хукуқбузарларга нисбатан муомала қилиш бўйича 8-Конгресси томонидан “Прокурорларнинг роли бўйича кўрсатмалар” ишлаб чиқилган бўлиб, унда прокурорларнинг ўз вазифаларини адолатли ва қонунан адо этишларида ўzlари билан билан бир қаторда оила аъзоларининг ҳам жисмонан давлат ҳимоясида бўлишлари муҳим эканлиги кўрсатилган<sup>74</sup>.

Маҳаллий қонунчилигимизга назар соладиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида прокуратура органлари ходимлари ўzlари билан ўқотар қурол ҳамда бошқа шахсий ҳимоя воситалари олиб юриш ҳукуқига эгадирлар<sup>75</sup> ва уларнинг ҳаёти, соғлиги давлат ҳимоясида эканлиги белгиланган.

Бироқ, прокуратура органлари ходимларининг шаъни, қадр-қиммати ҳамда оила аъзоларининг хавфсизлиги давлат томонидан мазкур қонун доирасида ҳимояланмаган бўлиб, бу уларнинг ҳеч қандай таъсирларсиз, мустақил қарор қабул қилишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Агар прокуратура органи ходими ўзининг ва оила аъзоларининг хавфсизлигига тўла қонли ишончи комил бўлса, у хар қандай оғир вазиятларда ҳам қонуний ва адолатли қарор қабул қилишга қодир бўлади.

**Хулоса қилиб айтганда,** Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятидаги муаммоларни норматив ҳукукий хужжатларни такомиллаштириш ва уларнинг ижросини доимий равишда таъминлаш орқали ҳал қилиш ҳамда унинг фаолиятини жамиятимиз эҳтиёжларига мослаб такомиллаштириш ва очиқликни етарли даражада таъминлаш орқали коррупцион хатти-ҳаракатларни олдини олиш мумкин бўлади.

---

<sup>74</sup> “Guidelines on the Role of Prosecutors” the eighth United Nations Congress on the Prevention of Crime and the Treatment of Offenders // [Электронманба]. URL: <https://www.ohchr.org/en/instruments-mechanisms/instruments/guidelines-role-prosecutors> (мурожаат вақти: 19.06.2022)

<sup>75</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни (48-модда) // Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.

## **2.2. Прокуратура органларида коррупцияни олдини олишда хориж тажрибаси**

Хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, прокуратура органларини фаолиятини давлат органлари тизимидағи ўрнидан келиб чиқиб, қуйидаги гурухларга ажратиш мүмкін:

- прокуратура органлари Адлия вазирлиги таркибига киради;
- прокуратура органлари суд тизими таркибига тұлық кирган ҳолда суд органлари хузурида фаолият юритади;
- прокуратура органлари мустақил алохіда тизим ҳисобланиб, парламент ёки давлат раҳбари олдида ҳисобдор бўлган ҳолда фаолият юритади;
- прокуратура органлари ёки уларнинг бевосита аналоги мавжуд эмас<sup>76</sup>.

Демак, барча давлатларнинг прокуратура тизимини, вазифасини, тузилишини бир хил деб айта олмаймиз, лекин хар бир давлатда прокуратура органларини ягона мақсад бирлаштириб туради, у ҳам бўлса фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва жиноятчиликка қарши курашишдан иборатdir. Мазкур вазифаларни амалга ошириш учун улардан юқори жипслик ва марказлашувнинг талаб қилиниши ҳам мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун баъзи бир хорижий мамлакатларда ҳам прокуратура органлари қуи органларнинг юқори органларга бўйсениш тамойили асосида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Юқорида биз прокуратура органларининг давлат институтлари тизимидағи ўрнига қараб, уларни тўрт гурухга ажратиб олган эдик. Ажратиб олинган гурухлар асосида хорижий давлатлар рўйхати шакллантирилиб, ана шу давлатларнинг прокуратура органларида коррупцияни олдини олиш бўйича тажрибалари билан танишиб чиқамиз.

---

<sup>76</sup>Корчинский П.П. “Прокуратура в системе конституционного права: сравнительно правовой анализ”. -М., 2020. -С. 31-32

**Биринчи гурухга** АҚШ, Канада, Франция, Германия, Япония, Нидерландия, Бельгия, Дания, Турция, Руминия, Жанубий Корея, Грузия, Эстония, Польша, Испания, Сурия<sup>77</sup> қаби мамлакатлар мисол бўлиб, ушбу давлатларда прокуратура органлари адлия таркибига киради.

Ушбу давлатларда прокуратура тизими, кадрларни ишга олиш масаласи, уларга қўйилган талаблар, прокуратура органлари ходимларининг ойликлари ва шу каби бошқа масалаларни кўриб чиқсак мақсадга мувофиқ бўлар эди. Масалан, **Америка Кўшма Штатларида** Адлия вазири бир вақтнинг ўзида Бош прокурор хисобланиб, *4 йиллик муддатга* Америка Президенти томонидан тайинланади ва Сенат томонидан мақулланади. Шунингдек, у Президент чиқарган қарор асосида ёки оғир жиноят содир қилганлиги туфайли Президент қарорисиз Сенат томонидан конституциявий тартибда вақтидан олдин ишдан олиниши мумкин. Бош прокурор Америка Кўшма Штатлари худудида қонунларнинг аниқ ва бир ҳилда ижроси устидан назорат олиб бориш билан бирга, хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини бошқаривор боради. Айни вақтда, 93 та федерал прокурор ҳамда 94 округ судлари мавжуд бўлиб, федерал прокурорларнинг бири иккита округда фаолият юритиши лозим бўлади. Федерал прокурорлар ҳам Президент томонидан тайинланиб, Сенат томонидан мақулланади.

Федерал прокурор бўлиш истаги туғилган шахсга қандай талаблар қўйилганлигини билиш, барчамизга қизиқ бўлиши табиий. Қуйида биз белгиланган талабларни кўриб чиқамиз:

- 1)** юристпруденция бўйича мутахассисликка эга бўлиш;
- 2)** юристлик лицензиясининг мавжудлиги;
- 3)** Америка Кўшма Штатлари Адвокатлар асоциациясининг фаол аъзоси<sup>78</sup>.

Мазкур талабларга эга бўлган шахс федерал прокурор ёрдамчиси лавозимига қабул қилиниш учун Бош прокуратура ариза билан мурожаат қилиши мумкин. Ариза қабул қилинган номзодлар ўртасида уч босқичда

<sup>77</sup> [Электрон манба]. URL: <https://hsti.uz/?p=27413>

<sup>78</sup> [Электрон манба]. URL: <https://www.netinbag.com/ru/education/how-do-i-become-a-federal-prosecutor.html>

сұхбат ўтқизилади. Барча сұхбат жараёнларидан мұвофаққиятли ўтган номзодлар ушбу лавозимга қабул қилинадилар. *Айтиб ўтиши жоизки*, ушбу сұхбат жараёнларини аризаси қабул қилинган барча номзодлар онлайн кузатиб боришилари мүмкін ва сұхбат жараёнларининг барчаси онлайн тарзда ёзиб борилади. Бу каби чоралар сұхбат жараёнининг адолатли, қонуний, шаффоф ва ҳалол рақобат асосида ўтишига асос бўлади.

*Бир йил давомида* федерал прокурорнинг ёрдамчиси сифатида фаолият юритган, охирги **5 йил ичида** мамлакатдан ташқарида яшамаган АҚШ фуқаролари ходимлар федерал прокурорликка ўз номзодларини қўйишлари мүмкін бўлади. Қуйидаги талабларга эга шахслар ўз номзодларини федерал прокурорликка қўя оладилар:

- 1) юристпруденция бўйича мутахассисликка эга бўлиш;
- 2) юристлик лицензиясининг мавжудлиги;
- 3) Америка Кўшма Штатлари Адвокатлар ассоциациясининг фаол аъзоси;
- 4) бир йил адвокатлик иш стажига эга бўлиш;
- 5) охирги **5 йил ичида** мамлакатдан ташқарида яшамаган АҚШ фуқаролари.

Мазкур номзодларнинг ижтимоий келиб чиқиши, даромадлари, оила аъзолари, қариндошлари, қўшнилари, инсонлар билан мулоқот қилиш усуллари ва шу каби бошқа **10 йиллик маълумотлар** ўрганилади. Ундан ташқари, номзоднинг кредит, солиқ ва судлаганлик ҳолатлари, бармоқ излари, гиёҳвандлик моддаларига бўлган муносабати текширилади. Ушбу текширув жараёнларидан муваффақиятли ўтган номзодлардан маҳсус психологик тест хамда “детектор лжи” босқичидан ўтказиладилар. Шу каби босқичлардан муваффақиятли ўтган номзодлар 4 йиллик муддатга федерал прокурор этиб тайинланади ва уларнинг рўйхати ижтимоий тармоқларда эълон қилинади. Натижалардан норози бўлган номзодлар ариза билан Америка Кўшма Штатлари судларига мўрожаат қилишлари мүмкін бўлади.

Маълумот ўрнида шуни айтишимиз мүмкінки, Америкада прокурату органи адлия таркибида бўлганлиги сабабли, федерал прокурорлар ва уларнинг ёрдамчиларига ойлик маошлар Адлия вазирлиги бюджети

хисобидан ажратилади. Федерал прокурорларга ойлик иш ҳақи белгилашда уларнинг *қайси округга ёки штатга тааллуқли эканликлари, олий таълимни битирган йиллари* ва иш стажига қараб белгиланади. Адлия тизимида иш ҳақи маълумотлар базаси мавжуд бўлиб, федерал прокурорларга *General Schedule (GS)* асосида ойлик тайинланади. Беш босқичли *General Schedule (GS11-GS15)* мавжуд бўлиб, **GS11** яқиндагина юридик маълумотга эга бўлган бошланғич даражадаги номзодлар учун мўлжалланган бўлиб, **2021 йил ҳолатига кўра таҳминан \$55,756**, бир йиллик юридик стажга эга бўлган, магистратура ёки аспирантура даражасига эга бўлганлар (**GS12**) **66 829 доллар** ва энг юқори (**GS15**) **2021 йил ҳолатига кўра таҳминан \$93,907 дан \$143,598 гача иш ҳақи тўланади**. Шунингдек, ушбу иш ҳақига прокурорларнинг қайси округ ёки штатларда хизмат қилишига қараб, белгиланган миқдорда ойлик маош қўшиб борилиши мумкин<sup>79</sup>.

Таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда мазкур давлат прокуратурасининг ваколатлари сезиларли даражада ошиб бормоқда ва мамлакатдаги энг кудратли хукумат идораларидан бирига айланиб бормоқда.

**Фикримизча**, сухбат жараёнларининг очиқлиги, “детектор лжи” босқичининг мавжудлиги, федерал прокурорликка номзодларнинг ҳолатини кенг қамровли ўрганиб чиқиши, федерал прокурор лавозимига тайинланган шахсларнинг рўйхатини барча учун очиқ эълон қилиш, натижалардан норози бўлган шахсларда судга мурожаат қилиш хукуқининг мавжудлиги ва иш ҳақи миқдорининг бу каби тартибда даражаларга бўлиниши ушбу тизимда самарали коррупцияни олдини олишга, очиқлик ва шаффофликни таъминлашга ёрдам беради.

**Иккинчи гурӯҳга** Болгария, Колумбия, Испания ва Латвия каби давлатлар мисол бўла олади<sup>80</sup>. Ушбу давлатларда прокуратура органлари судлар таркибида бўлиб, жумладан, Испанияда прокуратура органлари ҳам

---

<sup>79</sup>[Электрон манба]. URL: <https://work.chron.com/pay-scale-federal-prosecutors-14713.html>

<sup>80</sup>[Электрон манба]. URL: <https://hsti.uz/?p=27413>

қонун устуворлигини таъминлашга, фуқароларни ҳуқук ва эркинликларини ҳимоя қилишга ёрдам беради.

Ушбу мамлакатда прокуратура органлари фаолияти “*Organic Statute of the Public Prosecution Office*” қонуни билан тартибга солиниб, мазкур Қонуннинг 2-моддасида прокуратура тизими суд ҳокимиятининг ажралмас қисми эканлиги, лекин функционал жиҳатдан автоном эканлиги белгилаб қўйилган. Прокуратура органларига Ҳукумат таклифига биноан Қирол томонидан **4 йиллик муддатга** тайинланадиган Бош прокурор раҳбарлик қиласи. 2007 йилда йилда киритилган ўзгартиришига асосан *Бош прокурор фақатгина қўйидағи асослардагина муддатидан олдин лавозимидан бўшатилган*:

- ✓ ўз илтимосига асосан;
- ✓ ўз вазифа ва мажбуриятларини ўз вақтида ва аниқ бажаришга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган меҳнатга қобилиятызлик, касаллик туфайли;
- ✓ ўз касбий мажбуриятларини бажармаганлиги ва лозим даражада бажармаганлиги сабабли;
- ✓ уни номзодини кўрсатган Ҳукуматнинг алмашиши.

Бу каби асосларнинг қонунчиликда аниқ белгилаб қўйилиши прокуратура органларига Ҳукумат томонидан бўлиши мумкин бўлган таъсирнинг олдини олишга ҳамда унинг функционал жиҳатдан автономлигини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Прокуратура органларига кадрларни хизматга қабул қилиш жараёни конкурс асосида ташкил этилиб, номзодлар **оммавий имтиҳон** ўтказиш орқали саралаб олинади<sup>81</sup>. Ушбу оммавий имтиҳонга маҳсус юридик даражага эга бўлган (бакалавр ва Ph.D.), 18 ёшга тўлган, Қироллик фуқаролари қатнашиши мумкин. Оммавий имтиҳондан муваффақиятли ўтган номзодлар рўйхати <https://www.fiscal.es/transparencia> сайтида эълон қилиниб, ушбу конкурсадан ўтган номзодлар **Ҳуқуқий тадқиқотлар**

---

<sup>81</sup> The law “On Organic Statute of the Public Prosecution Office”; Article 42

**марказида бир йил давомида** малака оширишлари лозим бўлади. Мазкур ўқув курсларини тугатган номзодлар Испания қонунлари асосида қасамёд қабул қиласидилар.

Шу билан биргаликда, “On Organic Statute of the Public Prosecution Office” қонунининг 44-моддасига биноан жисмоний ҳамда ақлий заиф бўлган шахслар, судланганлар, ўз-ўзини банкрот деб эълон қилганлар ва Испания миллини фуқаролигини йўқотган шахслар прокуратура органларига хизматга қабул қилиниши мумкин эмас.

Испания мамлакатида прокуратура органлари ходимларининг иш ҳақи масаласига тўхталадиган бўлсак, прокурорларнинг ўртacha ойлик маоши **82.789 €** ни ташкил этиб, бундан ташқари улар қўшимча равишда ўртacha **5.539 €** миқдорида устама оладилар.

Экспертларнинг маълумотига қўра, прокуратура органларининг иш ҳақи миқдори **2027 йилга қадар 5%** ошиши кутилмоқда. Шунингдек, ушбу мамлакатда ҳам ойлик маошлиар прокурорларнинг хизмат қилиш жойи ҳамда уларнинг иш стажига қараб ошиб боради. Масалан, бошланғич даражадаги прокурорлар (1 йилдан 3 йилга иш стажига эгалар) **57.000 €**, юқори даражадаги прокурорлар эса ( 8 йилдан ортиқ иш стажига эга) ўртacha **103.072 €** маош оладилар<sup>82</sup>.

Айтишимиз мумкинки, прокуратура органлари тизими, уларнинг фаолияти, амалга ошираётган ишларининг самарадорлиги, прокуратура органлари тизимида ва бошқа давлат органларида коррупцияни олдини олиш, очиқликни ҳамда шаффофликни таъминлаш қай даражада олиб борилаётганлиги билан доимий равишида <https://www.fiscal.es/transparencia> сайти орқали танишиб боришимиз мумкин ва ушбу сайтдаги маълумотлар кун давомида янгилаб борилади.

**Бизнинг фикримизча,** Испания мамлакатида прокуратура органлари фаолиятининг асосий жиҳатлари барча учун очиқ бўлган қонун (“On Organic Statute of the Public Prosecution Office”) билан тартибга солиниши, прокуратура органларига хизматга қабул қилинадиган номзодлар учун аниқ

---

<sup>82</sup> [Электрон манба]. URL: <https://www.salaryexpert.com/salary/job/prosecutor/spain>

талабларнинг белгилаб қўйилиши, иш ҳақи миқдорининг очиқлиги, Ҳукуматда Бош прокурорни лавозимидан олдин бўшатиш хукуқининг мавжуд эмаслиги прокуратура органларининг автономлигини мустахкамлашга, бошқа субъектлар томонидан таъсирларнинг камайишига ва кўплаб йўналишларда коррупцияни олдини олишга ёрдам беради.

**Учинчи гурух** мамлакатларига келадиган бўлсак, Хитой, Куба, Вьетнам, Лаос, Литва ҳамда Лотин Америкаси ва МДҲ каби давлатларда прокуратура органлари мустақил ҳисобланиб, парламент ёки давлат раҳбари олдида ҳисобдордир<sup>83</sup>. Мазкур мамлакатлардан Хитой давлатини оладиган бўлсак, ушбу давлатнинг прокуратура органлари тизими, кадрларни ишга олиш жараёни, уларга қўйилган талаблар, прокурорлар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тартиби, ойлик маошлари миқдорига тааллуқли бўлган маълумотлар билан танишиб чиқамиз.

Хитой Халқ Республикасида прокуратура органи **Олий Халқ прокуратураси** (The Supreme People's Procuratorate) деб номланиб, 1949 йилда ташкил этилган ва мамлакатда қонунларнинг аниқ, бир ҳилда ижро этилиши устидан назорат қиласди. Олий Халқ прокуратура бош прокурорлар, прокурор ўринбосарлари, прокурорлар, кичик прокурорлар ва уларнинг ёрдамчиларидан ташкил топган.

Мазкур мамлакатда прокуратура органларига ишга кириш конкурс асосида ўтказилади. Қуйидаги талабларга эга шахслар прокурорлик лавозимига ўз номзодларини илгари суришлари мумкин:

- Хитой Халқ Республикасининг фуқаролари;
- камида 23 ёшга тўлган ва ундан катта бўлган шахслар;
- Хитой Халқ Республикасининг коституциявий тузумини қўллаб қувватлаш;
- сиёсий, касбий ва маънавий жиҳатдан фаол бўлиш;
- соғлигининг нормал ҳолатда бўлиши;
- маълум бир хорижий тилни билиш;

---

<sup>83</sup> [Электрон манба]. URL: <https://hsti.uz/?p=27413>

- номзоднинг руҳий холатининг юқори даражада соғломлиги;
- олий таълим муассасасининг юридик факултетининг ёки юридик бўлмаган олий таълим муассасасини тамомлаган лекин чуқур юридик билимга, икки йиллик иш стажига ега бўлган битирувчи; ёки тўлиқ йиллик иш стажига ега бўлган хуқуқшунослик бўйича бакалавр даражасида таълим олаётганлар; магистратура ёки Ph.D даражасига ега бўлганлар<sup>84</sup>.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, прокуратура органларига ходимларни ишга қабул қилиш конкурс асосида амалга оширилиб, биринчи босқичда малака имтиҳони орқали номзодларнинг билим ва кўнималари имтиҳон қилинади. Ушбу *малака имтиҳони* босқичи барча учун очик ҳисобланиб, бу босқичда кичик прокурорлар ҳамда ёрдамчи прокурорликка ўз номзодини қўйган шахслар иштирок этадилар. Мазкур жараён Олий Халқ прокуратураси томонидан мунтазам равишда ташкил қилиб борилади ва барча учун очик бўлганлиги сабабли жамоат томонидан, Олий Халқ прокуратураси томонидан назорат қилиб борилади. Имтиҳондан муваффақиятли ўтган, яхши сиёсий, аҳлоқий мавқега эга деб топилган шахслар кичик прокурор ёки прокурор ёрдамчиси лавозимига тайинланади ва малака сертификати билан тақдирланади.

Навбватдаги босқичлардан бири *test* ҳисобланади, ушбу жараёндан ҳам ўтган шахслар малака ошириш ўқув курсларида ўқиб, ўз лавозимларига киришадилар.

Ушбу жараёнларнинг барчаси 1995 йил 25 февралда қабул қилинган ва 1995 йил 1 июлда кучга кирган Хитой Халқ Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Конуни билан тартибга солинади. Мазкур Конунда прокуратура органларига кадрларни хизматга қабул қилиш, уларга қўйилган талаблар, прокурорларни сайлаш жараёнлари, уларни қайси ҳолатларда ишдан олиш, рағбатлантириш каби барча масалалар ўз аксини топади.

---

<sup>84</sup>[Электрон манба]. URL: <http://www.china.org.cn/english/Judiciary/31279.htm>

Хитой Халқ Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига биноан прокурорлар ўз аризаларига асосангина муддатидан олдин ишдан олинишлари мумкинлиги белгилаб қўйилган. Ундан ташқари, прокурорнинг жиноий жавобгарликка тортилиши ҳам унинг лавозимидан бўшатилишига асос бўла олади.

**Олий Халқ прокуратурасининг эътиборли жиҳати шундан иборатки,** мазкур мамлакатда Бош прокурор Халқ конгресси томонидан сайланиб, прокурор ўринбосарлари, прокурорлар, кичик прокурорлар Бош прокурор томонидан тайинланади.

Айтиб ўтганимиздек, “Прокуратура тўғрисида”ги қонунда прокуратура органлари ходимлари рағбатлантириш ҳамда интизомий жавобгарликка тортиш каби масалалар ҳам тартибга солинган бўлиб, ходимлар 2 хил тартибда рағбатлантирадилар: **мунтазам равишда ва айрим ҳолатларда.**

Қонунга биноан прокурорлар 12 даражага бўлинган бўлиб, енг юқори поғонада Олий Халқ Прокуратурасининг Бош прокурори, иккинчи ўринда Бош прокурор ўринбосарлари, катта прокурорлар ва прокурорлар (2-даражали 12-босқич). Прокурорлар рейтинги бир қатор омиллар, жумладан, уларнинг лавозими, фаолияти, касбий маҳорати ва иш стажи билан белгиланади.

Мукофотлар одатда маънавий ва моддий рағбатлантиришнинг комбинацияси ҳисобланади. Жумладан, ютуқларни жамоатчилик томонидан эътироф етиш, Учинчи мукофот, Иккинчи мукофот, Биринчи мукофот ва фахрий унвон бериш.

Жазо тизимига келадиган бўлсак, ўз ичига огоҳлантириш, шахсий файлларда камчиликларни қайд етиш; катта миқдорда жарима белгилаш; лавозимини пасайтириш; лавозимидан озод қилиш каби турларга бўлинади<sup>85</sup>.

Шунингдек, прокурорлик касби хавфли касблардан бири эканлигини инобатга олганда, “Прокуратура тўғрисида”ги қонунда уларнинг хавфсизлиги масаласига алоҳида эътибор берилган. Прокурорлар ўз

---

<sup>85</sup>Guan Fujin “The position and role of chinese procuratorial organs in criminal justice” – M., 2008. – P. 25-28

вазифаларини бажаришда ва хизматдан ташқари вақтларда қонун билан ҳимоялангандирлар. Қонуний ҳимояланиш қуйидаги турларга бўлинади:

**Касбий ҳимояланиш:** прокурорлар ўзларининг ваколатларини амалга оширишга ҳар қандай маъмурий органлар, давлат ташкилотлари ва бошқа шахсларнинг аралашувидан холи ҳисобланади. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган сабаблар ва тартиблардагина улар лавозимидан четлатилиши, ишдан бўшатилиши ёки интизомий жазога тортилиши мумкин эмас.

**Жисмоний ҳимоя:** прокурорларнинг жисмоний, мулкий ва уй-жой хавфсизлигини таъминлаш давлат томонидан амалга оширилади.

**Иш ҳақи кафолатлари:** прокурорлар ўз вазифаларини бажарганликлари учун ҳақ оладилар ҳамда суғурта ва бошқа имтиёзлардан фойдаланадилар.

**Бошқалар:** прокурорлар ўз вазифаларини амалга ошириш учун яхши меҳнат шароитларига эга бўлиш, дам олиш, таътилга чиқиш, истеъфога чиқиш, ариза бериш каби хуқуqlари кафолатланади<sup>86</sup>.

Бу каби масаларларнинг асосий қонунда мустаҳкамланиши, уларнинг ҳар томонлама ҳимояси давлат томонидан кафолатланганлиги ўз вазифаларини самарали бажаришда ёрдам бериб, бошқа шахслар томонидан уларнинг фаолиятига ҳар қандай аралашувларни, ҳар қандай содир бўлиши мумкин бўлган таъқибларни олдини олишга ёрдам беради.

Олий Ҳалқ прокуратураси ходимларининг ойлик маошларига тўхталадиган бўлсак, **бир йилдан уч йилгача** тажрибага эга бўлган прокуратура органи ходими **ўртacha ₸309,652 миқдорида** маош олса, саккиз йилдан ошиқ тажрибага эга бўлган ходимлар эса **₸560,148 миқдоридаги**<sup>87</sup> иш ҳақи билан таъминланади.

Шу билан биргаликда, прокуратура органларидаги лавозимларга қабул қилиш жараёни, номзодларга қўйилган талаблар, ходимларнинг моддий таъминоти масаласи ҳамда уларнинг хавфсизлиги каби масалаларни қўшни

---

<sup>86</sup> [Электрон манба]. URL: <http://www.china.org.cn/english/Judiciary/31279.htm/Prosecution System>

<sup>87</sup> [Электрон манба]. URL: <https://www.salaryexpert.com/salary/job/prosecutor/china#>

давлатларнинг тажрибаси мисолида ҳам кўриб чиқиши мақсадга мувофиқ деб биламиз.

Жумладан, 2021 йил 22 январда **Қирғизистон Республикасининг** “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни янги таҳрирда қабул қилинди. Мазкур Қонунда прокуратура органларининг мустақиллигини таъминлашга, кадрлар масаласига, вазифалар тақсимоти ва ходимларнинг хавфсизлиги бўйича қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган бўлиб, ушбу ўзгартиришлар прокуратура органларида қонунийликни, шаффофликни таъминлашга хизмат қиласиди.

Мисол учун, ушбу Қонуннинг 52-моддасида прокуратура органларига хизматга қабул қилиш тартиби белгиланган бўлиб, у икки хил кўринишда амалга оширилади: *танлов асосида ҳамда танловдан ташқари ҳолларда*<sup>88</sup>. Бундан дастлабки хизматга қабул қилиш танлов асосида амалга оширилади, танловни ўтказиш тартиби Бош прокурор томонидан белгиланиб, прокуратура органлари фаолияти йўналишлари бўйича мавжуд кадрларга бўлган эҳтиёж, танловни ўтказиш шартлари ва тартиби ҳамда унинг натижалари тўғрисидаги маълумотлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши “Прокуратура тўғрисида”ги қонун билан мустаҳкамланган.

Танловдан ташқари ҳолларда эса олий юридик маълумотга ва ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича давлат хизматида камида 5 йиллик амалий тажрибага ега бўлган ҳуқуқни мухофаза қилувчи органлар ходимлари ва бошқа давлат органлари ходимлари; ваколат муддати тугаган судьялар қабул қилиниши мумкин.

Бундан ташқари, мазкур Қонунда Бош прокурор, прокурор, терговчи лавозимларига тайинланадиган шахсларга қўйилган талаблар, прокуратура органларига хизматга қабул қилиш билан боғлиқ чекловлар белгилаб қўйилган.

---

<sup>88</sup>Қирғизистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ти Қонуни//22.01.2021 йил// 52-модда// <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/112108>

Шунингдек, жаҳон тажрибасида ҳозирги даврда **прокуратура органлари бошқарувида коллегиал органлар ролини** кучайтириш масаласи мўҳим халқаро стандартлардан бирига айланиб бормоқда.

Ушбу масалада Европа прокурорлари маслаҳат кенгашининг “Прокурорларнинг мустақиллиги, ҳисобдорлиги ва этикаси бўйича” 13-сонли тавсияси (2018) 24-бандида прокурорларнинг лавозимга (юқори) тайинланиши, ва интизомий жавобгарликка тортилиши **прокуратура органлари кенгаши** сингари мустақил профессионал орган томонидан назорат қилиши назарда тутилган<sup>89</sup>.

Жумладан, Сербия прокуратура бошқарувида коллегиал орган мавжуд бўлиб, “Прокурорларнинг давлат кенгаши тўғрисида”ги Қонуни 2-моддасига бўлиб, прокурорлар ва уларнинг ўринбосарлариниг мустақиллигини таъминловчи мустақил орган ҳисобланади<sup>90</sup>. Шу билан биргаликда, кенгаши Бош прокурорлик лавозимига номзодларни рўйхатини шакллантирада, тасдиқлайди, ҳамда лавозимидан озод этиш бўйича қарор чиқаради.

БМТнинг тавсиясига кўра, прокуратура органларида коллегиал органларнинг мавжудлиги мустақиллик принципининг асосий мезони ҳисобланиб, Бош прокурорнинг президент ёки сенат томонидан эмас, балки коллегиал органлар томонидан тайинланиши ҳамда лавозимидан озод этилиши орқали прокуратура органлари **хукуматнинг ўзбошимчалик ҳаракатларидан ҳимояланади**.

**Айтиш жоизки,** 2019 йил 19-25 сентябрь кунлари мамлакатимизга ташриф буюрган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуqlари кенгашининг судлар ва адвокатлар мустақиллиги бўйича маърузачиси Диего Гарсия – Саян ўз маърузаси давомида прокурор лавозимига номзодларни тайинлаш механизмини такомиллаштириш зарурлигини қайд этган эди.

---

<sup>89</sup> Европа прокурорлари маслаҳат кенгашининг “Прокурорларнинг мустақиллиги, ҳисобдорлиги ва этикаси бўйича” 13-сонли тавсияси (2018) // [Электрон манба]. URL: <https://www.osce.org/files/f/documents/3/5/447865.pdf>.

<sup>90</sup>Law of the Republic of Serbia on the State Council of Prosecutors // [Электронманба]. URL: <https://mLos.jt.rs/dokumenta/zakoni-i-propisi/>.

**Тўртинчи гурухга** Австралия, Янги Зеландия, Буюк Британия давлатлари мисол бўлиб, мазкур мамлакатларда прокуратура ўзи ёки унинг тўғридан-тўғри аналоги мавжуд эмас. Прокуратурага хос хусусиятлар эса Бош атторнейлар ҳамда оммавий таъқиб хизматлари томонидан амалга оширилади.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, ҳозирда барча мамлакатларда прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштириш жараёнлари фаол кечмоқда. Мамлакатимиз прокуратураси фолиятини такомиллаштиришда, **биринчидан**, прокуратура бошқарувида коллегиал органни ташкил этиш ва унинг мустақиллигини таъминлаш прокуратура органларига Хукуматнинг таъсирини камайтиришга ёрдам беради. **Иккинчидан**, прокуратура органларидаги лавозимларга ходимларни қабул қилиш жараёнини (тест ва сухбат) очиқлаш; прокурор, терговчи лавозимига ўз номзодини илгари сурган ходимларга қўйилган талаблар рўйхатини “Прокуратура тўғрисида”ти қонунда аниқ белгилаш, **учинчидан**, прокуратура органлари ходимларининг ойлик маошларини ошириш ҳамда хизмат қилаётган худудларидаги шароит, нархларни ўсиш даражаси каби омилларни ҳисобга олган ҳолда белгилаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

### **2.3. Прокуратура органларида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш масалалари**

Прокуратура органларида коррупцияни олдини олиш, коррупцион ҳолатларни юзага келтирувчи омилларни аниқлаш ва уларни барвақт бартараф этиш ҳар доим долзарб масалалардан бири ҳисобланган.

Статистик маълумотларга қараганда, мамлакатимизда 2018 йилдан 2020 йилгача 1986 та мансабдор шахслар коррупцион жиноятлар билан жиной жавобгарликка тортилган ҳамда улардан 318 нафари хуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг вакили бўлган. Бу каби жиноятлардан кўрилган заарар миқдори эса 2 трлн сўм деб белгиланди<sup>91</sup>.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳамда Ю-Репорт платформаси томонидан сўровнома ўтказилди. Мазкур сўровномада 15 507 нафар респондент иштирок этиб, улар “коррупция” деганда нима тушунишлари, коррупцияни келтириб чиқарувчи сабаблар, айнан қайси соҳалар коррупциялашганлиги тўғрисидаги саволларга жавоблар олинган.

Шунингдек, сўнгти икки йил ичида иштирокчилар, асосан, қуйидаги соҳаларда коррупцияга дуч келишганликларини таъкидлаганлар: таълим (21%), соғлиқни сақлаш (14%), бандлик (12%), **прокуратура ва ички ишлар органлари (10%)**. Респондентларнинг 18 фоизи сўнгти икки йил ичида коррупция ҳолатларига дуч келмаганликларини айтиб ўтишган. Ва уларнинг кўпчилиги **иш ҳақининг пастлигини (22%)** коррупциянинг келиб чиқиши сабаби қилиб кўрсатганлар.

Мазкур сўровнома натижаларидан кўришимиз мумкинки, прокуратура органларида коррупцияни олдини олиш ҳали ҳам асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Шунинг учун қам коррупцияни олдини олиш самарадорлигини ошириш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

---

<sup>91</sup> [Электрон манба]. URL: <https://www.gazeta.uz/ru/2020/11/07/corruption/#> (мурожаат вақти:13.06.2022)

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини оширишда ойлик маошнинг юқорилиги (30%), ватанпарварлик, касбга садоқат, ҳалоллик (25%) каби ҳислатларнинг ходимларда юқори бўлиши муҳим аҳамият касб этиши аниқланган<sup>92</sup>.

Шу билан биргаликда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 17/2 резолюцияси<sup>93</sup> мавжуд бўлиб, мазкур хужжатда прокуратура органларида қонун устуворлигини мустаҳкамлаш бўйича халқаро стандартлар ишлаб чиқилган. Агар прокуратура тизимиға кирмайдиган давлат бошқаруви органлари томонидан прокуратура органлари ходимларига топшириқ бериш ваколати мавжуд бўлса, улар шаффоф ҳамда қонуний ваколатлар доирасида бўлиши талаб қилинади. Уларнинг вазифа ҳамда мажбуриятлари қаторига кирмайдиган топшириқларнинг юкланиши уларнинг мустақиллигига жиддий зарар еткизади. Улар томонидан чиқарилган қарорлар кимларнингдир таъсири остида эмас, балки фақатгина қонунга асосланган бўлиши лозим.

2021 йилда ўтказилган сўровнома натижаларига аосан 71% респондентлар Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ўз фаолиятини мустақил амалга оширишда айрим тўсиқлар мавжудлиги айтиб ўтилган.

Шў ўринда, бу борада тадқиқотлар ўтказган хуқуқшунослар **М.Раджабов**, **И.Жасимов**, **З.Исломовлар** ҳам прокуратуранинг мустақиллиги — унинг қонунлар ижроси устидан назорат қилиш соҳасида мувваффақиятли ишлаши учун зарур шароит эканлигини таъкидлаб ўтишган<sup>94</sup>. Прокуратуранинг муайян давлат органининг функциясини ёки мансабдор шахснинг топшириғини бажариши манфаатдорликни вужудга келтириши мумкин. Бу эса, прокуратура томонидан назорат функциясини бажараётганда сохта маълумотларни акс эттириш, “таниш-билишчилик” ҳолатларнинг авж олишига олиб келади.

Шунингдек, Истанбул Ҳаракатлар режаси доирасида ҳам Ўзбекистон Республикаси прокуратурасида коррупцияни олдини олиш самарадорлигини

<sup>92</sup> Қаранг: Диссертациянинг 2-иловаси.

<sup>93</sup> УНП-ООН “Укрепление верховенства права посредством повышения честности, неподкупности и потенциала органов прокуратуры” Резолюция 17/2// (мурожаат қилиш вақти: 15.06.2022)

<sup>94</sup> З.М. Исламов К какой власти отнести прокуратуру? - Народное слово, 3 июля 2003 года.

оширишда уларнинг мустақиллигини таъминлаш асосий масалалардан бири сифатида кўрсатилган<sup>95</sup>.

Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ти Конунида мустақиллик принципининг моҳиятини алоҳида бир модда орқали очиб берилиши ҳамда прокурорлар томонидан фақатгина ваколатлари доирасигагина кирадиган вазифаларни амалга оширишлари лозим. Лекин, амалиётда қўришимиз мумкинки, туманларда айрим прокуратура органлари ходимларининг пахта, дон маҳсулотларининг сифатида каби масалалар ҳам уларга юклатилган. Бу эса уларнинг фаолиятидаги самарадорликни пасайишига хизмат қиласди. Шунинг учун ҳам, прокуратура органларинг мустақилигини таъминлаш ва сиёсий аралашувлардан ҳоли қилиш асосий мақсадлардан бири бўлиши лозим.

Прокуратура органларида коррупцияни олдини олиш самарадорлигини ошириш борасида хориж тажрибасига тўхталадиган бўлсак, ҳозирги кунда Осиё мамлакатларидан Сингапур давлати нафақат хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида, балки давлат бошқарувида коррупцияни олдини олишда яхши натижаларга эришмоқда. Мисол учун, 2021 йилда “Transparency international” ташкилотининг “коррупцияни қабул қилиш” индекси бўйича 85-ўринни эгаллаб, Швеция ва Норвегия давлатлари билан тенглашиб олган. Ушбу мамлакатда давлат бошқарувида коррупцияни олдини олиш тўрт босқичда амалга оширилиши белгиланган<sup>96</sup>.

**Бизнинг фикримизча,** Ўзбекистон Республикаси прокуратурасида коррупцияни олдини олиш самарадорлигини ошириш учун маълум бир босқичлар ишлаб чиқилиши лозим деб ҳисоблаймиз. Масалан:

**Биринчи босқич** — прокуратура органларида коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш ва уларни таҳлил қилиш.

---

<sup>95</sup>Антикоррупционные реформы в Узбекистане 4-й раунд мониторинга в рамках Стамбульского плана действий по борьбе с коррупцией; OECD/ACN (2019) // p. 152.

<sup>96</sup>Muhammed Ali “Eridicating corruption — in Singapore experience” Presentation Paper for The Seminar on International Experiences on Good Governance and Fighting Corruption; February 17, 2000// file:///C:/Users/office/Desktop/6RC\_Dubai\_David-Khoo\_Speech.pdf

Ушбу босқичда ходимларнинг фикри ҳамда текширувлар асосида коррупцияни келтириб чиқараётган энг муҳим сабаблар аниқланади; коррадбиупцияга қарши курашиш сиёсатини тартибга солувчи ички меъёрий хужжатларни (улардаги камчиликлар, бўшликлар) таҳлил қилинади; айнан қайси соҳаларда коррупция хавфи юзага келаётганлиги аниқлаб олинади; ҳар бир ходимнинг коррупцияга мойиллик даражаси ўрганилади.

**Иккинчи босқич** — прокуратура органларининг коррупцияга қарши курашиш механизмини ишлаб чиқиши ва уни амалиётга жорий этишдан иборат бўлиб, у қўйидаги кетма-кетликни ўз ичига олади:

- идоравий норматив хуқуқий ҳужжатлардаги камчиликларни бартараф этиш ва ижросини таъминлаш;
- ички меъёрий тартиб-қоидаларга риоя қилмаган ва коррупцион ҳаракатларни содир этган ходимларга нисбатан жавобгарликни кучайтириш. Мисол учун, Сингапур мамлакатида ҳар бир давлат бошқаруви органлари таркибида Коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг бўлимлари ташкил этилган бўлиб, мазкур бўліммалар коммитетга ходимларнинг коррупцияга мойиллиги, улар томонидан коррупцион ҳаракатлар содир этилиши тўғрисидаги маълумотларни тақдим қиласи. Коррупцияга қарши курашиш қўмитаси нафақат ўлим жазоси назарда тутилган коррупцион жиноятларни тергов қиласи, балки ижроя функциясини ҳам бажаради. Бу қўмита 1200 га яқин мансабдор шахсларни ўлим жазосига маҳкум қилган бўлиб, уларнинг баъзилари ўз жонига қасд қилган. Саккиз мингдан ортиқ мансабдор шахс эса мамлакатни тарк этган<sup>97</sup>.
- номзодларни ўқитиш ҳамда малакасини ошириш курслари<sup>98</sup>;
- ёш ҳамда малакасиз ходимларни билимли ва тажрибали ходимларга бириктириш. Мазкур тажриба Америка давлатида мавжуд бўлиб,

<sup>97</sup>Muhammed Ali “Eradicating corruption — in Singapore experience” Presentation Paper for The Seminar on International Experiences on Good Governance and Fighting Corruption; February 17, 2000// file:///C:/Users/office/Desktop/6RC\_Dubai\_David-Khoo\_Speech.pdf

<sup>98</sup>Антикоррупционные реформы в Узбекистане 4-й раунд мониторинга в рамках Стамбульского плана действий по борьбе с коррупцией; OECD/ACN (2019) // р. 160.

“Senior and junior system” деб номланиб, “senior”лар “junior”ларнинг хатти-харакатларига қисман масъул ҳисобланадилар. Ҳар бир “senior” учун “junior”ни тарбилаётгани учун иш ҳақига қўшимча устама ҳақ белгиланади.

- ходимлар томонидан коррупцияга оид ҳукуқбузарликлар ҳақидаги маълумотларни коррупцияга қарши ички назорат тузилмасига мажбурий хабар бериш тартибини белгилаш ва хабар берган ходимнинг хавфсизлигини таъминлаш.

**Учинчи босқич** — коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини баҳолаш.

Мазкур босқичда коррупцияга қарши курашиш чора тадбирларининг самарадорлигининг ҳолати ҳар чоракда мониторинг қилиб борилади ва бу бўйича Шахсий хавфсизлик бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига ҳисбот беради. Йил якунида эса коррупцияга қарши курашиш фаолиятининг натижадорлиги юзасидан оммавий ахборот воситаларида ҳисбот тақдим этилади.

Айни вақтда кўплаб хорижий давлатлар томонидан бу каби механизмлар ишлаб чиқилмоқда. Жумладан, Грузия давлати прокуратурасининг 2021-2025 йилларга мўлжалланган “Грузияда жиноий таъқиб ва тергов сифатини ошириш бўйича янги стратегияси” лойиҳасида прокуратура фаолиятини янада ривожлантириш, ислоҳ қилиш ва ходимлар фаолиятида қонунийликни мустаҳкамлаш режаси кўзда тутилган. Шунингдек, мазкур режада прокуратура органлари фаолиятини баҳолаш тизимини ҳам тубдан ислоҳ қилиш кўзда тутилади<sup>99</sup>.

Бундан ташқари, Озарбайжон мамлакати ҳам прокуратура органлари фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик базасини янгилаш, ундаги бўшлиқларни тўлдириш, ходимлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш

---

<sup>99</sup>[Электрон манба]. URL: [Organized by the Prosecutor's Office, a meeting of the Strategic Development and Criminal Policy Council was held \(pog.gov.ge\)](http://Organized by the Prosecutor's Office, a meeting of the Strategic Development and Criminal Policy Council was held (pog.gov.ge)) (мурожаат вақти: 17.06.202 й.)

мақсадида “2020-2023 йилларга мүлжалланган прокуратура органларини ривожлантиришнинг стратегик концепцияси”<sup>100</sup>ни ишлаб чиқишиди.

**Хуроса қилиб шуни айтишимиз мумкинки,** прокуратура органларининг мустақиллигини таъминлаш, улар фаолиятининг йўналишларини аниқ қоидалар орқали белгилаш прокуратура органларида қонунийликни мустаҳкамлашга, самарадорликни оширишга ёрдам беради. Бошқа давлат органлари томонидан уларнинг зиммасига қонунда белгиланганидан ташқари ортиқча вазифаларнинг юклатиласлиги шунингдек, фаолиятда мустақиллик, шаффофлик, холислик ва ошкоралик принципларининг амалда таъминлаш, кадрлар сиёсатини тубдан қайта кўриб чиқиш каби масаларнинг ҳал қилиниши прокуратура органлари фаолиятида коррупцияни олдини олиш самарадорлигини ошириш кафолати ҳисобланади

---

<sup>100</sup>[Электрон манба]. URL: [Oxu.az - Кямран Алиев: Утверждена "Стратегическая концепция развития прокуратуры"](#) (мурожаат вақти: 17.06.2022 й.)

## **Хулоса**

Мазкур тадқиқот доирасида прокуратура органларида коррупцияни олдини олиш, коррупцион ҳолатларни келтириб чиқараётган омиллар ўрганилди. Илмий ишимизда илгари сурилган фикрларга таянган ҳолда хуросавий ғояларимизни уч гурухга бўлиб, қуйидаги таклиф ва тавсияларимизни илгари сурилди:

### **I. Ташкилий доирадаги таклифлар**

1. Prokuratura.uz электрон сайтида прокуратура органларида ҳозирги кунда коррупцияни олдини олишда амалга оширилаётган чора-тадбирлар таҳлили, ходимлар томонидан содир этилган коррупцион жиноятлар рўйхати йиллар кесимида таққосланган ҳолатда кўрсатиб бориладиган алоҳида бўлим ташкил этилиши лозим.

2. Прокуратура органларига дастлабки хизматга топширмоқчи бўлган шахслар ўртасида ҳалол рақобатни ташкил этиш ва уларга қулайликларни яратиш мақсадида Vacancy.prok.uz веб саҳифаси жорий этилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Мазкур веб саҳифада прокуратура органларида вужудга келган бўш иш ўринлари, дастлабки хизматга қабул қилиш жараёнлари тўғрисида мунтазам ахборот бериб борилади.

### **II. Назарий хулосалар**

Диссертация ишимиздан келиб чикиб, қуйидаги атамаларга муаллифлик таърифи берилди:

**1. Прокуратура органларида коррупциявий хавф-хатарлар** — прокуратура органлари ходимларининг ўз вазифа ва мажбуриятларини бажариш давомида ички тартиб қоидаларга амал қилмасдан, менсимасдан ҳаракат қилиши, ўзи ёки учинчи шахс манфаатлари учун ноқонуний қарорлар қабул қилиши, ноқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги натижасида моддий ёки номоддий наф кўриш эҳтимоли.

**2. Прокуратура органларида коррупцияни олдини олиш** — прокуратура органлари тизимида коррупциявий омилларни аниқлаш,

аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этишга қаратилған чора-тадбирлар.

3. Прокурутара органларида коррупцияга қарши курашиш иккі хил тартибда амалга оширилади: 1) *превентив* - коррупциявий жиноятлар юзага келишидан олдин күриладиган профилактикач чоралар; 2) *репрессив* – прокуратура органдын ходими томонидан коррупцион жиноят содир этилганидан сүңг хуқуқни муҳофаза қылувчи органлар томонидан амалга ошириладиган чоралар.

### **III. Қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилған таклифлар**

1. Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунни 5<sup>1</sup>-моддаси билан тўлдирилиб, мустақиллик принципи тавсифланади ва прокуратура органлари ходимларининг мустақиллиги айнан нималар орқали кафолатланиши белгиланади. Шунингдек, прокуратура органлари ходими ўзидан юқори турувчи прокурорнинг ноқонуний буйруқлари ва топшириқларини бажармасликка ҳақлидир ва мазкур прокурор устидан ундан юқори турувчи прокурорга шикоят қилиши мумкин.

Юқори турувчи прокурор шикоятни кўриб чиқиши рад этган тақдирда, унинг бу хатти-харакатлари устидан судга мурожаат қилиш хуқуқи мустаҳкамланади.

2. Мазкур Қонун 5<sup>2</sup>-моддаси билан тўлдирилиб, ошкоралик принципи асосида маълумотларнинг очиқлиги таъминланади. Шу билан биргалиқда, ушбу нормада прокуратура органлари томонидан очиқлиги таъминланиши лозим бўлган маълумотлар рўйхати шакллантирилиши керак.

3. Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг VI бўлими қуйидаги ном билан ўзгартирилиши лозим:

*VI бўлим. Прокуратура органларида хизмат ўташ ва ходимларнинг моддий таъминоти..*

4. Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 43-моддасининг номи “*Прокуратура органларидағи лавозимларга тайинланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган умумий талаблар*” деб ўзгартириш лозим.

**5.** Қонунга “Прокуратура органларига дастлабки хизматга қабул қилинадиган номзодларга қўйилган талаблар” деб номланган қўйидаги мазмундаги 43<sup>1</sup>-моддасини киритиш ва номзодларга қўйилган талаблар рўйхатини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

**6.** “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун “Прокурор лавозимига тайинланадиган шахсларга қўйилган талаблар” деб номланувчи 43<sup>2</sup>-моддаси билан тўлдирилиб, айнан прокурорлик лавозимини эгалламоқчи бўлган номзодларга талаблар рўйхати шакллантирилиши лозим.

**7.** Прокуратура органларига хизматга қабул қилиш тартиби ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни билан мазкур тартиб мустаҳкамланиши керак.

**8.** Прокуратура органлари ходимларининг моддий ва ижтимоий таъминотини яхшилаш мақсадида “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 50-моддасида уларнинг ойлик маошлари бажараётган вазифа ва мажбуриятларига мутаносиб бўлиши, иш ҳақи миқдори қандай устама ва фоизлардан ташкил топиши ҳамда ҳизматдан ташқари бажарган ишлари учун қўшимча иш ҳақи белгиланиши лозимлиги мустаҳкамланиши керак. Шу билан биргаликда, прокуратура органлари ходимларининг моддий таъминотини янада яхшилаш, коррупциявий омилларни минималлаштириш мақсадида алоҳида меҳнат шароитлари учун ҳар ойлик устама миқдори вилоят прокуратуралари учун 100 % этиб белгиланиши таклиф қилинмоқда. Ундан ташқари, прокуратура органлари ходимларининг илмий фаолият билан шуғулланишлари уларнинг хуқукий онги ва маданиятини оширишга хизмат қиласидиган. Уларнинг илмий фаолият билан шуғулланишлари моддий рағбатлантириш мақсадида илмий даражага эга бўлган ходимлар учун қўшиладиган ҳар ойлик устамаларни 50% этиб таклифи илгари сурilmоқда.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

### **I. Раҳбарий адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабрь. [Электрон манба].URL: <http://www.ach.gov.uz/uz/lists/view/54>.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2020 йил.: [Электрон манба].URL: <https://president.uz/uz/lists/view/4057>.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қонун устувор, жазо муқаррар бўлиши кераклиги тўғрисидаги селектор йиғилиши // 29.05.2021. [Электрон манба]. URL: <https://kun.uz/66386332>.

### **II. Халқаро-хуқуқий ҳужжатлар:**

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Коррупцияга қарши Конвенцияси” // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/1461329>.

2. УНП-ООН “Укрепление верховенства права посредством повышения честности, неподкупности и потенциала органов прокуратуры” Резолюция 17/2 // [Электрон манба]. URL: <https://www.iap-association.org/>.

3. Declaration of International association of prosecutors “On minimum standards concerning the security and protection of public prosecutors and their families” // [Электронманба]. URL: <https://www.icj.org/wp-content/uploads/2014/10/IAP-Protection-of-Prosecutors.pdf>.

4. Standards of professional responsibility and statement of the essential duties and rights of prosecutors // International association of prosecutors. 1999 у. // [Электрон манба]. URL: [https://www.iap-association.org/getattachment/Resources-Documentation/IAP-Standards-\(1\)/English.pdf.aspx](https://www.iap-association.org/getattachment/Resources-Documentation/IAP-Standards-(1)/English.pdf.aspx).

5. Антикоррупционные реформы в Узбекистане 4-й раунд мониторинга в рамках Стамбульского плана действий по борьбе с коррупцией; OECD/ACN (2019) // [Электрон манба].

URL:[https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round\\_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf](https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf).

### **III. Норматив-хуқуқий хужжатлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 1992 йил 8 декабрь; Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси// [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/35869?twolang=true>.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, 1994 йил; Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/111453>.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси, 1994 йил; Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/111460>.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Конуни, 2001 йил 29 август; Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/106197>.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги 419-сонли Конуни, 2017 йил; Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/3088008>.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-хуқуқий хужжатлар тўғрисида”ги ЎРҚ-682- сонли Конуни, 20.04.2021 й.; Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/5378966>.
7. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси, 1994 йил; Конунчилик маълумотлари миллий базаси // URL:<https://lex.uz/acts/97664>.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирларис тўғрисида”ги

6257-сонли Фармони, 06.07.2021 йил; Конунчилик маълумотлари миллий базаси // <https://lex.uz/docs/5495529>.

**9.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 сентябрдаги ПФ-2036-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисида”ги Низом.

**10.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари тўғрисида”ги ПФ-313-сонли Фармони, 1992 йил; Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 2-сон.

**11.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони билан тасдиқланган “2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Давлат Дастури”нинг 17-банди // Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.03.2021 й., 06/21/6188/0216-сон.

**12.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги ПФ-5438-сонли «Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони; Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси// [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/3727063>.

**13.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 й.; Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/3107036>.

**14.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони, 2022 й., Конун хужжатлари

маълумотлари миллий базаси // [Электрон манба].

URL: <https://lex.uz/docs/5841063>.

**15.** Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 16.07.2021 й. 249-сонли буйриғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Шахсий хавфсизлик бошқармаси тўғрисида”ги Низоми.

**16.** Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 19.12.2018 йил 208-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимларининг Касб одобномаси.

**17.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3016-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси тўғрисида”ги Низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 22-сон.

**18.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги ПФ-5446-сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти тўғрисида”ги Низом 23.05.2018 // Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.11.2020 й., 06/20/6118/1562-сон.

**19.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони, 2019 й.; Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/4355387>.

**20.** The law of Spain “On Organic Statute of the Public Prosecution Office”; <https://www.fiscal.es/documents/20142/147455/Spanish+Law+on+Prosecutors.pdf/d9362d59-1d2f-9659-349b-a4fe61ef5b7c?version=1.1>

**21.** Қирғизистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Конуни; 24.08.2020 й. /<http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/112108>.

**22.** Закон Азербайджанской Республики “О прокуратуре” // [Электрон манба]. URL: [https://base.spinform.ru/show\\_doc.fwx?rgn=2800](https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=2800).

**23.** Prosecutor office of Georgia // [Organized by the Prosecutor's Office, a meeting of the Strategic Development and Criminal Policy Council was held \(pog.gov.ge\).](http://pog.gov.ge)

**24.** Constitution of the Republic of Singapore. 1965 // <https://sso.agc.gov.sg/Act/CONS1963>.

**25.** Украина Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни, Электрон манба] URL: <https://ips.ligazakon.net/document/view/T141697?an=6392>.

**26.** Law of the Republic of Serbia on the State Council of Prosecutors // [Электрон манба]. URL: <https://mLos.jt.rs/dokumenta/zakoni-i-propisi/>.

**27.** Европа прокурорлари маслаҳат кенгашининг “Прокурорларнинг мустақиллиги, ҳисобдорлиги ва этикаси бўйича” 13-сонли тавсияси (2018) // [Электрон манба]. URL: <https://www.osce.org/files/f/documents/3/5/447865.pdf>.

**28.** Органический закон Грузии “О прокуратуре” // [Электрон манба]. URL: <https://matsne.gov.ge/ru/document/view/4382740?publication=6>.

#### **IV. Монография, илмий мақола ва адабиётлар:**

**1.** Muhammed Ali “Eridicating corruption — in Singapore experience” Presentation Paper for The Seminar on International Experiences on Good Governance and Fighting Corruption; February 17, 2000// [file:///C:/Users/office/Desktop/6RC\\_Dubai\\_David-Khoo\\_Speech.pdf](file:///C:/Users/office/Desktop/6RC_Dubai_David-Khoo_Speech.pdf).

**2.** З.М. Исламов К какой власти отнести прокуратуру? - Народное слово, 3 июля 2003 года.

**3.** “The position and role of chinese procuratorialorgans in criminal justice” Guan Fujin

**4.** Gordon, Sanford C. 2009. “Assessing Partisan Bias in Federal Public Corruption Prosecutions.” AmericanPoliticalScienceReview 103 (4): 534–54.

**5.** Авазов Н.Т., Матмуротов А.Р. “Хорижий мамлакатларнинг прокуратура органлари фаолиятини тартибга солувчи норматив-хукуқий хужжатларнинг қиёсий таҳлили”. Илмий рисола. –Т., 2018.

**6.** Мишин Г.К. О теоретической разработке проблемы коррупции / Под ред. В.В. Лунеева // Коррупция: политические, экономические, организационные и правовые проблемы. – М.: Юрист, 2001. С. 26.

**7.** Friedrich Carl J. The Pathology of Politics: Violence, Betrayal Corruption, Secrecy and Propaganda. New York: Harper & Row, 1972. P. 129.

**8.** Н.Нодирхонова “Тараққиёт стратегияси” маркази бўлими бошлиғи, “Коррупцияга қарши қураш - давлат ва жамият янгиланишида муҳим омил” 28.11.2021 йил.

**9.** Б.Исмоилов ва У.Абдурахимов “Давлат хизматчиларининг молмулкини декларациялаш коррупциянинг олдини оладими?” Янги Ўзбекистон, Правда востока; 23.07.2020; <https://yuz.uz/news/deklaratsiyalashtizimi-korruptsiyaning-oldini-oladimi>.

**10.** Корчинский П.П. “Прокуратура в системе конституционного права: сравнительно правовой анализ”, Автореферат, Симферопол, 2020.

**11.** Angela J. Davis. The American PR The American Prosecutor: Independence, Power: Independence, Power, and the Threat and the Threat of Tyranny. American University Washington College of Law, p/443.

**12.** Мадалиев О.М. “Prokuror nazorati”. – Т. 2012. – Б. 85.

**13.** Пўлатов Б.Х. “Қонунлар ижроси устидан прокурор назорати”. – Т. 2006. – Б. 42.

**14.** З.Ибрагимов Прокуратура суверенного Узбекистана. – Т., 2000.

**15.** Kuprataya A. V. Concept and types of corruption offenses // Actual problems of law, economics and management. 2016. No. 12. P.133.

**16.** Mikhailov L.V. The fight against corruption in the United States (80s) //Questions of history. - 1994. - No. 5. - S. 7-11.

**17.** Одилқориев Х.Т. “Давлат ва ҳуқуқ назарияси”. Дарслик. – Тошкент. “Адолат”, 2018. – 528 бет.

**18.** “Guidelines on the Role of Prosecutors” in the eighth United Nations Congress on the Prevention of Crime and the Treatment of Offenders // [Электронманба]. URL: <https://www.ohchr.org/en/instruments-mechanisms/instruments/guidelines-role-prosecutors>.

**19.** М. Рустамбаев, Е. Никифирова “Прокуратура в правовом государстве” // Правда Востока, 2002 йил.

**20.** Дўстқориев Б., Уэддл Г., Мамадалиев С. “АҚШ ва Ўзбекистонда прокуратура органлари” //Тошкент, 2020.

**21.** О.А. Яловой, О.М. Бойченко “Актуальные проблемы прокурорской деятельности” // Москва, 2019.

#### **V. Диссертация ва авторефератлар:**

**1.** Коленко Е. Институциональные механизмы коррупции в Республике Узбекистан // Материалы международно-практического семинара по теме. «Проблемы коррупции с коррупцией: национальный и международный опыт». - Ташкент: Чашма Принт, стр. 110-118.

**2.** Абдурасулова К., Курбонов О. Коррупция: основные понятия и формы (брошюра). - Т.: Институт философии и права, 2009. - С. 58-62.

**3.** О.Виноградов “Проуратура в системе органов государственной власти” // Законность. - 1997. - № 4.

**4.** З.Ибрагимов “Прокуратура органлари ҳуқуқий мақомининг тақомиллашуви”. Монография. -Т., 2008.

**5.** Сирожев Ж. “Коррупция: унинг тарихий илдизлари, коррупцияга қарши кураш усуслари” -Т., 2008.


#### **VI. Интернет манбалари:**

- 1.** <https://lex.uz/>.
- 2.** <https://prokuratura.uz/>.
- 3.** <https://www.norma.uz/>.
- 4.** <https://www.transparency.org/en/>.
- 5.** <https://www.iap-a..ssociation.org/>
- 6.** <https://www.salaryexpert.com/salary/job/prosecutor/china#>
- 7.** <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/>
- 8.** <https://worldjusticeproject.org/>.

### ИЖТИМОЙ СЎРОВНОМА НАТИЖАЛАРИ:

1. Коррупция — бу... (бир неча жавобларни танлаш мумкин)

- Таниш-билишчилик
- Порахўрлик
- Манфаатлар тўқнашуви
- Ургў-аймоқчилик
- Мансаб ваколатини суюистеъмол қилиш



2. Ўз хизмат бурчингизни бажариш давомида коррупцион ҳолатга дуч келганмисиз?

- Ҳа, менга пора таклилф қилишган лекин доим ўз қасамёдимга содик қолганман
- Йўқ, лекин хамкасбим шундай ҳолатга дуч келган
- Йўқ, лекин айрим ходимлар томонидан коррупцион жиноятлар содир этилганлиги тўғрисида эшитганман
- Бу менга қизиқ эмас



3. Прокуратура органлари фаолиятида қонунийликни мустаҳкамлаш учун коррупциясиз хизмат қилишга тайёrmисиз?


- Албатта, адолат ва қонунийлик тарафдориман
- Йўқ, бунга айрим тўсиқлар мавжуд
- Прокуратура коррупциядан ҳоли бўла олмайди
- Бу масала мени қизиқтиrmайди



4. Сизнингча, прокуратура органларида коррупцияни олдини олишда қайси омиллар тўсиқ бўлмоқда? (бир неча жавобларни танлаш мумкин)


- Ходимларда ватанпарварлик, касбга садоқат ва халлолик туйғуларининг етарли даража эмаслиги
- Иш ҳажмининг адолатли тақсимланмаганлиги
- Хизмат фаолиятидаги ошкораликнинг етарли даражада эмаслиги
- Ойлик маошнинг камлиги

- Ахборот-технологиялари ютуқларини самарали тадбиқ этилмаганли
- Рағбатлантиришнинг, иш кўрсаткичларини тўғри баҳолашнинг замонавий механизмларининг мавжуд эмаслиги
- Иш тартиби
- Айрим ходимларнинг билим салоҳиятининг юқори эмаслиги



5. Иш ҳақининг \_\_\_\_\_ гача ошириш ходимлар ўртасида коррупцион ҳолатларни олдини олишга ёрдам беради.

- 1000 доллардан 1500 долларгacha
- 1500 доллардан 2000 долларгacha
- 2000 доллардан 3000 долларгacha




6. Прокуратура органларида коррупцияни олдини олишда Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига ўзгартириш киритиш қанчалик муҳим деб ўйлайсиз?

- Жуда ҳам мұхим, чунки күплаб муносабатлар мазкур қонунда тартибға солинмаган
- Ҳеч қандай үзгартериш киритиш шарт әмас, чунки барча муносабатлар қонуности хужжатларда белгилаб қўйилган
- Бу борада фикрга эга әмасман




7. Прокуратура органларида коррупцияни олдини олишга мўлжалланган норматив ҳуқуқий хужжатларнинг самародорлигига қандай баҳо берасиз?

- Юқори даражада, кўзланган барча мақсадларга эришяпмиз
- Барча норматив ҳуқуқий хужжатларнинг ўз вақтида ижроси таъминланмаётгани учун баъзи ҳолларда кутилган натижага эришилмаяпти
- Деярли самарасиз
- Бу нарса мен учун қизиқ әмас



9. Прокуратура органларида хизмат давомидамида фойдаланишга мўлжалланган идоравий норматив ҳуқуқий хужжатларнинг (масалан Касб одобномаси) халқ оммаси учун ёпиқлигига қандай қарайсиз?

- Айрим идоравий норматив ҳуқуқий ҳужжатлар очиқ бўлиши лозим
- Хаммаси фойдаланиш учун очиқ бўлиши керак
- Менга аҳамияти йўқ



## **10. Прокуратура органи ходимларининг хавфсизлиги етарлича таъминланган деб ҳисоблайсизми?**


- Йўқ, ходимлар ташқи таҳдидлардан тўлиқ ҳимояланган деб айта олмайман
- Хавфсизлик масаласига эътибор қаратиш шарт эмас, чунки ходимлар хизмат фаолияти давомида хеч қандай таҳдидларга учрамайдилар
- Ходимларнинг хавфсизлиги таъминланган лекин уларнинг оила аъзолари эътиборсиз қолмоқда
- Бу борада бирон-бир фикрга эга эмасман



## **11. Прокуратура органлари коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи омилларни белгиланг (бир неча жавобларни танлаш мумкин)**

- Ватанпарварлик, касбга садоқат ва халлолик туйғуларининг юқорилиги

- Иш ҳажмининг адолатли тақсимланиши
- Хизмат фаолиятидаги ошкоралик
- Ойлик маошнинг юқорилиги
- Ахборот-технологиялари ютуқларини самарали тадбиқ этилганлиги
- Рағбатлантиришнинг самарали йўлга қўйилганлиги, иш кўрсаткичларини баҳолашнинг замонавий механизмларининг жорий этилганлиги
- Иш тартибининг тўғри шаклланганлиги



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОНУНИ ЛОЙИҲАСИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг АЙРИМ ҚОНУН ХУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Қонунчилик палатаси томонидан \_\_\_\_\_ да қабул қилинган

Сенат томонидан \_\_\_\_\_ да маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган 257-II-сонли Конуни билан тасдиқланган янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 168-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й., 6-сон, 249-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда; 2008 й., 39-сон, 390-модда; 2008 й., 52-сон, 509-модда; 2011 й., 16-сон, 160-модда; 2012 й., 38-сон, 433-модда; 2015 й., 32-сон, 425-модда; 2016 й., 39-сон, 457-модда; 2017 й., 13-сон, 194-модда, 24-сон, 487-модда, 37-сон, 978-модда; Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.10.2017 й., 03/17/448/0126-сон, 05.04.2018 й., 03/18/470/1005-сон, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон; 09.01.2019 й., 03/19/512/2435-сон, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 13.11.2019 й., 03/19/583/4016-сон, 25.12.2019 й., 03/19/597/4193-сон; 23.01.2020 й., 03/20/603/0071-сон, \_\_\_\_\_.20\_\_\_\_ й., \_\_\_\_\_.\_\_\_\_\_.\_\_\_\_\_.сон) қуидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

- 1) қуидаги мазмундаги 5<sup>1</sup>-моддаси билан тўлдирилсин:  
«5<sup>1</sup>-модда. Мустақиллик принципи кафолатлари

Прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда мансабдор шахслардан мустақил равища, фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширадилар.

Давлат органлари, ташкилотлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан прокурор фаолиятига ҳар қандай аралашиш, унинг ғайриқонуний қарор қабул қилишга эришиш мақсадида қандай шаклда бўлмасин таъсир ўтказиш ёки фаолиятини амалга оширишга тўсқинлик қилиши белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

Прокурорларнинг мустақиллиги қуйидагилар билан кафолатланади:

прокуратура органлари ходимларининг дахлсизлигини таъминлаш;

ходимларнинг шахси, шаъни, мол-мулки ва оила аъзоларини ноқонуний тажовузлардан ҳимоя қилиш;

прокуратура органлари ходимларининг моддий ва ижтимоий таъминоти.

Прокуратура органлари ходими ўзидан юқори турувчи прокурорнинг ноқонуний буйруқлари ҳамда мазкур Конуннинг 4-моддасида назарда тутилган фаолият йўналишларидан ташқари бўлган топшириқларини бажармасликка ҳақлидир ва мазкур прокурор устидан ундан юқори турувчи прокурорга шикоят қилиши мумкин.

Юқори турувчи прокурор шикоятни кўриб чиқишини рад этган тақдирда, унинг бу хатти-харакатлари устидан судга мурожаат қилишга ҳақлидир».

2) қуйидаги мазмундаги 5<sup>2</sup>-моддаси билан тўлдирилсин:

«5<sup>2</sup>-модда. Ошкоралик принципи.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ўз фаолиятини ошкора амалга оширадилар. Прокуратура органларининг расмий веб-сайтида қўйидаги маълумотларнинг очиқлиги таъминланиши зарур:

прокуратура органларининг фаолиятини ва ходимларининг юриш-туришини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий хужжатлар;

прокуратура органлари тасарруфидаги хизмат автотранспорт воситалари, хизмат уйлари ва бошқа кўчмас мулклар;

харажатлар сметаси тўғрисидаги маълумотлар;  
давлат харидлари тўғрисидаги маълумотлар;  
прокуратуа органларидаги бўш иш ўринлари, хизматга қабул қилиш шартлари, номзодларга қўйилган талаблар тўғрисидаги маълумотлар;  
қонунчилик хужжатларига мувофиқ бошқа маълумотлар ҳам эълон қилиниши мумкин».

- 3) VI бўлим қуйидаги ном билан ўзгартирилсин:  
«VI бўлим. Прокуратура органларида хизмат ўташ ва ходимларнинг моддий таъминоти».
- 4) 43-модда номи қуйидаги таҳирда баён этилсин:  
«43-модда. Прокуратура органларидаги лавозимларга тайинланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган умумий талаблар».
- 5) қуйидаги мазмундаги 43<sup>1</sup>-моддаси билан тўлдирилсин:  
«43<sup>1</sup>-модда. Прокуратура органларига дастлабки хизматга қабул қилинадиган номзодларга қўйилган талаблар.

Прокуратура органларига дастлабки хизматга қуйидаги талабларга эга бўлган шахслар қабул қилинади:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;  
давлат тилини мукаммал билган;  
тўлиқ хуқуқ ва муомала лаёқатига эга бўлган;  
олий юридик маълумотга, зарур касбий ва маънавий фазилатларга эга бўлган;

судланмаган мутахассислар қабул қилиниши мумкин».

- 6) қуйидаги мазмундаги 43<sup>2</sup>-моддаси билан тўлдирилсин:  
«43<sup>2</sup>-модда. Прокурор лавозимига тайинланадиган шахсларга қўйилган талаблар.

Прокурор лавозимига тайинланадиган шахсларга қўйилган талаблар:

ўттиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;

давлат тилида мукаммал билган;

тўлиқ хуқуқ ва муомала лаёқатига эга бўлган;

олий юридик маълумотга, зарур касбий ва маънавий фазилатларга эга бўлган;

прокуратура органларида беш йиллик иш тажрибасига эга;

судланмаган фуқаролар тайинланади».

7) қуидаги мазмундаги 43<sup>3</sup>-моддаси билан тўлдирилсин:

«43<sup>3</sup>-модда. Прокуратура органларига хизматга қабул қилиш тартиби.

Прокуратура органларига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари танлов асосида қабул қилинади.

Танлов қуидаги босқичлардан иборат бўлади:

керакли маълумотларни тақдим қилиш (маълумотнома, диплом нусҳаси, тиббий маълумотнома, яқин қариндошларининг исм ва фамилияси, яшаш ва ишлаш жойлари);

махсус текширув;

тест синови;

полиграфия текшируви;

сухбатдан ўтиш.

Тест ва сухбат жараёнлари онлайн режимда ёритиб борилади ва уларнинг натижалари барча иштирокчилар учун очиқ эълон қилинади. Сухбатдан мувафаққиятли ўтган шахслар прокуратура органларига хизматга қабул қилинадилар.

Махсус текширувдан ўта олмаган номзодларга асослантирилган хуносалар тақдим қилган ҳолда уларни танловдан четлаштирилади.

Номзод сухбатдан ўта олмаса, олти ойдан кейин прокуратура органларига хизматга қайтадан ҳужжат топшириши мумкин».

8) 50-модданинг матни қуидаги таҳrirда баён этилсин:

«Прокуратура органлари ходимларининг умумий иш ҳақи миқдори қуидагилардан ташкил топган:

Мансаб моши. Прокуратура органлари ходимларининг мансаб маоши миқдори вазифа ва мажбуриятларининг аҳамиятига, ҳажмига мутаносиб бўлиши кафолатланади.

устама ҳақлардан: даражали унвон, кўп йиллик меҳнати ва алоҳида меҳнат шароити учун.

рағбатлантирувчи тўловлардан: илмий даража учун фоизли устама, фаолиятидаги ютуклар учун мукофот, чет тилларини билгани учун;

йил давомида меҳнат натижаларига кўра моддий рағбатлантириш;

давлат мукофотлари;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тўловлардан.

Прокуратура органи ходими дам олиш кунлари, байрам кунлари ва иш вақтидан ташқари бажарган ишлари учун қўшимча иш ҳақи билан таъминланади.

Прокуратура органи ходимининг ўз хизмат вазифасини бажариш давомида иш ҳақи миқдорининг камайтирилиши тақиқланади.

Даражали унвонларга (ҳарбий унвонларга) эга бўлган прокуратура органларининг ходимлари белгиланган меъёрлар бўйича бепул хизмат кийими билан таъминланади.

Прокуратура органлари ходимларига давомийлиги ўттиз календарь кундан иборат ҳақ тўланадиган йиллик таътил берилади. Ўн йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган прокуратура органлари ходимларига давомийлиги беш календарь кун, ўн беш йилдан ортиқ иш стажига эга бўлганларга давомийлиги ўн календарь кун, йигирма йилдан ортиқ иш стажига эга бўлганларга эса давомийлиги ўн беш календарь кун қўшимча таътил берилади».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиrsин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хукуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**5-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига  
ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга оид таклифлар юзасидан  
ТАҚҚОСЛАМА ЖАДВАЛ**

АМАЛДАГИ ТАҲРИР	ТАКЛИФ ЭТИЛАЁТГАН ТАҲРИР	АСОС
Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни		
<b>Тўлдирилмоқда.</b>  <i>5<sup>1</sup>-модда.</i>	<p><i>5<sup>1</sup>-модда. Мустақиллик принципи кафолатлари.</i></p> <p>Прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда мансабдор шахслардан мустақил равишида, фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширадилар.</p> <p>Давлат органлари, ташкилотлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан прокурор фаолиятига ҳар қандай аралашиш, унинг гайриқонуний қарор қабул қилишга эришиш мақсадида ҳар қандай шаклда бўлмасин таъсир ўтказиш ёки фаолиятини амалга оширишга тўсқинлик қилиш белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.</p>	<p>Амалдаги “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасидан ўтказилмоқда.</p> <p>Қонунчиликда прокуратура органлари фаолиятига аралашишни тақиқловчи норманинг йўқлиги сабабли айрим давлат давлат органлари ҳамда мансабдор шахслар томонидан прокуратура органлари фаолиятига аралашиш ҳолатлари кузатилмоқда. Шу билан биргаликда, Россия, Қирғизистон каби давлатларнинг “Прокуратура тўғрисида” ги қонунида бу каби норма мустаҳкамланган.</p>

	<p>Прокурорларнинг мустақиллиги куйидагилар билан кафолатланади:</p> <p>прокуратура органлари ходимларининг дахлсизлигини таъминлаш;</p> <p>ходимларнинг шахси, шаъни, мол-мулки ва оила аъзоларини ноқонуний тажовузлардан ҳимоя қилиш;</p> <p>прокуратура органлари ходимларининг моддий ва ижтимоий таъминоти.</p> <p>Прокуратура органи ходими ўзидан юқори турувчи прокурорнинг ноқонуний бўйруқлари ва топшириқларини бажармасликка ҳақлидир ва мазкур прокурор устидан ундан юқори турувчи прокурорга шикоят қилиши мумкин.</p> <p>Юқори турувчи прокурор шикоятни кўриб чиқишини рад этган тақдирда, унинг бу хатти-харакатлари устидан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.</p>	<p>Халқаро прокурорлар ассоциацияси томонидан қабул қилинган “Давлат прокурорлари ва уларнинг оиласи”ни хавфсизлиги ва ҳимоясининг минимал стандартлари декларацияси”да нафақат прокуратура органи ходимининг, балки оила аъзоларининг ҳам хавфсизлигини таъминлаш давлат зиммасида бўлиши кераклиги белгиланган. Прокурорнинг ҳар қандай таъсирлардан ҳоли бўлиши мустақил қарор қабул қилишининг кафолатларидан бири ҳисобланади.</p>
<p><b>Тўлдирилмоқда.</b></p> <p><i>5<sup>2</sup>-модда.</i></p>	<p><i>5<sup>2</sup>-модда. Ошкоралик принципи.</i></p> <p>Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ўз фаолиятини ошкора амалга оширадилар. Прокуратура органларининг расмий веб-сайтида кўйидаги маълумотларнинг очиқлиги таъминланиши зарур:</p>	<p>2012 йил Европа Кенгаши Вазирлар қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган 2тавсияларнинг 6-бандига мувофиқ прокуратура органлари ўз фаолиятларини максимал даражада очиқ ва шаффоф ташкил этишлари лозимлиги белгиланган.</p> <p>Прокуратура органлари ходимларининг одоб</p>

	<p>прокуратура органларининг фаолиятини ва ходимларининг юриш-туришини тартибга солувчи норматив-хуқуқий ҳужжатлар;</p> <p>прокуратура органлари тасарруфидаги хизмат автотранспорт воситалари, хизмат уйлари ва бошқа кўчмас мулклар;</p> <p>харажатлар сметаси тўғрисидаги маълумотлар;</p> <p>давлат харидлари тўғрисидаги маълумотлар;</p> <p>прокуратура органларидаги бўш иш ўринлари, хизматга қабул қилиш шартлари, номзодларга қўйилган талаблар тўғрисидаги маълумотлар;</p> <p>қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа маълумотлар ҳам эълон қилиниши мумкин</p>	<p>аҳлоқи, юриш-туриш қоидалари аксарият хорижий мамлакатлар – <b>Испания, Хитой, Грузия</b> каби давлатларнинг асосий қонунларида ўз ифодасини топган.</p>
VI бўлим. Прокуратура органларининг ходимлари	<b>VI бўлим. Прокуратура <u>органларида хизмат ўташ ва ходимларнинг моддий таъминоти</u></b>	Лойиҳа нормаларининг мантиқий изчиллигини ва мазмунан боғлиқлигини таъминлаш мақсадида ўзгартирилмоқда.
43-модда. Прокуратура органларидаги лавозимларга тайинланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар.	43-модда. Прокуратура органларидаги лавозимларга тайинланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган <u>умумий</u> талаблар.	Модда мазмунидан келиб чиқкан холда тўлдирилди.

<p><b>Тўлдирилмоқда.</b></p> <p><a href="#">43<sup>1</sup>-модда</a></p>	<p><a href="#">43<sup>1</sup>-модда.</a> Прокуратура органларига дастлабки хизматга қабул қилинадиган номзодларга қўйилган талаблар.</p> <p>Прокуратура органларига дастлабки хизматга қўйидаги талабларга эга бўлган шахслар қабул қилинади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;</li> <li>давлат тилини мукаммал билган;</li> <li>тўлиқ хуқуқ ва муомала лаёқатига эга бўлган;</li> <li>олий юридик маълумотга, зарур касбий ва маънавий фазилатларга эга бўлган;</li> <li>судланмаган мутахассислар қабул қилиниши мумкин.</li> </ul>	<p>Қонунда прокуратура органларидағи лавозимга тайинланадиган шахсларга нисбатан қўйилган талаблар умумий тартибда берилган.</p> <p>Дастлабки хизматга қабул қилинадиган номзодларга қўйилган талаблар эса тегишли Низом ёки идоравий норматив-хуқуқий хужжатларда мустаҳкамланган.</p> <p>Ушбу тизимда эҳтимолий мавжуд бўлган коррупцион ҳолатларни олдини олиш ва очиқликни таъминлаш мақсадида ходимларни танлаш ва тайинлаш жараёнларини қонун билан тартибга солиш зарур.</p> <p>Бундай қоидалар хорижий мамлакатлардан – <b>Америка, Хитой, Молдава, Грузия, Қирғизистон</b> ва бошқа давлатлар қонунчилигига назарда тутилган.</p>
<p><b>Тўлдирилмоқда.</b></p> <p><a href="#">43<sup>2</sup>-модда.</a></p>	<p><a href="#">43<sup>2</sup>-модда.</a> Прокурор лавозимига тайинланадиган шахсларга қўйилган талаблар.</p> <p>Прокурор лавозимига тайинланадиган шахсларга қўйилган талаблар:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>ўттиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;</li> <li>давлат тилида мукаммал билган;</li> <li>тўлиқ хуқуқ ва муомала лаёқатига эга</li> </ul>	<p>Прокуратура органлари ходимлари ўз фаолиятлари давомида инсон ҳаёти билан боғлиқ бўлган кўплаб қарорлар қабул қиласи.</p> <p>Баъзи ҳолатларда прокурор лавозимига тажрибаси етарли бўлмаган ходимларнинг</p>

	<p>бўлган;</p> <p>олий юридик маълумотга, зарур касбий ва маънавий фазилатларга эга бўлган;</p> <p>прокуратура органларида ўн йиллик иш тажрибасига эга;</p> <p>судланмаган фуқаролар тайинланади.</p>	<p>тайинланиши оқибатида хатоларга йўл кўйилган.</p> <p>Шу мақсадда, тайинланадиган прокурорларга нисбатан ёш ва стаж цензини белгилаш таклиф этилмоқда.</p> <p>Бундай қоидалар хорижий мамлакатлардан – Хитой, Молдава, Грузия, Қирғизистон ва бошқа давлатлар қонунчилигига назарда тутилган.</p>
<p><b>Тўлдирилмоқда.</b></p> <p><i>43<sup>2</sup>-модда.</i></p>	<p><i>43<sup>2</sup>-модда. Прокуратура органларига хизматга қабул қилиш тартиби.</i></p> <p>Прокуратура органларига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари танлов асосида қабул қилинади.</p> <p>Танлов дастлабки ва яқуний босқичдан иборат. Дастлабки босқич қўйидагиларни ўз ичига олади:</p> <p>керакли маълумотларни тақдим қилиш (маълумотнома, диплом нусҳаси, тиббий маълумотнома, яқин қариндошларининг исм ва фамилияси, яшаш ва ишлаш жойлари);</p> <p>махсус текширув;</p> <p>тест синови;</p> <p>полиграфия текшируви;</p> <p>сухбатдан ўтиш.</p> <p>Тест ва сухбат жараёнлари онлайн</p>	<p>Прокуратура органларига хизматга қабул қилишнинг янги тартиби ишлаб чиқилиб, қонуний мустаҳкамланмоқда.</p> <p>ЕИҲ ташкилоти томонидан 2020 йилда қабул қилинган “Шарқий Европа, Марказий Осиё ва Тинч океани ҳудуди бўйича прокурорларнинг мустақиллиги” қўлланмасига биноан, прокурорларнинг мустақиллигини таъминлашда хизматга қабул қилиш, лавозимини қўтариш, ҳалол рақобат асосида номзодларни танлаб олиш каби масалалар жуда ҳам муҳим аҳамиятга эгалиги белгиланган. Бунда, танлов ташкил этилиши тўғрисида очик эълон қилиш, унинг шартларини аниқ қонун орқали белгилаб қўйиш, натижаларни эълон қилиш танловнинг муҳим шартларидан бири хисобланади.</p>

	<p>режимда ёритиб борилади ва уларнинг натижалари барча иштирокчилар учун очиқ эълон қилинади. Суҳбатдан мувафақиятли ўтган шахслар прокуратура органларига хизматга қабул қилинадилар.</p> <p>Махсус текширувдан ўта олмаган номзодларга асослантирилган хулосалар тақдим қилган ҳолда уларни танловдан четлаштирилади.</p> <p>Номзод суҳбатдан ўта олмаса, олти ойдан кейин прокуратура органларига хизматга қайтадан хужжат топшириши мумкин.</p> <p>Дастлабки босқичдан ўтган номзодлар якуний босқичда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясида белгиланган тартиб ва муддатларда касбий қайта тайёрлаш курсларида ўқишлиари белгиланади.</p>	
<p><b>50-модда. Прокуратура органлари ходимларининг моддий ва ижтимоий таъминоти.</b></p> <p><u>Прокуратура</u>                          <u>органлари</u>  <u>ходимларининг</u>    <u>иш</u>    <u>ҳаки</u>    <u>мансаб</u></p>	<p><b>50-модда. Прокуратура органлари ходимларининг моддий ва ижтимоий таъминоти.</b></p> <p><b>Чиқариб ташланмоқда</b></p>	

<p><u>маошидан, даражали унвонлар (ҳарбий унвонлар), кўп йиллик хизмат учун тўланадиган устама ҳақлардан ҳамда қонунчиликда назарда тутилган бошқа тўловлардан иборат бўлади.</u></p>		
<p><b>Тўлдирилмокда</b></p>	<p><b>Прокуратура органлари ходимларининг умумий иш ҳақи миқдори қўйидагилардан ташкил топган: мансаб маоши.</b> Прокуратура органлари ходимларининг мансаб маоши миқдори вазифа ва мажбуриятларининг аҳамиятига, ҳажмига мутаносиб бўлиши кафолатланади.</p> <p><b>устама ҳақлардан: даражали унвон, кўп йиллик меҳнати ва алоҳида меҳнат шароити учун.</b></p> <p><b>рағбатлантирувчи тўловлардан:</b> илмий даража учун фоизли устама, фаолиятидаги ютуқлар учун мукофот, чет тилларини билгани учун;</p> <p><b>йил давомида меҳнат натижаларига кўра рағбатлантириш;</b></p> <p><b>давлат мукофотлари;</b></p> <p><b>қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тўловлардан.</b></p> <p><b>Прокуратура органи ходими дам олиш кунлари, байрам кунлари ва иш</b></p>	<p>Хориж тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, Грузия давлати “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 81-моддасида ойлик иш ҳақининг рўйхати белгилаб қўйилган. Бундай норма Россия “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 44-моддасида белгиланган. Шунингдек, мазкур норматив-хуқуқий ҳужжатларда ходимларнинг иш ҳақи миқдорининг камайтирилиши тақиқланиши мустаҳкамланган.</p>
<p>Даражали унвонларга (ҳарбий унвонларга) эга бўлган прокуратура органларининг ходимлари белгиланган меъёрлар бўйича бепул хизмат кийими билан таъминланади.</p> <p>Прокуратура органлари ходимларига давомийлиги ўттиз календарь кундан иборат ҳақ тўланадиган йиллик таътил берилади. Ўн йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган прокуратура органлари ходимларига давомийлиги беш календарь кун, ўн беш йилдан ортиқ иш стажига эга бўлганларга давомийлиги ўн календарь кун, йигирма йилдан ортиқ иш стажига эга бўлганларга эса давомийлиги ўн беш</p>		

календарь кун қўшимча таътил берилади.

**вақтидан ташқари бажарган ишлари учун қўшимча иш ҳақи билан таъминланади.**

**Прокуратура органи ходимининг ўз хизмат вазифасини бажариш давомида иш ҳақи миқдорининг камайтирилиши тақиқланади.**

Даражали унвонларга (харбий унвонларга) эга бўлган прокуратура органларининг ходимлари белгиланган меъёрлар бўйича бепул хизмат кийими билан таъминланади.

Прокуратура органлари ходимларига давомийлиги ўттиз календарь кундан иборат ҳақ тўланадиган йиллик таътил берилади. Ўн йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган прокуратура органлари ходимларига давомийлиги беш календарь кун, ўн беш йилдан ортиқ иш стажига эга бўлганларга давомийлиги ўн календарь кун, йигирма йилдан ортиқ иш стажига эга бўлганларга эса давомийлиги ўн беш календарь кун қўшимча таътил берилади.

